


**А.М.ШОФКОРОВ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА  
БАДИЙ ТАКРОР**

**ТОШКЕНТ**



А.М.ШОФКОРОВ

ЎЗБЕК ТИЛИДА  
БАДИЙ ТАКРОР

ТОШКЕНТ

Книга должна быть  
возвращена не позже  
указанного здесь срока

Количество предыдущих  
выдач \_\_\_\_\_

80 /  
14.81

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

А.М.ШОФҚОРОВ

ЎЗБЕК ТИЛИДА  
БАДИЙ ТАҚРОР

(Миртемир шеърияти мисолида)

1456



ТОШКЕНТ – 2019

УЎК: 801.671.5:821.521.133-1  
КБК 83.3(СҮ)  
Ш 81

Ш 81      А.М.Шофқоров. Ўзбек тилида бадий тақрор. –Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 120 бет.

ISBN 978-9943-5676-8-9

Монографияда бадий матнлари тасвирий воситаларнинг хусусан, Миртемир шеъриятидаги тақрорларнинг семантик-стилистик хусусиятлари ёритилган.

Шунингдек, Миртемир шеърияти матнларни бадий тақрорларнинг турлари аниқланаби, уларни фонетик, лексик, грамматик кесимда таҳлил қилиш орқали мазкур тасвирий воситанинг поэтик вазифани амалга оширишдаги хизматлари аниқ далиллар асосида кўрсатиб берилган.

Ушбу монография тилшунослик йўналишида илмий тадқиқот ишлари билан шугууланувчилар, магистрант ва бакалаврият талабалари учун муҳим манба сифатида хизмат қила олади.

\*\*\*

The monograph illustrates the semantic-stylistic features of artistic texts, in particular the repertoire of Mirtemir poetry.

In the monograph the types of artistic repercussions in the text of Mirtemir poetry are identified and analyzed in phonetic, lexic, and grammatical sections, and the services of the present invention in the fulfillment of poetic function are clearly demonstrated.

This monograph can serve as an important source for researchers, masters and bachelors in linguistics.

УЎК: 801.671.5:821.521.133-1  
КБК 83.3(СҮ)

*Масъул мұхаррір:*  
Р. Расулов – филология фанлари доктори, профессор

*Тақримчила:*  
Б. Менглиев – филология фанлари доктори, профессор;  
У. Ходжамқұлов – филология фанлари номзоды.

*Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти Ўқув-этади.*  
*услубий кенгашининг 2019 йил 30 январданги 1/10-сонли қарори билан паннан*

ISBN 978-9943-5676-8-9

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2019

## КИРИШ

Тил жамиятда кишилар ўргасидаги муносабатни таъминлайди, маълум ахборотларни етказади. Шунингдек, киши рухиятига таъсир этади, эстетик завқ беради ва маданий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "...ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз"<sup>1</sup>. Зоро, "Миллий рухни шаклантирадиган, мунтазам мустаҳкамлайдиган, унинг ардок билан авайлаб-асралишига имкон берадиган энг одил омил она тилидир. Тил ҳалқ, миллат рухининг бетакрор ва ҳеч бир замон хира тортмас кўзгусидир. Ҳар бир тилда шу тил эгаси бўлган миллатнинг саъжиси, рухияти акс этади"<sup>2</sup>.

Ҳар қандай адид ижодини илмий жиҳатдан ўрганиш факат адабиётшуносликнинг ўрганиш обьекти бўлиб қолмай, тилшуносликнинг ҳам бевосита ўрганиш обьектидир. "Индивидуал услубни ўрганиш асар матнини тилшунослик ва адабиётшунослик нұктай назаридан батафсил таҳлил қилиш ҳамда ёзувчининг хусусий лисоний фаолиятини аниқлаш учун муҳимдир. Бу турдаги таҳлил ҳар бир муаллифнинг тил тизимидан фойдаланиш услубини аниқлаш, унинг асар ғоявий мазмунини ёритишда, воқееликни бадий баён қилишда тил воситаларини кўллаш маҳоратини ўрганиш учун хизмат киласи"<sup>3</sup>. Бу эса адид ижодини филологик нұктай назардан ўрганишни тақозо этади. "Бадий матн бадий-эстетик бутунлик сифатида ниҳоятда мураккаб, серқатлам ҳодиса. Бадий матнда ифодалантган асосий ғоя-фикр-мазмунни тушуниш шунчаки иш эмас, балки анча қийин ва мураккаб ижодий жараёндир. Бадий асарда мутлако ўзига хос, гоҳ очик, гоҳ яширип тарзда намоён бўладиган мазмуннинг маъносини тўғри яширип мавзуднинг яхшидиган маданий, аклий-хиссий ва лисоний-эстетик фаолият натижасида мумкин бўлади"<sup>4</sup>. Бунда, асосан, ижодкорнинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак мальавият – ингилмас куч. – Т.: "Мальавият", 2008. – Б. 87.

<sup>2</sup> Махмудов Н. Тил. – Т.: Ёзувчи, 1998. – Б. 11-12.

<sup>3</sup> Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – Б. 8.

<sup>4</sup> Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б. 3-4.

тилдан фойдаланиш махорати, ўзига хос топилмалар яратса олиши, бадий санъатлар ва тасвирий воситаларни тўғри ва ўз ўрнида кўллай олиши кабилар дикқат марказида бўлади. Бугунги кунгача ўзбек тилшунослиги катта ютуқларга эришди. Жумладан, поэтик нутқинг тил хусусиятларини ўрганиш юзасидан ҳам кенг қамровли изланишлар олиб борилди ва кўплаб илмий тадқиқотлар яратиди<sup>1</sup>.

Бадий асар тили ва индивидуал услубни ўрганиш муайян ёзувчи ёки шоирнинг тил бирликларидан фойдаланишдаги махоратини белгилашдан иборат. “Бадий асар тили бадииниятини ўрганиш ўзбек тилшунослигининг ҳам ҳозирги кундаги муносарали ва долзарб масалаларидан биридир. Бугунги кунда бадий ижодкорлар махоратини белгилаш унинг тил унсурларидан фойдаланиш борасидаги мохирлиги мезони билан ҳам бевосита боғлиқ эканлиги яққол намоён бўлмоқда”<sup>2</sup>. Бадий нутқ образли нутқидир. Ижодкор бадий асарда сўз воситасида образ яратади. Шунинг учун ҳам бадий санъатларнинг, тасвирий воситаларнинг махорат билан кўлланиши асарнинг бадиийлигини таъминлайди. Бадий санъатларнинг юзага келиши тилнинг услубий имкониятлари билан боғлиқ. Шу сабабли бадий санъатларнинг тадқиқ

<sup>1</sup> Шомакудов А. Язык сатири Мукими (Лексика и фразеология): Автограф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1956; Ахмедов А. Фуркат поэзиясининг лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1960; Тұрабекова С. Гафур Гулом пәзмаларининг тили ва стили жаҳида: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1961; Чориев Б. Гафур Гулом поэзияси лексикасининг айрим масалалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1972; Еріев Б. Язық поэзии М. Шайхзаде: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1979. – С. 22; Махматмуродов Ш. Язық «Дивана» Хамза Хаким-заде Низами: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1981. – С. 191; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лиссан ат-тайр” Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 19; Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1983. – С. 18; Бабаева С. Лексико-стилистические особенности поэзии Хамида Алимджанова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1989. – С. 19; Рустамов М. Гадойи девони тилининг лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1992. – Б. 141; Ахмедов Ҳ. Ўзбек адабиётидаги насрлар шеъри: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1995. – Б. 24; Рихисева Г. Шеъриятдаги гапларниң актуал бўлининцида анафоралар ўрни: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1999. – Б. 117; Йўлдошев М. Чўллоннинг бадий тил махорати: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 24; Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нутқида антитеза (Э.Вохидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 26; Мухаммаджоннова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқики: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25; Тоҳибов М. Мухаммад Шабоний девони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 24; Шадиева Д. Мухаммад Юсуф шеъриятининг лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 25; Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Рахмон, А.Ўқтам, И.Мирзо шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 25; Ҳайдаров А. Бадий тасвирийнинг фоностилистик воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 22; Юлдашев М. Бадий матнининг лингвопоэтик тадқики: Филол. фанлари доитори ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б. 48; Норматов С. Абдулла Авлоний шеърияти лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2011. – Б. 25 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нутқида антитеза (Э.Вохидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 3.

етилиши тилшуносликнинг ҳам энг муҳим ўрганиш обьектидир. Бадий санъатлар адабиётшуносликда, асосан, ўзбек мумтоз адабиёти матнлари асосида кенгрөз тадқиқ этилган бўлиб<sup>1</sup>, уларнинг лисоний ва стилистик хусусиятлари ўзбек тилшунослигига нисбатан кам ўрганилган.

Бадий асарда кўлланган тил бирликлари бошқа услублардагига нисбатан услубий вазифа бажариши, эмоционал-экспрессивлик вазифасининг юқорилиги билан фарқланиб туради. Бу бадий асар матнидаги бадий тасвирий воситаларнинг ўзига хос семантик-стилистик хусусиятларини келтириб чиқаради. Бадий тасвирий воситаларнинг бадий матнидаги услубий вазифаси алоҳида ўрганишни тақозо этади. “Муайян бадий тасвирий воситаларини ўрганиш ёзувчининг бадий тил махоратини, халқ тилидаги ифода воситаларининг бойлигини кўрсатиш имконини беради”<sup>2</sup>. Ҳар бир ёзувчи ёки шоир тил воситаларидан ўзига хос шаклда фойдаланиб, индивидуал услубини яратади. “Ҳар бир даврда ижод этган шоир ва ёзувчилар, ҳатто бир даврда яшаган ижодкорларнинг ҳам сўзга, тилга муносабати бир хил эмас”<sup>3</sup>.

Тасвирий воситалардан бадий нутқда таъсирчанликни ошириш, образлиликни таъминлаш мақсадида кўлланади. “Бадий матнда кўлланувчи барча сўзлар тасвирий воситалар деб юритилади. Ана шу сўзлар ёрдамида адилар асар мазмуни ва гоясини китобхонга етказадилар, уларда шу тасвирилангаётган воқеа-ходисага шахсий муносабат уйғотадилар.”<sup>4</sup>

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигига поэтик нутқда кўлланган бадий тасвирий воситаларнинг лисоний, семантик, стилистик хусусиятларини ёритишга қаратилган бир қанча монографик тадқиқотлар яратилди<sup>5</sup>.

Г.Келдиёрова тадқиқотида Э.Вохидов ижодида кўлланган антитеталарнинг лисоний хусусиятларини ёритган. Шунингдек, бу

<sup>1</sup> Ҳожиахмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз кофия. – Т.: “Шарқ”, 1998. – Б. 160; Ўша муаллиф. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 240; Исҳоков Ҷ. Навоий поэтикаси. – Т.: “Фан”, 1983. – Б. 168; Ўша муаллиф. Қайтариш санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 2-сон. – Б. 83-87; Ўша муаллиф. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: “Зарқалам”, 2006. – Б. 128 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нутқида антитета (Э.Вохидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 3.

<sup>3</sup> Кўнгурев Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари – Т.: «Фан», 1977. – Б. 125.

<sup>4</sup> Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: «Ўқитувчи», 1995. – Б. 14.

<sup>5</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нутқида антитета (Э.Вохидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 26; Мухаммаджоннова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқики: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25; Шадиева Д. Мухаммад Юсуф шеъриятининг лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 25; Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Рахмон, А.Ўқтам, И.Мирзо шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 25.

тилдан фойдаланиш маҳорати, ўзига хос топилмалар яратади олиши, бадий санъатлар ва тасвирий воситаларни тўғри ва ўз ўрнида қўллай олиши кабилар дикқат марказида бўлади. Бугунги кунгача ўзбек тилшунослиги катта ютуқларга эришди. Жумладан, поэтик нуткнинг тил хусусиятларини ўрганиш юзасидан ҳам кенг қамровли изланишлар олиб борилди ва кўпшаб илмий тадқиқотлар яратилди<sup>1</sup>.

Бадий асар тили ва индивидуал услубни ўрганиш муайян ёзувчи ёки шоирнинг тил бирликларидан фойдаланишдаги маҳоратини белгилашдан иборат. “Бадий асар тили бадииятини ўрганиш ўзбек тилшунослигининг ҳам ҳозирги кундаги мунозарали ва долзарб масалаларидан биридир. Бугунги кунда бадий ижодкорлар маҳоратини белгилаш унинг тил унсурларидан фойдаланиш борасидаги моҳирлиги мезони билан ҳам бевосита боғлиқ эканлиги яққол намоён бўлмокда”<sup>2</sup>. Бадий нутк образли нуткдир. Ижодкор бадий асарда сўз воситасида образ яратади. Шунинг учун ҳам бадий санъатларнинг, тасвирий воситаларнинг маҳорат билан қўлланиши асарнинг бадиийлигини таъминлайди. Бадий санъатларнинг юзага келиши тилнинг услубий имкониятлари билан боғлиқ. Шу сабабли бадий санъатларнинг тадқиқ

етилиши тилшуносликнинг ҳам энг муҳим ўрганиш обьектидир. Бадий санъатлар адабиётшуносликда, асосан, ўзбек мумтоз адабиёти матнлари асосида кенгрок тадқиқ этилган бўлиб<sup>1</sup>, уларнинг лисоний ва стилистик хусусиятлари ўзбек тилшунослигига нисбатан кам ўрганилган.

Бадий асарда кўлланган тил бирликлари бошқа услублардагига нисбатан услубий вазифа бажариши, эмоционал-экспрессивлик вазифасининг юқорилиги билан фарқланиб туради. Бу бадий асар матнидаги бадий тасвирий воситаларнинг ўзига хос семантик-стилистик хусусиятларини келтириб чиқаради. Бадий тасвирий воситаларнинг бадий матнлари услубий вазифаси алоҳида ўрганишни тақозо этади. “Муайян бадий тасвирий воситаларини ўрганиш ёзувчининг бадий тил маҳоратини, халқ тилидаги ифода воситаларининг бойлигини кўрсатиш имконини беради”<sup>2</sup>. Ҳар бир ёзувчи ёки шоир тил воситаларидан ўзига хос шаклда фойдаланиб, индивидуал услубини яратади. “Ҳар бир даврда ижод этган шоир ва ёзувчилар, ҳатто бир даврда яшаган ижодкорларнинг ҳам сўзга, тилга муносабати бир хил эмас”<sup>3</sup>.

Тасвирий воситалардан бадий нуткда таъсирчанликни ошириш, образлиликини таъминлаш мақсадида кўлланади. “Бадий матнда кўлланувчи барча сўзлар тасвирий воситалар деб юритилади. Ана шу сўзлар ёрдамида адиллар асар мазмуни ва гоясини китобхонга етказадилар, уларда шу тасвириланадиган воқеа-ходисага шахсий муносабат уйғотадилар.”<sup>4</sup>

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигига поэтик нуткда кўлланган бадий тасвирий воситаларнинг лисоний, семантик, стилистик хусусиятларини ёритишга қаратилган бир қанча монографик тадқиқотлар яратилди<sup>5</sup>.

Г.Келдиёрова тадқиқотида Э.Воҳидов ижодида кўлланган антitezаларнинг лисоний хусусиятларини ёритган Шунингдек, бу

<sup>1</sup> Ҳожиахмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз кофия. – Т.: “Шарқ”, 1998. – Б. 160; Ўша муаллиф. Мумтоз бадиин малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 240; Исҳоков Ҷ. Навоий поэтикаси. – Т.: “Фан”, 1983. – Б. 168; Ўша муаллиф. Кайтериш санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 2-сон. – Б. 83-87; Ўша муаллиф. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: “Зарқалам”, 2006. – Б. 128 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нуткда антitezа (Э.Воҳидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 3.

<sup>3</sup> Кўнгурев Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Т.: “Фан”, 1977. – Б. 125.

<sup>4</sup> Лепасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: «Ўқитувчи», 1995. – Б. 14.

<sup>5</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нуткда антitezа (Э.Воҳидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 26; Мухаммаджонова Г. 80-йиллар охри 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25; Токибоеv M. Мухаммад Шабоний девони тилининг лексико-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 24; Шалиева Д. Мухаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 25; Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Рахмон, А.Ўқтам, И.Мирзо шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 25; Ҳайдаров А. Бадий тасвириятининг фоностилistikти воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 22; Юлдашев М. Бадий матнининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б. 48; Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърияти лексикасининг мълевоний-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2011. – Б. 25 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нуткда антitezа (Э.Воҳидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 26; Мухаммаджонова Г. 80-йиллар охри 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 25; Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятida бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Рахмон, А.Ўқтам, И.Мирзо шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 25.

<sup>1</sup> Шомакудов А. Язык сатири Мукими (Лексика и фразеология): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1956; Ахмедов А. Фурқат поэзисининг лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1960; Тўрабекова С. Faғur Ғулом поэмаларининг тили ва стили ҳакида: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1961; Чорин Б. Faғur Ғулом поэзиси лексикасининг айрим масалалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1972; Еріев Б. Язық поэзии М. Шайхзаде: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1981. – С. Махматмуродов Ш. Язық «Диванга Ҳамзы Ҳаким-заде Низзи»: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 22; дисс. – Т., 1972; Еріев Б. Язық поэзии М. Шайхзаде: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1981. – С. 19; Ҳамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ат-тайр” Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 19; Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1983. – С. 18; Бабаева С. Лексико-стилистические особенности поэзии Ҳамиды Алишеровна: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1989. – С. 19; Рустамов М. Гадони девони тилининг лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1992. – Б. 141; Ахмедов Ҳ. Ўзбек адабиётидаги насрлар шеър: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1995. – Б. 24; Рижисеева Г. Шеъриядиги гапларнинг актуал бўлинингизи анафоралар ўрни: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1999. – Б. 117; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 24; Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нуткда антitezа (Э.Воҳидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 26; Мухаммаджонова Г. 80-шеърияти мисолида: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25; Токибоеv M. Гадони девони тилининг лексико-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25; Токибоеv M. Мухаммад Шабоний девони тилининг лексико-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 24; Шалиева Д. Мухаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 25; Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятida бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Рахмон, А.Ўқтам, И.Мирзо шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 25; Ҳайдаров А. Бадий тасвириятининг фоностилistikти воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 22; Юлдашев М. Бадий матнининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б. 48; Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърияти лексикасининг мълевоний-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2011. – Б. 25 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нуткда антitezа (Э.Воҳидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 3.

ишида Э.Вохидовнинг антitezани шакллантириш борасидаги маҳорати очиб берилган.

Г.Муҳаммаджонова 80-йиллар охири 90-йиллар бошларида Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Аъзам Ўқтам, Иқбол Мирзо шеърияти лексикаси бадий тасвир воситаларининг бадий тилдаги ўзига хос ифодасини ижодкорнинг индивидуал маҳорати мисолида очиб берган.

Д.Шодиева Муҳаммад Юсуф шеъриятидаги такрорларни таҳлил қиласар экан, бунда такрорни услубий восита сифатида контакт ва дистант ҳолдаги такрорларга бўлиб ўрганганд. Тадқиқотчи Муҳаммад Юсуфнинг антitezа, синонимия, мақол ва иборалардан, шунингдек, такрордан фойдаланиш маҳоратини тадқиқ қилган ва индивидуал окказионализмларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ёритган. Муаллиф ушбу тадқиқоти асосида такрор ҳақида шундай холосага келган: “Такрор Муҳаммад Юсуф шеърларида етакчи синтактик фигура даражасига кўтарилган бўлиб, у шеърда таъкид, илтимос, ўтинч, сўрок, санаш маъноларини кучайтириш, даражалаш, муболагани бўрттириш, таъсирни янада теранлаштириш, қиёслаш каби турли вазифаларни адо этади. Такрорлар мисраларда жойлашуви ҳамда қайтарилиш сонига кўра турлича бўлиб, улар контакт ҳолатда ва дистант ҳолатда кўлланган”<sup>1</sup>.

Н.Тўланованинг диссертацион ишида ҳозирги ўзбек шеъриятидаги бадий санъатларнинг лисоний-услубий хусусиятлари Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўқтам, Иқбол Мирзолар шеърияти асосида тадқиқ этилган. Унинг таъкидига кўра: “Бадий санъат кўринишларини бир неча адиларнинг асари мисолида тадқиқ қилиш уларнинг ҳар бирининг бадий-лисоний маҳоратини очишга ёрдам берса, иккинчи томондан, уларнинг бу борадаги изланишларини қиёслаш асосида баҳолашга имкон беради. Бундай кузатишлар тили тадқиқ қилинаётган шоирларда қисман муштарак хусусиятларни белгилашга имкон берса, пировардида уларнинг оригинал хусусиятларини ёритишга йўл очади”<sup>2</sup>.

Такрор санъати ва такрор услубий воситасини ўрганиш юзасидан ўзбек тилшунослигида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бадий асар матнида, поэтик нутқда

кўлланган такрорнинг услубий хусусиятларини кенг ва фундаментал равищда тадқиқ қилиш бугунги ўзбек лингвостилистикасининг энг долзарб муаммоларидан биридир. “Дарҳақиқат, ўзбек шеър тузилиши (бармоқ ва аруз шеър тизимлари) мезонларини белгилашда ва, хусусан, поэтик нутқда бадий такрорлар катта роль ўйнайди. Умуман айтганда, поэтик гояни ўзида ифодаловчи товуш, сўз, сўз бирикмаси: мисра, байт, банднинг шеър курилмасидан муайян қонуният асосидағи такроридан тузилган фонетик, лексик, морфологик, синтактик нутқ обороти бадий такрорлар деб юритилади”<sup>3</sup>. Бадий такрорларсиз шеър мусикий-лигини, ритмини, вазнини, кофия санъатини тасаввур қилиб бўлмайди. Такрорлар поэтик тилнинг образли тасвир воситалари ва шеър тузилиши унсурлари билан узвий бирликдагина ўз вазифасини ўтайди олади.

Такрор ҳақида гап борар экан, луғавий-нутқий ходиса бўлган такрор (такрорий сўз)ни бадий усул, бадий санъат тури бўлган такрордан фарқлаш лозим бўлади. Такрорий сўз лексема характеристига эга бўлиб, асосан, номинатив вазифа бажаради ва нутқда бирор воқеа-ходиса, харакатнинг микдорий кўплигини англатади: *кула-кула сўзлади, тўда-тўда бўлиб келди, ишлай-ишлай чарчади*. Такрорий сўз ўзбек тилшунослигида З.Ўринбоев<sup>2</sup> ва М.Бўронова<sup>3</sup>лар томонидан махсус тадқиқ қилинган.

Такрорий сўз билан такрорлаш усули коммуникатив вазифаси, маъно ва структураси, матнда кўлланиш хусусиятларига кўра фарқланади. Такрорий сўз лексема, яъни битга сўз ёнма-ён қайтарилади, такрорланади. Такрорий сўз айнан бир сўзнинг икки бор талаффуз қилинишидан юзага келади, бундай сўзлар орасига дефис қўйилади, талаффузда енгил пауза билан ажралади. Такрорий сўз ҳам бадий тилда маълум услубий вазифа бажаради, аммо бу тип сўзларнинг асосий вазифаси микдоран кўплик ифодаловчи сўз шаклини юзага келтириш ва унинг номи бўлиб келишидир. Бадий усул, бадий санъат сирасидағи такрорлар нутқда (матн)да турли ўринларда келади. Бадий такрор вазифасида асосий восита товуш, сўз, сўз бирикмаси, маълум ибора, гап, ҳатто бутун бир мисра (мисралар) бўлиши мумкин. Бадий такрор нутқда

<sup>1</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлер. – Т.: ТДПУ, 2001. – Б. 93.

<sup>2</sup> Ўринбаев З. Лингвистическая природа редупликаций в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 18.

<sup>3</sup> Буранова М. Структурно-семантические особенности редупликативных слов в английском и узбекском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 18.

<sup>1</sup> Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. факултии номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 21.

<sup>2</sup> Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Раҳмон, А.Ўқтам, И.Мирзо шеърияти мисолида): Филол. факултии номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 17.

бадиий-услубий, эмоционал-экспрессив, бадиий-эстетик, образлиник вазифаларини ўтайди. Такорий сўз ўз характеристига кўра лексема (сўз)га яқин туради, такор эса синтактик ва фразеологик бирликларга мансубдир ва б.

Такорий сўзларни ўрганишга бағишиланган тадқиқотларда такорий сўзларни бадиий-услубий такорлардан фарқлашга оид фикрлар учрайди. Масалан, З.Ўринбоев бу масалага оид кузатишларини якунлаб чизмага туширас экан такорий сўзни бадиий-услубий такордан фарқлади ва унга тавтология, плеоназм, параллеллар (параллелизм), қоғия (рифма) ва радиф киришини таъкидлайди<sup>1</sup>. З.Ўринбоев тадқиқотида тилдаги такор ҳодисаси (редупликация), унинг кўринишлари, такорий сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганишган. Ушбу тадқиқотда ўзбек тилидаги такорий сўзлар лексик ва морфологик сатҳларда кенг таҳлил қилинган<sup>2</sup>. Ўзбек тилидаги такорий сўзлар инглиз тилидаги ана шундай материал билан киёслангандан ҳолда М.Бўронова томонидан ҳам амалга оширилган<sup>3</sup>.

Такоррга оид баъзи мулоҳазалар И.Мирзаев, С.Бобоева, Г.Рихсиевалар тадқиқотида ҳам учрайди. И.Мирзаев ишида такор бирликлар қоғия билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган. Бунда аллитерация ва ассонанс каби воситаларнинг қоғияни юзага келтиришда асосий восита эканлиги кўрсатилган<sup>4</sup>. С.Бобоева тадқиқотида жуфт ва такорий сўзларнинг Х.Олимжон шеъриятидаги хусусиятлари ҳакида қисман тўхталиб ўтилган<sup>5</sup>. Г.Рихсиева такорнинг шаклларидан бири бўлган анафорани гапларнинг актуал бўлинишига боғлаб ўрганган<sup>6</sup>.

Юқорида кўрсатилган тадқиқотларда такор ҳодисаси лингвистик ва лингвопоэтик планда тадқиқ этилган. Бадиий тасвирий восита сифатида ўрганилганида ҳам кўпроқ маълум бир давр билан боғлиқ ҳолда ёритилган. Ваҳоланки, ижодкорнинг такордан фойдаланиши, унга услубий маъно юклай олиш маҳорати ўзига хос бўлиб, бу эса ҳар бир ижодкорнинг бадиий

<sup>1</sup> Уринбаев З. Лингвистическая природа редупликаций в современном узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 6.

<sup>2</sup> Уринбаев З. Келтирилган автореферат. – С. 18.

<sup>3</sup> Буранова М. Структурно-семантические особенности редупликативных слов в английском и узбекском языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 18.

<sup>4</sup> Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс... доктора филол. наук. – Т., 1992. – С. 47.

<sup>5</sup> Бабаева С. Лексико-стилистические особенности поэзии Хамида Алимджана: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1989. – С. 19.

<sup>6</sup> Рихсиева Г. Шеъриятдаги гапларнинг актуал бўлинишида анафоралар ўрни: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1999. – Б. 25.

тасвирий воситаларни кўллай олиш маҳоратини алоҳида тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилишни тақозо этади.

Ҳар бир бадиий тасвирий воситадан ёзувчи ёки шоир ўз ижодида унумли фойдаланади. “Шеърият тили тадқиқ қилинганда унинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида эътиборга олинади, яъни поэзия тилининг адабий жинслар ва поэтик жанрлар, мусикийлик, стилистик воситалари, морфология ва синтаксис билан боғлиқ бўлган ўзига хосликлари қайд қилинади”<sup>1</sup>. Такор ҳам бадиий асарда, хусусан, шеъриятда кўп кўлланадиган услубий восита-тардан биридир.

“Такор – стилистик кўринишлардан бири бўлиб, бир сўзни ёки бир неча сўзни, баъзан эса маълум сатрни атайн қайтариш”<sup>2</sup>. Аслида такор ҳамма услубларда ҳам кўлланади. “Чунки ҳар бир услубда маънени таъкидлаб, алоҳида ажратиб, баъзан бўрттириб кўрсатишга маълум ўринларда дикқатни жалб қилишга эҳтиёж бор. Бу эҳтиёжни қондириш учун кўпчилик томонидан осон қабул қилинадиган, фикр юритилаётган соҳада ёки кундалик турмушда фаол ишлатиладиган тил бирликлари такорий кўлланади”<sup>3</sup>. Лекин бадиий асардаги такоррлар эмоционал-экспрессивлиги, стилистик хусусиятлари, бадиий-эстетик қиммати, образлилиги билан фарқланиб туради, ижодкорнинг ўзига хос услубини келтириб чиқаради. Айниска, поэтик нутқда такорнинг ўзига хос стилистик хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу шеъриятдаги ўзига хосликларни намоён қиласи ҳамда тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. Такор ҳодисаси ўзбек тилшунослигида жуда кам ўрганилган.

XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакиларидан бири Миртемир ижодида такор бадиий тасвирий воситаси мана шундай мақсадларга, шоирнинг индивидуал услубини яратишга хизмат қилган. Миртемир лирикасидаги такорларнинг кўлланиши, уларнинг маъно англатиши ва услубий восита сифатида намоён бўлиши каби ҳодисалар шоир ижодини монографик тадқиқ этиш имконини яратади.

Ўзбек адабиётшунослигида Миртемир ижоди, унинг бадиий маҳорати, асарларининг бадиий-эстетик фазилатлари Т.Жалолов, О.Шарафиддинов, С.Мирзаев, И.Ғафуровларнинг адабий портрет-

<sup>1</sup> Адабиёт назарияси. Адабий аср. Биринчи жилд. – Т.: Фан, 1978. – Б. 355.

<sup>2</sup> Адабиётшунослик терминлари лугати / Тузувчилар: Ҳ.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – Б. 300.

<sup>3</sup> Каримов С. Бадиий услуга ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994. – Б. 54.

ларида<sup>1</sup> ёритиб берилган. Шунингдек, шоирнинг поэтик образ яратишдаги ва сўз кўллашдаги ижодий маҳорати К.Азизов, Т.Халилов, F.Мўминов ва У.Хўжамкуловлар тадқиқотларида<sup>2</sup> кенг ва атрофлича ёритилган. К.Азизов Миртемир ижодини даврларга бўлиб ўрганган бўлса, У.Хўжамкулов тадқиқотида сўзниңг поэтик талқини, бадиий асардаги ғоявий-бадиий вазифаси, образнинг ижтимоий-фалсафий маъно қирралари тадқиқ этилган. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотда шоирнинг сўз кўллаш маҳоратидаги ўзига хос хусусиятларини, бадиий тасвирий воситалардан фойдаланишини, у яратган айрим поэтик образларнинг халқ ижодига муносабатини ўрганишга ҳам ҳаракат қилинган. Тадқиқотчи ёзади: “Миртемир ижоди услуб ва образ нуктаи назаридан, бадиий тафакур, сўз ва тасвирий воситалар жиҳатидан, фольклорга муносабат борасида йирик тадқиқотларга, кизикарли баҳсларга асос бўла олади. Шоир шеъриятида бадиий сўз имкониятлари юксак ғоя учун хизмат қиласди. У ҳеч қачон жимжимадорликка, сунъий ярқироқликка қизикмайди. Айниқса, шоир ижодидаги сўз ва портрет, сўз ва пейзаж муносабатларининг тўлалигича асар ғоясига бўйсундирилиши диққатта сазовордир”<sup>3</sup>. Келтирилган тадқиқотлarda шоир ижоди адабиётшунослик нуктаи назардан таҳлил этилиб, уларда, асосан, Миртемирнинг образ яратиш маҳорати ёритилган. Аммо Миртемир шеъриятининг тил хусусиятлари деярли ўрганилмаган.

Миртемир шеъриятининг тил хусусиятлари Ф.Назиржононинг шоир ижодини ўрганишга бағишлиланган илмий мақолаларида қисман ёритилган<sup>4</sup>. Ф.Назиржонова мақолаларида Миртемирнинг умумтуркий сўзлар, диалектизмлар, синонимлардан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр юритган ва шоир шеъриятидаги оригинал ибораларни белгилашга муваффақ бўлган. Жумладан,

<sup>1</sup> Шарофиддинов О. Миртемир / Замон. Қалб. Поззия. – Т.: Ўзабдабийнашр, 1962; Мирзаев С. Етук шоир // СамДУ Илмий асарлар. Янги серия, 127-нашр. – Самарқанд, 1963; Жалолов Т. Кўнгир мавжлар кўйчиси / Яшасин табассум – Т.: Бадиий адабиёт, 1966; Гафуров И. Она юрт кўйчиси – Т.: ЎзКП нашриёти, 1970.

<sup>2</sup> Азизов К. Поззии Миртемира: Автореф. дисс. ... канд. филол. науқ. – Т., 1966. – С. 29; Халилов Т. Миртемир маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 127; Мўминов F. Ўзбек совет адабиёти тараккиётida фольклорнинг роли. – Т.: “Фон”, 1985; Ходжамкулов У. Миртемир лирикасига сўз ва образ: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25.

<sup>3</sup> Ходжамкулов У. Миртемир лирикасига сўз ва образ: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 17.

<sup>4</sup> Назиржонова Ф. Миртемир шеъриятида синонимларнинг кўлланниши // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Т., 1975. – Б. 168-172; Ўша муаллиф. Миртемир шеъриятида диалектизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. – 1-сон. – Б. 82-84; Ўша муаллиф. Миртемир поэзиясида умумтуркий лексик катлам // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – 1-сон. – Б. 70-71; Ўша муаллиф. Миртемир ижодига хос оригинал иборалар // Тилшунослик масалалари. – Т.: “Фон”, 1978. – Б. 199-203.

муаллиф адаб шериятидаги диалектизмларни ўрганар экан, Миртемир шеъриятида адабий тилда мавжуд бўлган сўзларга синоним бўладиган диалектизмлар кўлланганлигини, бу диалектизмлар асар мазмунининг таъсирчанлигини ва ифодалилигини таъминлашга хизмат қилинанини таъкидлайди<sup>1</sup>. Биз ушбу ишларга тадқиқотнинг кейинги саҳифаларида ўрни билан тўхталамиз.

Миртемир шеърияти сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларининг кўлланиши билангина эмас, балки услубий воситаларнинг кўлланиши, уларнинг стилистик маъно англатишига кўра ҳам характерлидир. Такрор – шеъриятда қадимдан фаол кўлланган бадиий тасвирий восита. Такрор халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиётида ҳам фаол кўлланиб, маълум маъновий-услубий вазифани бажариб келган.

Юқорида номи тилга олинган тадқиқчиларнинг бадиий такрорнинг услубий, лингвопоэтик, лексик-семантик хусусиятлари ҳақида айтган фикрларининг кенгроқ таҳлилини беришга ҳаракат қиласдимиз.

С.Каримов бадиий тил (матн)нинг лисоний белгиларини тадқиқ қиласди қиласди экан, бадиий тилда сўз санъати турларининг аҳамияти ҳақида тўхталади ва такрор ҳодисасининг можияти юзасидан куйидаги фикрларни билдиради: “Такрордан бошқа функционал услубларда ҳам фойдаланишни инкор этмаган ҳолда, унинг кўлланиши доираси бадиий услубда жиҳдий равишда кенгайиб боришини таъкидлаш ўринли бўлади. Бадиий асарда, барча стилистик воситаларда бўлгани каби, такрорнинг зиммасига ҳам нутқий воситаларга хос эмоционал бўёқ, алоҳида оҳанг, жозиба бериш вазифаси юкланди. Шунинг учун ҳам ижод жараёнида уларга мурожаат қилиш қаламкашдан маҳсус тайёргарликни талаб қиласди ва ана шундай ижодий меҳнат меваси бўлган такрорларгина бадиий услуб учун чинакам стилистик усул сифатида хизмат қиласди.

Лафзий санъатлардан бири сифатида такрор (такрир, мукаррир) адабиётимизда анъанавий характерга эга”<sup>2</sup>.

Бадиий адабиёт тилига илмий ёндашиш масаласида ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида янгича йўл тутишлар талаб этилмоқда. Масалан, Т.Қурбоновнинг фикрича: “Бадиий асар услубини биргина тил нуктаи назардан белгилаш бир ёқламаликка

<sup>1</sup> Назиржонова Ф. Миртемир шеъриятида диалектизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. – 1-сон. – Б. 83.

<sup>2</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 1993. – Б. 38.

ларида<sup>1</sup> ёритиб берилган. Шунингдек, шоирнинг поэтик образ яратишдаги ва сўз кўллашдаги ижодий маҳорати Қ.Азизов, Т.Халилов, F.Мўминов ва У.Хўжамкуловлар тадқиқотларида<sup>2</sup> кенг ва атрофлича ёритилган. Қ.Азизов Миртемир ижодини даврларга бўлиб ўрганган бўлса, У.Хўжамкулов тадқиқотида сўзниңг поэтик талқини, бадиий асардаги гоявий-бадиий вазифаси, образнинг ижтимоий-фалсафий маъно қирралари тадқиқ этилган. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотда шоирнинг сўз кўллаш маҳоратидаги ўзиға хос хусусиятларини, бадиий тасвирий воситалардан фойдаланишини, у яратган айрим поэтик образларнинг халқ ижодига муносабатини ўрганишга ҳам ҳаракат қилинган. Тадқиқотчи ёзади: “Миртемир ижоди услуб ва образ нуқтаи назаридан, бадиий тафакур, сўз ва тасвирий воситалар жиҳатидан, фольклорга муносабат борасида йирик тадқиқотларга, қизиқарли баҳсларга асос бўла олади. Шоир шеъриятида бадиий сўз имкониятлари юксак гоя учун хизмат қиласди. У ҳеч қачон жимжимадорликка, сунъий ярқироқликка қизиқмайди. Айниқса, шоир ижодидаги сўз ва портрет, сўз ва пейзаж муносабатларининг тўлалигича асар гоясига бўйсундирилиши диккатта сазовордир”<sup>3</sup>. Келтирилган тадқиқотларда шоир ижоди адабиётшунослик нуқтаи назардан таҳлил этилиб, уларда, асосан, Миртемирнинг образ яратиш маҳорати ёритилган. Аммо Миртемир шеъриятининг тил хусусиятлари деярли ўрганилмаган.

Миртемир шеъриятининг тил хусусиятлари Ф.Назиржононинг шоир ижодини ўрганишга бағишлиланган илмий мақолаларида қисман ёритилган<sup>4</sup>. Ф.Назиржонова мақолаларида Миртемирнинг умумтуркий сўзлар, диалектизмлар, синонимлардан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр юритган ва шоир шеъриятидаги оригинал ибораларни белгилашга муваффақ бўлган. Жумладан,

<sup>1</sup> Шарофиддинов О. Миртемир / Замон. Қалб. Поззия. – Т.: Ўзбадабийншр, 1962; Мирзазев С. Етук шоир // СамДУ Илмий асарлар. Янги серия, 127-нашр. – Самарқанд, 1963; Жалолов Т. Қўнғир мавжулар кўйчиси / Яшасин табассум – Т.: Бадиий адабиёт, 1966; Faфуров И. Она юргут кўйчиси. – Т.: ЎзКП наприёти, 1970.

<sup>2</sup> Азизов К. Поззия Миртемира: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1966. – С. 29; Халилов Т. Миртемир маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 127; Мўминов F. Ўзбек совет адабиёти тараҳхистида фольклорнинг роли. – Т.: “Фан”, 1985; Ходжамкулов У. Миртемир лирикасида сўз ва образ: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25.

<sup>3</sup> Ходжамкулов У. Миртемир лирикасида сўз ва образ: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 17.

<sup>4</sup> Назиржонова Ф. Миртемир шеъриятида синонимларнинг кўлланини // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Т., 1975. – Б. 168-172; Уша муаллиф. Миртемир шеъриятида диалектизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. – 1-сон. – Б. 82-84; Уша муаллиф. Миртемир поззиясида умумтуркий лексик катлам // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – 1-сон. – Б. 70-71; Уша муаллиф. Миртемир ижодига хос оригинал иборалар // Тилшунослик масалалари. – Т.: “Фан”, 1978. – Б. 199-203.

муаллиф адиб шериятидаги диалектизмларни ўрганар экан, Миртемир шеъриятида адабий тилда мавжуд бўлган сўзларга синоним бўладиган диалектизмлар кўлланганлигини, бу диалектизмлар асар мазмунининг таъсиричанлигини ва ифодалилигини таъминлашга хизмат қилинини таъкидлайди<sup>1</sup>. Биз ушбу ишларга тадқиқотнинг кейинги сахифаларида ўрни билан тўхталамиз.

Миртемир шеърияти сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларининг кўлланиши билангина эмас, балки услубий воситаларнинг кўлланиши, уларнинг стилистик маъно англатишига кўра ҳам характерлидир. Такрор – шеъриятда қадимдан фаол кўлланган бадиий тасвирий восита. Такрор ҳалқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиётида ҳам фаол кўлланиб, маълум маъновий-услубий вазифани бажарib келган.

Юқорида номи тилга олинган тадқиқотчиларнинг бадиий такрорнинг услубий, лингвопоэтик, лексик-семантик хусусиятлари ҳақида айтган фикрларининг кенгроқ таҳлилини беришга ҳаракат қиласмиз.

С.Каримов бадиий тил (матн)нинг лисоний белгиларини тадқиқ қиласди экан, бадиий тилда сўз санъати турларининг аҳамияти ҳақида тўхталади ва такрор ҳодисасининг моҳияти юзасидан куйидаги фикрларни билдиради: “Такрордан бошқа функционал услубларда ҳам фойдаланишини инкор этмаган ҳолда, унинг кўлланиш доираси бадиий услубда жиддий равишда кенгайиб боришини таъкидлаш ўринли бўлади. Бадиий асарда, барча стилистик воситаларда бўлгани каби, такрорнинг зиммасига ҳам нутқий воситаларга хос эмоционал бўёқ, алоҳида оҳанг, жозиба бериш вазифаси юкланди. Шунинг учун ҳам ижод жараённида уларга мурожаат қилиш қаламкашдан маҳсус тайёргарликни талаб қиласди ва ана шундай ижодий меҳнат меваси бўлган такрорларгина бадиий услуб учун чинакам стилистик усул сифатида хизмат қиласди.

Лафзий санъатлардан бири сифатида такрор (такрир, мукаррир) адабиётимизда анъанавий характерга эга”<sup>2</sup>.

Бадиий адабиёт тилига илмий ёндашиш масаласида ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида янгича йўл тутишлар талаб этилмоқда. Масалан, Т.Курбоновнинг фикрича: “Бадиий асар услубини биргина тил нуқтаи назардан белгилаш бир ёқламаликка

<sup>1</sup> Назиржонова Ф. Миртемир шеъриятида диалектизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. – 1-сон. – Б. 83.

<sup>2</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 1993. – Б. 38.

олиб келади, колаверса, кутилган натижани бермайди. Бадий асар тили ва услубини белгилашда умумфилологик нуқтаи назардан ёндашиш зарурдир. Тил ва услуб тушунчаси бир-биридан ажратилган ҳолда эмас, яхлит ҳолда ўрганилгани маъкул”<sup>1</sup>.

Т.Курбоновнинг ушбу фикри унинг қуидаги мулоҳазаларида яна аникроқ гавдаланган: “Бугунги кунда бадий услуб, бадий асар услуби, ёзувчи услуби, индивидуал услуб ҳақида фикр юритганда уларга “адабиётшунослик” ва “тилшунослик”, нуқтаи назардан ёндашиш” деган ақидани олиб ташлаб, ҳам адабиёт-шунослик, ҳам тицшунослик жиҳатдан, яъни умумфилологик жиҳатдан ёндашиш маъкулдир. Биз ана шу тартибда услубни тадқиқ этиш тарафдоримиз. Бунда бадий асар матни бутун мавжудлиги билан таҳлил этилади. Унда мавзу + гоя + образ + образлилик + сюжет + композиция + бадий ифода + эстетик мазмун ва эстетик ифода + сўзнинг эстетик вазифаси + тасвирий воситалар + троп ва фигуралар + сўздан фойдаланиш ва ифодалаш маҳорати + тил ва оҳанг + поэтик мазмун ва поэтик ифода + лингвистик поэтика + жанр хусусиятлари ва имкониятлари яхлит ҳолда ўрганилмоғи ва тадқиқ этилмоғи лозим”<sup>2</sup>.

Таникли услубшунослар Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевлар айтган қуидаги фикр гоятда ҳаққонийдир: “... бадий асарнинг сифати ва киммати, ёзувчининг индивидуал услуби, биринчи навбатда, унинг максад ўқини нишонга бехато урадиган жозибадор тили билан белгиланади”<sup>3</sup>.

Такрор ҳодисаси функционал жиҳатдан поэтик нутқда кўпроқ учраса-да, у бошқа бадий жанрлар тилида ҳам мавжуд. Чунончи, Бекмурод Йўлдошев Сайд Аҳмад асарлари тили ва услубини тадқиқ килиб, улар тилида такрорнинг уч хил тури, яъни синтактик тузилмалар (структуря) такрори, уюзиқ бўлаклар параллелизми, синтактик параллелизмнинг такрор билан қўшилиб келишини тадқиқотчилар инглиз тилидаги такрорий сўз ва такрорларни стилистика ва матнни шакллантирувчи восита сифатида ўрганган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Курбонов Т. Тарихий бадий асар ва давр тили масалалари. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – Б. 20.

<sup>2</sup> Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадний стиль. – Т.: “Фан”, 1988. – Б. 79.

<sup>3</sup> Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Санда Ахмада: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1979. – С. 10-11.  
<sup>4</sup> Глазырина С.А. Стилистические и текстообразующие функции повтора словообразовательных единиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1993. – С. 22.

С.Бобоеванинг ёзишича: “Шоир Ҳамид Олимжон тақрор санъатидан кенг фойдаланган. Шоир қўллаган тақрорларга оҳангдорлик, оригиналлик, лиризм, таъсирчанлик хос бўлиб, бу хусусиятлар шоирнинг бир қанча шеърларида ёрқин кўринади”<sup>1</sup>. С.Бобоева тақрорий сўз билан бадий тақрор усулини фарқлаган ҳолда уларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилган. Аммо у тақрорий сўз билан бадий усул бўлган тақрорни терминологик жиҳатдан фарқламайди. Бу ҳол унинг қуидаги фикрида кўринади: “Лексико-услубий ҳодиса бўлган тақрорлар факат умумий маънони англатмай, сўз маъносига турли кўшимча маънолар беради. Улар кўп ҳолларда кўплик, давомийлик ва тақрорлаш маъноларини англатади”<sup>2</sup>. Ҳар ҳолда булоқ-булоқ типидаги ҳодисани тақрорий сўз деб, муаллиф “приём повтор” деб номлаган ҳодисани “бадий тақрор” деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Г.Яҳшиева ўзбек тилидаги фонографик воситалар ҳақида фикр юритар экан, умуман, нутқда, жумладан, бадий тилда учраб турадиган нима-га-а-а?, кимса-а-ан?, она-а, сизга ха-а-ат, ўй-ў-ў-қ, мименга, кккимга?, э-и-и-шак каби ҳодисаларни фонологик чўзиқлик, чўзиқ айтиш, чўзиқ талаффуз, иккиланириб ёзилиш, чўзиқ ва баланд талаффуз, очик ва ёпиқ бўғинлардаги чўзилиш, товушнинг иккиланирилиши, иккиланириб талаффуз килиш, эмоционал чўзиқлик каби тушунчалар билан атайди<sup>3</sup>.

Келтирилган ҳолатларда товуш чўзиб айтилаётган, шунга кўра иккиланириб ёзилаётган бўлиши мумкин, аммо мана шу чўзиқлик қандай усолда амалга оширилган? Масалан, нима-га-а-а?, ўй-ў-ў-қ кабиларда бир товуш (а, ў)нинг чўзилишими ёки айнан бир товушнинг мустақил тақрорими, дейилган савол туғилади. Фикримизча, келтирилган ҳолатларда а ва ў товушлари тақрор талаффуз қилинмокда, аниқ қилиб айтилса, битта товушни тақрор ҳолда айтиш асосида чўзиқлик юзага келмокда. Г.Яҳшиеванинг қуидаги фикрларида “ундошнинг бирдан ортиқ тақрори” иборасининг қўлланиши ҳам бизнинг нуқтаи назаримизни кувватлайди: “Сўз бошидаги ундош товушнинг иккиланирилиши персонажга хос нутқий камчилик ёки унинг ўта ҳаяжонланганлигини

<sup>1</sup> Бабаева С. Лексико-стилистические особенности поэзии Хамида Алимджана. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1989. – С. 11.

<sup>2</sup> Бабаева С. Ўша автореферат. – Б. 6.

<sup>3</sup> Яҳшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол. фанлари номзоди ... дисс автореф. – Т., 1997. – Б. 12-17.

ифодаласа, сўз охиридаги ундошнинг бирдан ортиқ тақори шу сўзниңг чўзиқ талаффузини билдиради”<sup>1</sup>.

Г.Яхшиева фонетик имкониятлар воситасида юзага келувчи тақор ҳакида қўйидагиларни ёзади: “Товуш ёзуви (звукозапись)нинг икки кўриниши мавжуд: а) ассонанс; б) аллитерация.

Буларнинг ҳар иккаласида ҳам товуш ва маъно бирлиги асосида образ яратилади.

Аллитерация аҳамият берилиши лозим бўлган сўзларга киши дикқатини тортади, уни ўзига хос шаклда талаффуз килишга ундейди. Бу усулда яратилган шеърларнинг сўз шакли уларни эсда тез ва узок сакланиб қолиш имконини беради”<sup>2</sup>.

А.Хайдаров бадиий матиннинг фоностилистик воситаларини тадқиқ қиласа экан, шундай ёзади: “Тил фикр Англатиш қуроли бўлиш билан бирга, инсонларга хиссий таъсир қилиш воситаси ҳамда бу таъсир сўзлардаги асосий (денотатив) маънога асосланган кўшимча (коннотатив) маънолар воситасида амалга ошади. Коннотатив маъно компонентларини ташкил қилувчи “бўёқдор” фонетик воситаларда кучли ифодаланади”<sup>3</sup>.

Фоностилистик воситалар орқали ғазабланиш, маъюслик, иккиланиш, пичинг, ирония, менсимаслик ва қўшимча маънолар юзага чиқади. Булар, А.Хайдаровнинг таъкидлашича, товушлар киёфасини ўзгартириб айтиш, товуш ортириш ёки тушириш, аллитерация, геминация, талаффузда товушларни иккилантириш ва килинса, қайд қилинган усулларнинг асосий қисми товуш тақори минг ла-а-аънат, нима-а-ларр деяпсан?, ўла-ай! каби.

Мисолларга диккат килинса, келтирилган ҳодисалар айнан бир товушни тақор ғарби орқали амалга ошмоқда. Демак, бу ўринда тақор ҳодисасининг (усулининг) аҳамияти яққол кўриниб турибди.

Н.Афокова “Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар” номли номзодлик диссертациясида поэтик матнда бадиий санъатларнинг ўрнини шоир асарлари тили мисолида кенг таҳлил

килган ва бу борада А.Орипов лингвопоэтикасини атрофлича кўрсатиб бера олган.

Ушбу муаллиф фикрича, бадиий санъатлардан ўринли, тўғри, моҳирона фойдалана олиш асар бадииятини, тилининг таъсирчан ҳамда бадиий эстетик қимматини оширади. Бу дегани бадиий санъатлар кўп учрайдиган ёки кўп қўлланган асаргина тўлаконли бадиий маҳсулот бўла олади, дегани эмас. Н.Афокова ёзади: “Аммо бадиий санъатларни кўп қўлламай ҳам мукаммал шеърлар ёзиш мумкин. Бу мулоҳаза диссертацияда шоирнинг “Номаълум одам” шеъри таҳлили асосида далилланган. Абдулла Орипов 8 бандли шеърда тўрт марта тазод (шошиб – секин, ўлим – тугилиши, голиб кимсалар – номаълум одам, тариқдай замин – буюк юрак), муболаға (тариқдай замин) ва сифатлаш (тариқдай, буюк) сингари тасвирий воситалардан фойдаланган. Кўринадики, шеърда бадиий санъатлар мўл-кўл эмас, аммо шеър ўкувчини бефарқ қолдирмайди”<sup>4</sup>. Н.Афокова шоир Абдулла Орипов шеъриятида учрайдиган бошқа бадиий санъатлар билан бир қаторда тақор санъатини ҳам таҳлил қилган ва шундай фикр билдирган: “Абдулла Орипов шеърларида банд бошида, банд охирида, ҳар бир мисралардан кейин муайян мисралар тақоррланиб келганини кузатиш мумкин”<sup>5</sup>. Н.Афокова бу тақоррларнинг шеър гоясини очищдаги аҳамиятини “Шовуллади тун бўйи шамол”, “Сен баҳорни соғинмадингму?”, “Сен қайдан биласан?” сингари шеърлари таҳлили орқали кўрсатиб берган.

Тақорий сўзлар ва бадиий тақоррларнинг баъзи кўринишлари Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари тили мисолида Зиёт Ҳамидов томонидан таҳлил қилинган.

У тадқиқотида тақоррнинг тақрир, тасдир (сада ва мураккаб тасдир), тасбиг, хожиб кўринишларини таҳлил қиласа экан, бу бадиий усулларнинг моҳияти, бадииятга хизмат қилувчи хусусиятлари, уларнинг юзага чиқиши усуллари, Навоийнинг ушбу бадиий-поэтик воситалардан моҳирона фойдаланганилиги ҳакида маълумот берган<sup>6</sup>.

А.Сабирдинов Ойбекнинг поэтик маҳоратини тадқиқ қиласа экан, шоирнинг тақор санъатидан фойдаланиш маҳоратига ҳам

<sup>1</sup> Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Т., 1997. - Б. 15-16.

<sup>2</sup> Яхшиева Г. Ўша автореферат. - Б. 16.

<sup>3</sup> Хайдаров А. Бадиий матиннинг фоностилистик воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Т., 2008. - Б. 7-8.

<sup>4</sup> Хайдаров А. Ўша автореферат. - Б. 8.

<sup>1</sup> Афокова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Т., 1997. - Б. 23.

<sup>2</sup> Афокова Н. Ўша автореферат. - Б. 12.

<sup>3</sup> Ҳамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисон ат-тайр” Алишера Навои: Автореф дисс... канд. филол наук - Т., 1982. - С 11-13

тўхталган. Унинг фикрича, “Ойбек шеърларида бандланишнинг мусиқий товланмалари аллитерацион воситалар билан мутансоб ҳолда намоён бўлади”<sup>1</sup>.

А.Сабирдинов кузатишлари асосида Ойбек шеъриятидаги кўйидаги фазилатларни қайд қиласди: “Банд тизимлари мусиқийлик, кофия, аллитерацион воситалар, турли тақорлар натижасида юзага келган ритм ва оҳанг товланмалари билан уйғунликда намоён бўлади. Шоир шеърларида алоҳида тугаллиги билан ажralиб турувчи бандланиш ва аксар холларда банднинг сўнгги мисралари фикр ва оҳанг ривожининг авж нуқтаси, шоир хулосаларининг ифодачиси сифатида юз кўрсатади. “Банд – кофия ва интонация билан бириккан (уюшган) мисраларнинг муайян тартиб асосида тақорланиши, банд йирик шеърий асар мазмунининг пешма-пеш (босқичма-босқич) изчил очила боришида восита”<sup>2</sup> бўлиб хизмат қиласди”<sup>3</sup>.

Ҳ.Ахмедов насрый шеърнинг бадиий-поэтик, лингвостилистик ва лингвопоэтик хусусиятларини ўрганаар экан, бу жанрда Шокир Сулаймон, Чўлпон, Комил Яшин, Миртемир ва бошқа ижодкорлар сочма (mansura) шеърнинг имкониятларидан моҳирона фойдаланганликларини таъкидлайди ва шоир Миртемирнинг бу борадаги маҳоратини кўйидаги таъкидлайди: “Миртемирнинг насрый шеърларида ҳам содда, самимий ва ўзбекона ифода усулини кўриш мумкин. “Пиллакаш” номли насрый шеърида шоир меҳнат бағрида етилган, гулдай очилган, ёқимтой пиллакаш қизни мадҳ этади. Ихчамгина ушбу насрый шеър (10 сатр) матни содда йиғик гаплардан тузилган. Муаллиф қаҳрамоннинг портретини чизиша уюшиқ бўлакли сифатловчи – аникловчиларни кетма-кет кўллаб, тақорор, сўроқ интонацияси орқали маънони кучайтирган: “Бўй қиз, париваш қиз, пиллакаш қиз. Ҳамиша кувноқ, ҳамиша қаҳҷаҳа... Кулгичларининг келишганичи... Қандай баҳти баланд йигитнинг кўкрагига бош кўяркану, уйининг кўрки бўларкан?!”<sup>4</sup>

С.Боймирзаева Ойбек прозасининг лингвостилистик хусусиятларини тадқиқ қиласди экан, унда синтактик тақорларнинг ўрни ва аҳамиятига тўхталади: “Синтактик тақорор фикрни қатъий, аник

баён қилиш воситаси бўлиб, Ойбек прозасида унинг анафора ва эпифора шаклларидан кенг фойдаланилган”<sup>5</sup>.

С.Боймирзаеванинг кузатишлари Ойбек прозасида синтактик тақорнинг анафора типи боғловчисиз кўшма гап ва эргашган кўшма гап қисмлари бошида, мураккаб қўшма гап қисмлари бошида ҳамда кўчирма гапли синтактик қурилмаларда келишини аниқлашга имкон берган. Аксинча, тақорнинг эпифорик шакли қайд қилинган гаплар охирида учрашини кўрсатган. Шунингдек, баъзи холларда анафора ва эпифора гап таркибида бирга келиши холлари ҳам учрайди<sup>6</sup>.

Р.Шукуров тақорнинг синтактик кўринишларини параллел синтактик бутунликлар тушунчasi остида талқин қиласди. У параллелликни – тепалик, яқинлик ва ўхшашлик деб изоҳласа, бунинг тагида синтактик бутунликларнинг тақорори кўзда тутилаётганини пайқаш мумкин. Бу унинг қўйидаги фикрларидан англашилиб турибди: “Синтактик параллелизмнинг бу икки кўриниши шаклий (структурал) параллелизм; мазмуний (семантик) параллелизм) алоҳида-алоҳида бир система (тизим)ни ташкил этади:

1) бир хил қолипдаги гап бўлаги, сўз бирикмаси, предикатив бирликлар тақорори – параллеллиги;

2) маъно, тушунча, фикр тақорори – параллеллиги”<sup>7</sup>.

Р.Шукуров синтактик бирликларни бадиий тақорор санъатининг кўриниши сифатида таҳлил этган. Буни унинг синтактик бутунликларнинг услубий хусусиятларига бағишлиланган мақолалари<sup>8</sup> ҳам тасдиқлайди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, ўзбек адиларининг асарлари тилшунослик нуқтаи назардан ўрганилган ишларнинг аксариятида тадқиқ қилинаётган шеърий ва насрый матнларда учрайдиган тақорлар, уларнинг бадиий-услубий хусусиятларига тўхталинган. Аммо ҳозирга қадар ўзбек тили стилистикаси, лингвостилистикаси ва лингвопоэтикасида бирор алоҳида олинган


<sup>1</sup> Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Самарқанд, 2004. – Б. 17.

<sup>2</sup> Боймирзаева С. Ўша автореферат. – Б. 17

<sup>3</sup> Шукуров Р. Параллел синтактик бутунликлар. Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Фарғона, 2004. – Б. 8.

<sup>4</sup> Шукуров Р. Синтактик параллелизмнинг услубий вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – 2-сон – Б. 73-75; Ўша муаллиф. Синтактик параллелизм – поэтик фигура // Фарғона ДУ Илмий ҳабарлар. – Фарғона, 2004 – 1-сон. – Б. 27-30. Ўша муаллиф: “Туркен-Кўнчарид” шеърида бадиий тақорор // Нағис гулим – шоир, ёзувчи ва олим Илмий-назарий анжуман материаллари. – Фарғона, 2003. – Б. 95-96. Ўша муаллиф. X. Олимжон асарларидаги кўлланган тақорларнинг услубий ҳуқуқларини ўзбек тили ва адаб. Илмий анжуман материаллари. – Фарғона, 2003. – Б. 190-191

17



<sup>5</sup> Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол. фанлари доктори ... дис. автореф. – Т., 2004. – Б. 21  
Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 45.

<sup>6</sup> Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол. фанлари доктори ... дис. автореф. – Т., 2004. – Б. 22  
Ахмедов Ҳ. Ўзбек адабиётида насрый шеър: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т., 1995. – Б. 16

шоир ижодида учрайдиган такрор усулининг бадиият учун хизмат қилиш хусусиятлари махсус, монографик тарзда ўрганилмаган. Холбуки, бадиий адабиёт тилида учрайдиган такрор усули ҳам умумий бадиий санъатларнинг, бадиий матннинг функционал ва характерли белгиларидан биридир. Такрорни юзага келтирувчи, у учун лисоний-моддий асос ролини ўтовчи лисоний бирликлар актуаллашган тил воситаси жумласига киради. Таникли услуб-шунос М.Йўлдошев таъкидлаганидек: “Лингвопоэтик таҳлилда бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш ҳам муҳим тамойиллардандир. Бундай воситаларнинг лингвистик ва бадиий моҳиятини очиб бериш орқали бадиий мазмуннинг шаклланиши ва ифодаланиш механизмларини аниқ тасаввур қилиш мумкин”<sup>1</sup>.

Биз ушбу тадқиқотда тилга олинган тамойилга амал қилган ҳолда такрорнинг Миртемир шеъриятининг бетакрор тароватини юзага келтиришдаги ўрнини белгилашга ҳаракат килдик.

## I БОБ

### МИРТЕМИР ШЕЪРИЯТИДА ФОНЕТИК ТАКРОРЛАР

Тил ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида доимо қисқалик ва осонликка интилади. Инсон учун қандай талаффуз қилиш түғрилигидан кўра, кўпроқ қандай талаффуз қилиш қулий ва осонлиги муҳимроқ. Тилдаги фонетик такрорлар эса ўша осонликни ва равонликни таъминлайди. Бу осонликка эришиш зўрма-зўракилик, сунъийлик ва нотабиийликдан холи бўлиши керак эканлигини инсон доимо англаб туради. Демак, бу ҳолатга ихтиёрий равишда эмас, балки беихтиёрий равишда эришилади.

Бадиий асарда ҳар бир тил бирлиги ўз ўрнида ва меъёрида кўлланади. Агар адабий асар тилида бирор товуш, сўз, сўз биримаси, гап bemaksad такрорланса, бу салбий ҳодиса ҳисобланади. Шу сабабли бадиий асарда кўлланган ҳар қандай бадиий такрор асар курилмасидан мустаҳкам жой олган бўлса, маълум бадиийликка хизмат қиласа, у бадиий тасвирий воситага айланади.

“Ўринли товуш такрори ритмни безаб, эмоционал заряд (кувват)ни оширади, ифодалиликни кучайтириб, шеърий нутқ маданиятини бир даражада юқори кўтаради, у бирон мазмунли мисрада келиб, уни ажратиб кўрсатиши ҳам лозим, аммо мазмунга нисбатан товуш такрорига зўр бериш мазмуннинг сезилтмай қолишига олиб келиши ҳам мумкин”<sup>2</sup>.

Кейинги пайтларда товушларнинг бадиий тилдаги ўзига хос вазифалари ва маъновий-услубий хусусиятларини тадқиқ қилиш фоностилистиканинг вазифаси, товушлар ифода қилувчи маъноларни<sup>3</sup> фоносемантиканинг вазифаси сифатида қаралиб, семантик юқ ташувчи товушни фоностема деб ўрганиш одат тусига кирмоқда<sup>3</sup>. Бу тушунчалар бадиий такрор усулида ҳам учраши қайд қилинган.

<sup>1</sup> Стеблев И.В. Происхождение и развитие тюркской аллитерационной системы в связи с историческим родством тюркских и монгольских языков // Советская тюркология - Москва, 1971. - № 6. - С 83

<sup>2</sup> Миртохиров М. Товушлардаги маънолар. - Т : “Ўзбекистон”, 1982 . Б 24

<sup>3</sup> Кабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари: Филол фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Т., 2008. - Б. 5-6

<sup>1</sup> Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. - Т.: “Фан”, 2008. - Б. 156

3. Кабилова фоностеманинг моҳиятини қуидагича талқин килади: “Сўзнинг фоносемантик туси унинг бутун фонетик таркиби билан белгиланади. Ушбу фонетик таркибда етакчилик қилаётган фонема ва контекстуал ҳолатини биз фоностема деб атамиз. Фоностемани бундай баҳолаш унинг тил тизимидағи мавқенин белгилашни осонлаштиради: фоностема оддий фонеманинг муайян стилистик-семантик функция бажариш учун хосланган қўришишидир”<sup>1</sup>.

Фонетик такрорлар нутқ товушларидан бирортасининг такрори ёки товушлар оҳангдошлиги асосида юзага келади. “Шеър китобхонда эстетик завқ уйғотиши учун у маъно таъсирчанлигига эга бўлиши, ижодкорнинг ички эмоциясини ифодалай олиши керак. Шеърнинг эмоционаллиги эса вазн, ритм, кофия, поэтик фигуralар, бадиий санъатлар билан бирга поэтик фонетикага ҳам боғлик бўлади”<sup>2</sup>. Шеърий асарлар ўзига хос оҳангга, жозибадорликка, экспрессив таъсир кучига эга бўлади.

Поэтик нуткнинг оҳангдорлиги ва таъсирчанлигига баъзи ҳолларда товушларни такрорий қўллаш натижасида ҳам эришилади. Чунки баъзи услубий воситалар, жумладан, такрорнинг кўпчилик шакллари бевосита нутқ товушларининг такрорланишига асосланган бўлади. “Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, алоҳида нутқ товушлари ёки фонетик усуллар ўз ҳолиҷа конкрет бир мазмунни ифодаламайди. Улар бадиий нуткнинг бошқа унсурлари (хижо, турок, руқн, туркум, мисра, байт, поэтик фигуralар...) билан бир турик, рукн, туркум, мисра, байт, поэтик фигуralар...) билан бир бутунликни ташкил этгандагина конкрет маъно касб этади, шеърга ўкувчи дикқатини тортади ва бадиий ғояга қаратади, поэтик усуллар эмоционаллик бағишлайди. Товушлар такрори, фонетик усуллар ўкувчи дикқатини тортади ва бадиий ғояга қаратади, поэтик нуткни ифодали қилади. Шу сабабли шоир шеърнинг товуш томонига алоҳида эътибор беради, шеър оҳангги тингловчида эмоционал хистайғу уйғотиши учун маҳсус фонетик усуллар қўллайди, шеърни “пардозлайди”. Демак, шеърни фонетик жиҳатдан ишлаш эҳтиёжи мавзуни жозибали ифодалаш заруратидан келиб чиқади”<sup>3</sup>.

Фонетик такрорлар ҳалқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам асосий тасвирий восита бўлиб хизмат килган. Бунга сабаб фольклор асарининг, шунингдек, умумий шеърий нуткнинг, жумладан, мумтоз шеъриятнинг оғзаки айтиш, ижрога

мўлжалланганлигидир. Мана шу хусусият поэтик фонетика бирликларининг юзага чиқишига асос бўлади. Бу ҳолат шеърий нутқда товушларнинг мазмун ва услуб талабига қўра хилма-хил шаклий, талафуз ўзгаришига учрашида намоён бўлади. Бу ўзгариш шеърий нуткнинг таъсирчанлиги, жозибаси ва лозим бўлган оҳангни таъминлайди. Натижада товушларнинг такрори бу асосда юзага келувчи фонетик ходисалар шеърий нутқ бадииятига хизмат қилади.

Айникса, ҳалқ қўшиклари, тез айтиш каби ҳалқ оғзаки ижоди жанрлари, “Айтишмачоқ” каби ўйинлар, асосан, товуш оҳангдошлиги асосида яратилган. “Тез айтиш – ҳалқ оғзаки ижоди жанри. Унда маълум товушлар (кўпинча жарангли ундошлар) қайта-қайта такрорланади”<sup>1</sup>. Тез айтишлар нутқ товушларининг уйғулигига асосланган бўлиб, бунда ўхшаш товушли сўзлар ёки сўз бирикмаларининг бир нафасда шиддат билан айтилиш жараёнида у ёки бу товуш, сўзни талафузида аниқликка эришилади. Бундай кичик ҳажмли шеърий жанр болалар учун мўлжалланган бўлиб, бунда болалар маълум товушларни тўғри талафуз этиш кўнкимасини ҳосил қилади. Ёки “Айтишмачоқ” ўйинида икки тараф маълум бир фикрни бир хил товуш билан бошланадиган сўзлар асосида давом эттириши керак. Агар улардан бири бошқа товуш билан бошланадиган сўз ишлатиб юборса, ютқазган хисобланади. “Айтишмачоқ” ўйини ҳам, асосан, болаларга мўлжалланган бўлиб, бунда болаларнинг топқирлиги, билимдонлиги, сўз шаклини мазмунга мос ҳолда қўллай олиши, товушларни оҳангдош, мазмундор ифодалай олиши каби ҳолатлар хисобга олинади. Шунингдек, мақол ва матал каби ихчам ва мазмундор ҳалқ оғзаки ижоди жанрларида ҳам фикр ифодаси учун такрорнинг аҳамияти катта. “Такрор компонентлар мақол, матал кабиларнинг содда, ихчам формада шаклланиб, тез ёдда сакланнишига ёрдам беради. Фикрни содда ифодалаш учун, сўзларни тежаб, иқтисод килиб ишлатиш учун, фикрнинг эмоционаллигини таъминлашга, воқеа-ходиса, предмет-нарсалар номини логик жиҳатдан ажратиб кўрсатишга хизмат қилади”<sup>2</sup>.

Товушлар такрори маънони кучайтириб, таъсирчанликни оширади. Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам такрорлар ўзига хос

<sup>1</sup> Адабиётшунослик терминлари лугати / Тузувчилар: Ҳ.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова – Т.: “Ўқитувчи”, 1967. – Б. 300.

<sup>2</sup> Абдураҳмонов Ҳ. Макол ва маталларда такрор компонентларининг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – З-сон – Б. 63

<sup>1</sup> Кабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т.: 2008. – Б. 12.

<sup>2</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар – Т.: ТДПУ, 2001 – Б. 114

<sup>3</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Ўша асар – Б. 114

услубий аҳамиятга эга бўлган. Алишер Навоининг “Лисон уттайр” асаридаи бадиий санъатларни тадқиқ қилган З.Ҳамидовнинг ёзишича, унда йигирма (20)дан ортиқ поэтик усувлар учрайди. З.Ҳамидов Навоий асарида учрайдиган тақорор билан боғлиқ тақрир, тасдир (садда тасдир, мураккаб тасдир), тасбиғ санъатларига тўхталган<sup>1</sup>. Мумтоз шеъриятда унли ва ундош товушлар тақорорига асосланган бадиий санъат “тазмин-и муздаваж” деб юритилган. “Тазмин-и муздаваж – андин иборат турким, байт ёки саъжда мұтабар жиҳатларин риоя қилған ҳолда иккى ёки андин ортиқ лафзни ёнма-ён ёки бир-бирига яқин килиб келтирурларким, алар тегишли ҳаракат ва ҳарфларининг эътибори била қофияда бир бўлурлар”<sup>2</sup>. Мумтоз адабиётимиз учун фонетик тақорорнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, арузда ҳижоларнинг сифати (ҳижолардаги нутқ товушларининг хушоҳанглиги, қисқа-чўзиқлиги), шеър ритми ва мусиқийлигини вужудга келтиришда мухим аҳамиятга эга. “Тақорорлар шеъриятнинг оҳангдошлиқ ва хушоҳанглик хусусиятларини кучайтириш орқали мусиқийликни максимал даражада таъминлайди. Шу билан бирга, улар фикр ва маънонинг турли кирра ва даражаларини англатади”<sup>3</sup>. Бадиий санъатлар орасида айримлари бевосита нутқ товушларининг тақоррланишига асосланади. Уларнинг бадиий нутқдаги аҳамияти, хусусан, шеърий асарларда оҳангдошлиқни оширишга хизмат қилиши нутқ товушларининг тақорори асосида юзага келади. Шеър китобхонда эстетик таъсир уйғотиши учун у маъно таъсирчанликка эга бўлиши, ижодкорнинг ички эмоциясини ифодалай олиши керак.

**Бадиий адабиётдаги хар қандай шаклий изланиш ва ўзига хосликлар, хатто у фонетик бирлинклар даражасида бўлса-да, мазмунга бўйсундирилиши, бадиий асарнинг мазмун-моҳияти ва нутқнинг ифодавийлигини оширишга хизмат қилиши керак. Шу мазмундаги нутқ товушларининг бадиий нутқда тақоррланиши ҳам соғ шаклий ходиса бўлиб, ўз ўрнида қўлланганда асарнинг бадиий мукаммаллигини оширади, нутқнинг равонлиги учун хизмат килади. Мана шундай тақорорлар сирасига аллитерация, ассонанс, геминация каби услубий воситаларни киритишмиз мумкин. Бундай услубий воситаларнинг хар бирида нутқ товушларининг из языка “Лисон ут-тайр” Алишера обиёт ва санъат”,**

ўзига хос тақорори кузатиладики, бу маълум бир услубий вазифа бажаради ва шеъриятнинг бадииятини таъминлашга қаратилган бўлади.

## 1.1. Аллитерация

Ҳар қандай бадиий асарда сўзлар мақсадли қўлланади. Уларнинг тақорор келиши маълум услубий вазифа бажаради. Акс холда улар бадиийликни пасайтиради. “Шоир ёки ёзувчи тасвирлаётган воқеа-ходисанинг назарда тутилган томонига ўқувчининг дикқатини тортиш, уни бўрттириб кўрсатиш учун ёки маълум нарсаларни санаб кўрсатиш ниятида кўпроқ шеърий асарларда, баъзан насрый асарларда ҳам айрим товуш ёки товушлар бирикмаси, сўз ёки сўзлар бирикмаси, гапларга атайлаб алоҳида ургу беради, тақорорлайди”<sup>1</sup>.

Аллитерация тақорорнинг бир кўриниши бўлиб, бадиий нутқни янада оҳангдор, жозибали баён этишга хизмат қиласи. Бу кўпинча шеърий асарларда учрайди. Ўзаро қофиядош, оҳангдош сўзлар, кўшимча ва товушлар тақорори асосида юзага келади.

“Аллитерация (лот. al – га, да; littera – ҳарф) – шеърда, жумлада, бандда ва қисман насрый асарларда ҳам бир хил ундош товушларининг тақоррланиши. Аллитерация фонетик-стилистик усул сифатида бадиий нутқнинг интонацион ифодавийлигини ва оҳангдорлигини кучайтиради”<sup>2</sup>. Адабиётшунос У.Тўйчиев шеъриятда товушнинг тақорор қўлланиши ҳақида фикр билдирап экан, шундай ёзади: “Товуш тақорори поэзиянинг, хусусан болалар адабиёти ва қўшиқ текстларининг мухим фазилатидир. У шеър мусиқийлигини кучайтиради, бироқ ритмни хосил этолмайди, аммо безайди. Агар ундош товушлар аллитерация приёмини юзага келтиrsa, унли товушлар ассонанс номли товуш тақорорини ташкил қиласи”<sup>3</sup>. Товуш тақорори шеърга оҳангдошлиқ ва силликлиқ бериши билан бирга маънога ҳам таъсир қиласи. С.Каримов бадиий тилнинг ўзига хосликларини тадқиқ қиласар экан, аллитерация, анафора, эпифора каби усувларига эътибор қилган<sup>4</sup>.

А.Хайдаров аллитерациянинг лингвопоэтик қимматини қуйидагича баҳолайди: “Шеъриятда аллитерация орқали образлилик ва

<sup>1</sup> Кўнгурор Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Т. “Фан”, 1977. – Б. 127.

<sup>2</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Т. ТДПУ, 2001. – Б. 115.

<sup>3</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т. «Фан», 1985. – Б. 205.

<sup>4</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби Филол фанлари доктори ... дисс автореф – Т., 1993. – Б. 50.

услубий аҳамиятта эга бўлган. Алишер Навоийнинг “Лисон уттайр” асаридаги бадий санъатларни тадқиқ қилган З.Ҳамидовнинг ёзишича, унда йигирма (20)дан ортиқ поэтик усуллар учрайди. З.Ҳамидов Навоий асарида учрайдиган такрор билан боғлик тақрир, тасдир (садда тасдир, мураккаб тасдир), тасбиф санъатларига тўхтаглан<sup>1</sup>. Мумтоз шеъриятда унли ва ундош товушлар тақрорига асосланган бадий санъат “тазмин-и муздаваж” деб юритилган. “Тазмин-и муздаваж – андин иборат турким, байт ёки саъжда мұтабар жиҳатларин риоя қылған ҳолда икки ёки андин ортиқ лафзни ёнма-ён ёки бир-бирига яқин қилиб келтирурларким, алар тегишли ҳаракат ва ҳарфларининг зътибори била қофияда бир бўлурлар”<sup>2</sup>. Мумтоз адабиётимиз учун фонетик тақрорнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, арузда ҳижоларнинг сифати (ҳижолардаги нутқ товушларининг хушоҳанглиги, қисқа-чўзиқлиги), шеър ритми ва мусиқийлигини вужудга келтиришда муҳим аҳамиятта эга. “Тақрорлар шеъриятнинг оҳангдошлиқ ва хушоҳанглик хусусиятларини кучайтириш орқали мусиқийликни максимал даражада таъминлади. Шу билан бирга, улар фикр ва маънонинг турли қирра ва даражаларини англатади”<sup>3</sup>. Бадий санъатлар орасида айримлари бевосита нутқ товушларининг тақрорланишига асосланади. Уларнинг бадий нутқдаги аҳамияти, хусусан, шеърий асарларда оҳангдошлиқни оширишга хизмат қилиши нутқ товушларининг тақорори асосида юзага келади. Шеър китобхонда эстетик таъсир уйғотиши учун у маъно таъсиранликка эга бўлиши, ижодкорнинг ички эмоциясини ифодалай олиши керак.

Бадий адабиётдаги ҳар қандай шаклий изланиш ва ўзига хосликлар, ҳатто у фонетик бирликлар даражасида бўлса-да, мазмунга бўйсундирилиши, бадий асарнинг мазмун-моҳияти ва нутқнинг ифодавийлигини оширишга хизмат қилиши керак. Шу соғ шаклий ҳодиса бўлиб, ўз ўрнида кўлланганда асарнинг бадий қилади. Мана шундай тақрорлар сирасига аллитерация, ассонанс, геминация каби услубий воситаларни киритишими兹 мумкин. Бундай услубий воситаларнинг ҳар бирида нутқ товушларининг

<sup>1</sup> Ҳамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисон ат-тайр” Алишера Навои: Автограф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – Б. 11-12.

<sup>2</sup> Ҳусайний Атоулоҳ. Бадийиу-с-санъий / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – Б. 104.

<sup>3</sup> Адабиёт назарияси. Адабий асар. Биринчи жилд. – Т.: “Фан”, 1978. – Б. 386.

ўзига хос тақорори кузатилади, бу маълум бир услубий вазифа бажаради ва шеъриятнинг бадииятини таъминлашга қаратилган бўлади.

## 1.1. Аллитерация

Ҳар қандай бадий асарда сўзлар мақсадли кўлланади. Уларнинг тақрор келиши маълум услубий вазифа бажаради. Акс ҳолда улар бадиийликни пасайтиради. “Шоир ёки ёзувчи тасвирлаётган воқеа-ходисанинг назарда тутилган томонига ўкувчининг диққатини тортиш, уни бўрттириб кўрсатиш учун ёки маълум нарсаларни санаб кўрсатиш ниятида кўпроқ шеърий асарларда, баъзан насрый асарларда ҳам айрим товуш ёки товушлар бирикмаси, сўз ёки сўзлар бирикмаси, гапларга атайлаб алоҳида ургу беради, тақрорлайди”<sup>1</sup>.

Аллитерация тақрорнинг бир кўриниши бўлиб, бадий нуткни янада оҳангдор, жозибали баён этишга хизмат қилади. Бу кўпинча шеърий асарларда учрайди. Ўзаро қофиядош, оҳангдош сўзлар, кўшимча ва товушлар тақорори асосида юзага келади.

“Аллитерация (лот. al – га, да; littera – ҳарф) – шеърда, жумлада, бандда ва қисман насрый асарларда ҳам бир ундош товушларнинг тақрорланиши. Аллитерация фонетик-стилистик усул сифатида бадий нуткнинг интонацион ифодавийлигини ва оҳангдорлигини кучайтиради”<sup>2</sup>. Адабиётшунос У.Тўйчиев шеъриятда товушнинг тақрор кўлланиси ҳакида фикр билдира экан, шундай ёзади: “Товуш тақорори поэзиянинг, хусусан болалар адабиёти ва қўшиқ текстларининг муҳим фазилатидир. У шеър мусиқийлигини кучайтиради, бироқ ритмни ҳосил этолмайди, аммо безайди. Агар ундош товушлар аллитерация приёмини юзага келтирса, унли товушлар ассонанс номли товуш тақорорини ташкил қилади”<sup>3</sup>. Товуш тақорори шеърга оҳангдошлиқ ва силликлик бериши билан бирга маънога ҳам таъсир қилади. С.Каримов бадий тилнинг ўзига хосликларини тадқиқ қиласа экан, аллитерация, анафора, эпифора, эпистрофа каби усулларига зътибор қилган<sup>4</sup>.

А.Хайдаров аллитерациянинг лингвопоэтик қимматини қуидагича баҳолайди: “Шеъриятда аллитерация орқали образлилик ва

<sup>1</sup> Кўнгурев Р. Ўзбек тилининг тасвирли воситалари. – Т.: “Фан”, 1977. – Б. 127.

<sup>2</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. – Т.: ТДПУ, 2001. – Б. 115.

<sup>3</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: «Фан», 1985. – Б. 205.

<sup>4</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фаннлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 1993. – Б. 50.

таъсирчанлык бўрттирилади, услугий равонлик, сўзларнинг оҳангдорлиги вужудга келтирилади. Аллитерация қатор бошидаги учрашига кўра горизонтал ёки вертикал йўналишда бўлиши мумкин<sup>1</sup>. М.Юлдашев аллитерация ҳақидаги мулоҳазаларини баён қилас экан: “...бадиий тафаккур ифодаси, бу ифоданинг таъсир кувватини кучайтиришда ундошлар асосида юзага келадиган аллитерациянинг фавқулодда ўрни жуда қадим замонлардаёқ англаб етилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим”<sup>2</sup>, – дейди. Ж.Лапасов аллитерациянинг қоғиядош сўзлар такорри асосида, кўшимчаларнинг айнан такрорланиши натижасида, мисралардаги сўзларда маълум бир товуш билан бошланувчи такор, сўзлардаги маълум товушларнинг такрорланиши асосида вужудга келишини кўрсатиб ўтган<sup>3</sup>.

Миртемир шеъриятида аллитерация турли шаклда келиб, турлича услугий вазифа бажарган ва бадиийликни таъминлаган.

- Шеърнинг бирор мисрасидаги сўзларда маълум бир товуш такорри юзага келади:

*Сокину савлатли, соябон сада,  
Сира ёндошомлай гармсел зада;  
Чоллар ўтирибди қуриб чордана,  
Давраси арзиди десак шоҳона<sup>4</sup>.*

Шоирнинг “Чоллар” шеъридан олинган ушбу бандда дастлабки мисрадаги барча сўзлар с товуши билан бошланган. Бунда с ундош товуши билан ёнма-ён келган *а* ва *о* унли товушлари такорри ҳам юзага келган. Шеърда фонетик такорлар – аллитерация ва ассонанс аралаш ҳолда такор қўлланган бўлиб, улар *со-са-со-са* шаклда қайтарилган.

Шеърдаги асосий гоя дунёнинг кўрки – инсонни тасвирилаш ва чоллар портретини яратишdir. Шеърнинг ушбу бандида юзага келган ҳолат кейинги бандда бошқа оҳангдош унли ва ундош товушлар орқали образли киёфа акс этган:

*Яктаклари оппоқ, соқоллар оппоқ,  
Бошларда чуст дўппи, кўзлари чақноқ*

<sup>1</sup> Хайдаров А. Бадиий тасвириларинги фонстилистик воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.

<sup>2</sup> Юлдашев М. Бадиий матнининг лингвопоэтик тадқики: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б. 29-30.

<sup>3</sup> Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – Б. 50-51.

<sup>4</sup> Миртемир. Асарлар: 4 жилди. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – 2-жилд. – Б. 79. Кейинги шеъри парчалар шу нашрдан олинди. Қавс ичидаги асарнинг жилди ва сакифасини кўрсатиш билан чекланнибди. (А.Ш.)

Чаккаларда ёнаррайхон ё лола.

Чайир қўлларида гардун тиёла. (II. 79)

Бандда *п*, *ч*, *қ* ундошларининг такорри ва оҳангдошлиги кузатилиди. Шеърда шоир чоллар тасвири воситасида дунёнинг кўрки инсон эканлигини ёритиб берган. Бу ҳолат шеър охирида берилган *Ҳа, дунёнинг кўрки инсон-да, инсон!* мисрасида яққол намоён бўлган.

Шунга ўхшаш такорорни шоирнинг “Яшил япроқлар” шеърида ҳам учратамиз:

*Салқин, силлиқ, сўлим баҳор эртаси...*

*Уфқ бўйлаб ёнар шафақ байроқлар.*

*Ёшариб товланар барра япроқлар –*

*Кўшиқдай таралур қушлар нағмаси.* (I. 143)

Шеърнинг ушбу дастлабки банди биринчи мисрасида с ундош товуш такорри ва унлилар оҳангдошлиги юзага келган. Бу такорлар бевосита китобхон дикқатини ўзига жалб этади. Маълум бир ҳолатни юзага келтиради. Бу баҳорнинг сўлим кунларидан бири – табиатнинг гўзал тасвири. Бу тасвири кейинги мисраларда ривожлантирилган. Кейинги бандда ҳам ушбу с товуши билан боғлиқ такор ҳосил қилинганки, бу тасвирга ишорадек намоён бўлади:

*Далада, сахрода, сои сиртларида*

*Күёш кокиллари ётур паришион.*

*Пойёнсиз экинзор беради нишон*

*Узоқ уфқларда, кўк четларида.* (I. 143)

Кўриниб турибдики, эрта баҳордаги яшил япроқларнинг образли ҳолати куёш кокилларига қиёс қилинган. Банддаги такор товушлар образли ифоданинг ўрнига нисбатан дикқатни тортади. Мисолдаги такор билан боғлиқ сўзларнинг барчаси ўрин тушунчаси номи, аммо бу сўзларнинг учтаси с товуши билан бошланган. Бу ҳол ҳар учала сўз талафузи бошланишида маълум уйғунликни юзага келтирган.

Шоирнинг “Ёз ёмгири” шеърида ҳам табиат тасвири оҳангдош товушлар воситасида образли ифодаланган. Ушбу шеърда “Яшил япроқлар” шеърига ҳамоҳанг ҳолат юзага келган. “Яшил япроқлар” шеъри Салқин, силлиқ, сўлим баҳор эртаси... тасвири билан бошланган бўлса, “Ёз ёмгири ёғади сим-сим... мисраси билан бошланган. Ҳар иккала шеърда бир-бирига яқин бўлган икки хил тасвири юзага келган. Бу товушлар такорри

воситасида янада таъсирчан ифодаланган. Зоро, адиб "Ёз ёмғири" шеърида бу тасвирга яна қайтади:

Сим-сим ёмғир, сирли соз мисол  
Пичирлайди она табиат.  
Сахилиги ортгандай қат-қат,  
Гүё дейди: ол, ол, олиб қол!..

(П. 86)

Банднинг дастлабки мисрасида *с* ундош товуш такори натижасида оҳангдошлиқ юзага келган. Бу эса *с* товуши билан ёнма-ён келган унлилар оҳангдошлигини ҳам ҳосил қилган. Яъни *си-си-си-со-со* шаклида.

Шеърда *с* ундоши такори билан бирга *и* ва *о* унлиларининг қайтарилиши ҳамда сўз такори юзага келган. Бундай такорлар шеърда ёғишига хос нозик хусусиятни (сим-сим) ўринли, сирли созга ўхшатиб бўрттириб тасвирлаган. Банд охиридаги *ол, ол, олиб қол* шаклидаги такорор эса банддаги биринчи мисранинг тасдигидек намоён бўлган. Шу шаклдаги *с* товуши билан боғлиқ тақорларни шоирнинг "Үғил", "Вабо", "Тўқсон икки", "Саҳарларда", "Саломнома" шеърларида ҳам учратамиз. Шунингдек, ундошлар тақорининг бу шакли *к, к, ч, ж* товушлари орқали ҳам ҳосил қилинган:

Чайирсан, чечансан, чучуксан сўзсиз,  
Эртакдай эзгусан, булоқ янглиз пок.  
Кўз ололмас ҳатто илгаса кўэсиз,  
Холбуки, мунгулусан. Гамдан кўксинг чок. (П. 294)

Адибнинг ушбу "Тошибу" шеърида *Тошибу* тимсолида ўзбек аёлининг қиёфаси ёритилган. Унинг сабр-бардоши, меҳнатсеварлиги кўрсатиб берилган. Шеърнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, *Тошибу* – бу ўзбек аёли. Унинг иродаси, сабр-бардоши тошдан ҳам каттиқ. Юқоридаги шеърнинг дастлабки бандида тақорлари таъсирчанликни оширувчи восита бўлиб хизмат қилган. Бунда *ч* товуши тақорлари унинг ўзига хос хусусиятларини бўрттириб, китобхон дикқатини шу сўзлар маъносига жалб этади. Бу товуш тақорига ҳамоҳанг унлилар тақори ҳам юзага келган. Яъни *ча-че-ча-чу-чу* шаклида.

Ўзбек аёли – *Тошибунинг* образли ҳолати тақорор, ташбих (*Эртакдай эзгусан, булоқ янглиз пок*), муболага (*Кўз ололмас ҳатто илгаса кўэсиз*) каби услубий воситаларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида намоён бўлган.

Шунга ўхшаш тақорни Ҳамид Олимжон шеъриятида ҳам учратамиз:

Шарофат шафтоли шохидан  
Сузилиб, мевалар узарди.  
"Ичкари" титтароди оҳидан,  
Кўлларин ҳар томон чўзарди<sup>1</sup>.

Ҳамид Олимжоннинг ушбу "Шарофат" шеърининг биринчи мисрасида *и* товуши тақори натижасида ҳосил қилинган оҳангдошлиқ, аввало, китобхон дикқатини шу мисрага жалб қиласи, шунингдек, асосий ғоя *Шарофат ва шафтоли сўзларининг шеър давомидаги тақорор қўлланиши асосида намоён бўлиб боради*.

2. Шеърнинг маълум бир бандида бирор товушнинг тўлиқ оҳангдошлиги кузатилади. Бунда Миртемир шеъриятида, асосан, *ж, с, ш, к, қ* товушлари тақорор қўлланади. "Сени, болалигим", "Боқиши", "Салқин сахар, дарё бўйи...", "Кўл ёқалаб", "Қалдирғоч", "Чакмоқ", "Кулгичи" шеърларида шундай тақорлар мавжуд:

Сулувлигинг сеҳрдан соз,  
Сеҳрдан соз, сен сарвиноз,  
Юз эсласам, барибир оз,  
Мехру вафо эсингдами? (П. 120)

Халқ оҳангидаги ёзилган ушбу "Салқин сахар, дарё бўйи..." шеърида товушлар тақорори оҳангдаги мусикийликни, ифодавий соддаликни таъминлаган. Шоир маъшуқанинг гўзал қиёфасини чизар экан, биргина байтнинг ўзида унинг сиймосини *сулув, сеҳр, соз, сарвиноз* каби сифатловчилар воситасида образли ифодалаган. Бу сўзлар кейинги байтдаги *мехру вафо* сўзлари билан мантиқан боғланган. Банднинг барча мисраларида *с* ундоши ва унли товушлар оҳангдошлиги мавжуд. Бу оҳангдошликтининг мисраларда қуйидагича намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин:

1-мисра.	Су-се-со
2-мисра.	Се-со-се-са
3-мисра.	Эс-са
4-мисра.	Эс

Кўриниб турибдики, битта бандда *с* товуши ўн маротаба қўлланган ва ҳар бир мисрада оҳангнинг таъсирчанлиги, маънонинг кучайиб, бўртиб бориши намоён бўлган.

<sup>1</sup> Ҳамид Олимжон. Мукаммал асрлар тўплами: 10 жилли. – Т.: "Фан", 1979. – 1-жилд. – Б. 38. Кейинги шеърий парчалар шу нашрдан олинид. (А.Ш.)

Шунингдек, шоирнинг “Кўл ёқалаб” шеърида ч, с, иш, р товушлари билан боғлиқ такрорлар мавжуд:

Фақат чигирткалар чирилашимас,  
Ёки сур сиртлонлар ирилашимас,  
Ёки қузгуларнинг пирислашимас,  
Илон, калтакесаск зирилашимас,  
Гала-гала келур сайроқ қушлар ҳам,  
Қувлашур, ўйнашур, сайрашур чаҳ-чаҳ,  
Ҳали инграгуси шўх, шодон қаҳ-қаҳ,  
Бўрон ҳам одамга бўлгуси қарам. (II. 239)

Шунга ўхашаш такрор “Сени, болалигим...” шеърида ҳам мавжуд. Бу шеърда иш товушининг такрорини кузатамиз:

Ўша уялардан айтишар қўшиқ  
Ҳа демай чиройли палапонлари.  
Учишар, қўнишар, ўйнашар шўх-шўх  
Она қалдиргачнинг болажонлари. (I. 173)

Ушбу икки шеърда иш товуши такрори билан боғлиқ бир хил шаклдаги такрорлар мавжуд бўлса-да, улар икки хил услубий вазифа бажарган. “Кўл ёқалаб” шеърида товуш такрорлари маълум бир ҳолатни ифодалашга хизмат қилган бўлса, “Сени, болалигим...” шеърида ёшлиқ, болаликни кўмсаш билан боғлиқ хотираларни ёдга туширишга қаратилган.

Миртемир шеърларида к товушининг такрори ҳам ўзига хос маъно ва услубий вазифага эга:

Кўзи сурмаликкина,  
Кўкси бурмаликкина.  
Кулгичи бор – кулгичи,  
Ёқа тугмаликкина.  
Кулгичи, оҳ кулгичи,  
Нозик адo нечоглик. (II. 160)

Ушбу шеърда к товуши ва қўшимча (-кина, -гичи)лар билан боғлиқ такрорлар юзага келган. Шеърда лирик қаҳрамон қиёфаси-кўз, кўздаги сурма, нозик адo маълум семалари билан кулгич лек-ликини, мусикийликни таъминлаш билан бирга мисраларни оҳанг жиҳатдан ўзаро боғлашга хизмат қилган.

3. Шеърда оҳангдош сўзлар ёнма-ён кўлланиши натижасида ҳам товуш такрорлари юзага келган. Бунда шоир чарчоқ ва чанқоқ,

сув ва сулув, чанқоқ ва чатноқ, қардошлик ва қондошлик каби оҳангдош сўзлардан фойдаланган. Бу эса тазмин-и муздаваражсанъатини ҳам юзага келтирган.

Бу санъатда икки ёки ундан ортиқ оҳангдош сўзлар ёнма-ён келтирилади. Натижада товушлар оҳангдошлиги юзага келиб, талаффуз, алоқадорлик кучайтирилади, мусикий яқинлик ва бир текислик юзага келади.

“Бу санъат шеър мисраларида унли ёки ундош товушларни ёнма-ён ёки ўзаро яқин тарзда келтириш билан байт талаффузини кучайтириш, мусикийликни оширишни назарда тутади”<sup>1</sup>. Куйидаги бандда оҳангдош сўзларнинг ёнма-ён кўлланиши улар таркибидаги иш товушининг такрорига асос бўлган:

Етилган жувон каби  
Хансирар бўла тупроқ.  
Чанқоқ ва чатноқ лаби:  
Сув! – дейди, – сув бер кўпроқ! (II. 87)

Шоир сувга чанқоқ пахтазорни тасвирлар экан, бунда бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланган. Ўхшатиш (Етилган жувон каби), жонлантириш (Хансирар бўла тупроқ, Сув! – дейди, – сув бер кўпроқ!), сифатлаш (chanқoқ ва чатноқ лаби), тазмини муздавараж (chanқoқ ва чатноқ), аллитерация (chanқoқ ва чатноқ сўзларидаги ч, и, к товушлари) санъатларининг шеърда ўйғун ҳолда ифодаланиши шеърдаги бадийлик ва образли ҳолатни кучайтирган. Ҳар бир санъат ўзига хос услубий вазифа бажарган. Санъатлар ўйғунлигига поэтик тасвир мукаммаллик касб этган.

Адебнинг “Шодиёна” шеърида ҳам оҳангдош сўзларнинг ёнма-ён кўлланиши натижасида юзага келган товуш такрорлари мавжуд:

Чарчоқ, чанқоқ, барибир,  
Кувноқ кўкрак керасан,  
Азмкорсан, шаштингдан  
Адир қолмас, чўл қолмас. (II. 178)

Ушбу бандда теримчи дехқоннинг ҳоргин ва ташна ҳолати оҳангдош сўзлар воситасида ифодаланиб, маъно кучайтиришга хизмат қилган.

Шоирнинг бу каби такрорларида оҳангдош сўзларнинг ёнма-ён келиши шу сўзлар ифодалаётган тушунчаларга ургу беришга хизмат қилган. Чанқоқ ва чатноқ, чарчоқ ва чанқоқ оҳангдош

<sup>1</sup> Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1998. – Б. 102.

сўзлар ўртасидаги мантиқий алоқа беихтиёр ўкувчининг дикқатини тортади, бир-бирини тўлдиради ва мазмунни чукурлаштиради. Чанқоқ ва чатноқ сўзлари яна банддаги тупроқ ва кўпроқ сўзлари билан ҳам оҳангдошлиқ касб этган ва сўзлардаги фонетик такрорлар бутун банд давомида ифодавийликни таъминлаган. Чарчоқ ва чанқоқ сўзлари эса банддаги қувноқ сўзи билан худди шундай муносабатда. Ўзига хослиги шундаки, қувноқ сўзи билан чарчоқ ва чанқоқ сўзлари ўртасида маълум маънода зидланиш бор ва шу зидланиш меҳнат машакқати ва унинг оқибатида юзага келувчи роҳатни таъкидлашга хизмат қилган.

4. Шеърдаги маълум бир банд мисралари бир хил товуш билан бошланади. Бундай такрор “Обой-бобой”, “Вабо”, “Қарқаралик” каби шеърларида кўлланган. Жумладан, “Вабо” шеърида бу куйидагича акс этган:

*Сокит, сўлим кеча... Мен соқчи эдим,  
Соялардай йироқ қоровулхона.  
Сокит, сўлим кеча, тўрт томоним жисим...  
Сақлар эдим элни мардана.*

(I. 251)

“Вабо” шеъридан олинган ушбу бандда мисралар с товуши билан бошланниб, товушлар оҳангдошлигини юзага келтирган. Бу оҳангдошлиқ мисралар таркибидағи с товуши мавжуд сўзларнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал жойлашишида юз берган.

Зеро, “Вертикал аллитерация, асосан, шеърий матнга хос бўлиб, мисралар бошидаги сўзларда, яъни мисралараро, горизонтал аллитерация эса мисра ёки жумла ичидаги бўлиши мумкин”<sup>1</sup>.

Шеър уруш йилларида ёзилган. У Ватан ҳимояси учун жанг килаётган аскар тилидан баён қилиниб, бунда жангчининг Ватан ҳимояси йўлидаги жонбозликлари оҳангдош такрор товушлар воситасида янада таъсирли ифодаланган. “Вабо” – немис фашистларининг босқини. Ёв босқини туфайли элнинг осойишталиги бузилган. Шундай “вабо” ёғилган бир даврда шоир ҳалққа руҳий мадад берган. Қаламини куролга айлантириб, ўкувчи тасаввурида уруш ва унинг оқибатларини янада жонлироқ ифодалаш учун шоир ҳаётни осойишта манзарада тасвирлайди. Банддаги товуш такрорлари ҳам ўша сокинлик, осойишталиқ, тинчликни таъкидлагандек тасаввур уйғотади. Келтирилган бандда факат товуш такрори мавжуд бўлмай, балки сўз ва бирималар (*сокит, сўлим кеча*) ҳам

такрор келиб, бундай такрорлар шеърнинг турли қисмларида турлича ҳосил қилинган. Бу жангчининг турли психологик ҳолатини намоён қиласи. Куйидаги бандда бу анафора такрори шаклида юзага келган:

*Ором олсин улуг шаҳарлар,  
Ором олсин инсон, жонивор.  
Ором олсин кекса падарлар,  
Роҳат уйқу олсин севган ёр...* (I. 251)

Шеърда товуш, сўз ва сўз биримаси такрорлари осойишталикни таъкидлашга хизмат қилган бўлса, осойишталикнинг таъкидланиши эса урушга – нотинч ҳаётта қарши нафратни кучайтиришга хизмат қилган. Ёвга қарши нафрат эса жангчиларни руҳан ғалабага тайёрлаган. Ҳақиқатдан ҳам, душман босқинига қарши отланган жангчининг ғалабага ишончи муқаррардек тасвирланган. Зеро, шоир, ҳатто жониворларнинг ҳам тинчлиги бузилмасин, деб хитоб қилган, худди алладек куйланувчи кўшикларини ҳалққа инъом этган:

*Севгилим сочини силаган еллар,  
Салқин қанотингда етургил салом.* (I. 252)

Ушбу бандда унли ва ундош товушлар билан боғлиқ такрор ҳосил қилинганки, бу Чўлпоннинг *Сочилган сочингдек сочила сиринг* мисраси билан бошланувчи шеърини эслатади. Аммо Миртемир мисраларида с товуши такрори билан боғлиқ ўзига хослик кузатилади.

5. Шеърнинг маълум бир банд мисралари ёки бирор мисранинг сўзлари бир хил товуш билан тугайди. Бу баъзан мисра ичидаги оҳангдошлиқ билан уйғунлашиб кетади. Шоир “Элу юрт мақтоби” шеърида *и* товуши такрори билан боғлиқ куйидаги содда, аммо таъсирчан мазмунли мисраларни яратган:

*Саратоним, совурим, чиллам,  
Боғу рогим, тутзорим, пиллам.  
Кўргошиним, таги мўл тиллам  
Итагимсан, қоракўлимсан.* (III. 16-17)

Шеърдаги такрор товушлар оҳангдошлиги шеърнинг умумий мазмунига мос ҳолда шаклланган. Шоир юртнинг сифати ва хусусиятларига, бойлигига ўкувчининг дикқатини тортиш, уларни санаб ўтиш ва ургу бериш мақсадида товуш такрорларига мурожаат қилган. Шеърда юртимиз бойликлари бирма-бир тилга олинган. Лирик қаҳрамон улар билан фахрланади. Бу фахрланиш ҳисси

<sup>1</sup> Юлдашев М. Бадий матнининг лингвопоэтик тадқики: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б. 30.

бандлардаги тақрор бирликлар, жумладан, тақрор товушлар воситасида образли, бадиий тасвирланган. Айниқса, юқорида келтирилған банддаги *м* товуши билан боғлиқ тақрорлар шеърга үзгача оханғ инъом эттан. Келтирилған бандлардаги *м* товуши тақрори күйидеги шаклда юзага келган:

- 1-мисра: *м-м-м*
- 2-мисра: *м-м-м*
- 3-мисра: *м-м-м*
- 4-мисра: *м-м*

Бандда 11 ўринда *м* товуши құлланған бўлса-да, қандайдир зўрма-зўракилик ёки сохталиқ ва сийқаликни сезмаймиз. Шеърда юрт, мамлакат мадҳи ифодаланган. Инсоннинг борлиғи ҳам, бойлиги ҳам, бутун бору йўғи юрт, она-Ватан эканлиги поэтик тасвирларда ифодаланган. Бунда тақрор товуш маънони кучайтириб, таъсирчанликни оширган.

Мисраларда тақрорланган *м* товуши ўзи келган сўзлар охирини ёпган, фикрнинг қатъийлигини хulosалагандек туюлади. Бунинг устига *м* товушининг I шахс эгалик кўшимчаси таркибида мавжудлиги шоирнинг она юртга чинакам меҳрини, бу меҳрнинг қайта-қайта тақрорланиши шоирнинг садоқати, иккорини таъкидлашга хизмат қилган.

Шунга ўхшаш тақрорни Ҳамид Олимжон шеърларида ҳам учратамиз. Шоирнинг “Бахтлар водийси” шеърида *б* товуши билан боғлиқ тақрор күйидагича юзага келган:

*Юваб, тараб, севаб, ўтиб, қучиб, опичлаб,  
Эй баҳтларни балогатга етказган она!  
Ёзилиб, етилиб, тўлиб ётадир –  
Ёппасига янги кунга эришган Қуба!* (Ҳ.Олимжон. I. 155)

Градация шаклида ёзилган ушбу мисраларда (биринчи, иккинчи ва учинчи мисрада) *б* товуши тақрори мавжуд. Шоир наздида баҳтлар водийси деб тасвирланган Фарғона водийси табиати шеърда ўз ифодасини толган. Шеърдаги градацияни ҳосил қилган ҳар бир сўзниң маъноси кучайиб борган. Аслида градациянинг ўзи – маъно кучайишига асосланган восита. Зинапоядорлик ҳар бир керакли фикр ё тушунчани таъкидлаш учун хизмат қиласи. Берилган банддаги градация ҳосил қилувчи ҳар бир сўз охираша тақрорланган товуш маънони янада кучайтириб, сўзлардаги маъно уйғулигини юзага келтирган.

Юқорида келтирилған бандларни ўзаро қиёсласак, Миртемирнинг “Элу юрт мақтови” шеъридан келтирилған банднинг барча қисмларида бир хилда *м* товуши тақрори мавжуд бўлиб, бу бандда тўлиқ охангдошликтини ҳосил қилған бўлса, Ҳ.Олимжон шеърида бир мисрада товуш тақрори таъсирчанликни ошиrsa, иккинчи мисрада оханғ пасаяди, учинчи мисрада яна охангдошликтини қўтирилиб, тўртингчи мисрада пасайиш кузатилади.

6. Миртемир шеъриятида товуш тақрорининг яна бир кўрининши борки, бу бошқа шоирлар ижодида кам учрайди. Бунда банд мисраларининг ҳар бирида алоҳида товуш охангдошлиги, яъни тақрори ҳосил қилинган:

*Шотириб-шотириб Шодмонжонга суз,  
Ўтириб-ўтириб Ўрмонжонга суз.*

*Қарама ҳеч кимнинг қоши-қовогига,  
Санамай саккиз де, ўйламай тўққиз.* (II. 321)

“Бахшиёна тўртликлар” туркумiga кирувчи ушбу “Кунинг келипти-да...” тўртлигига товуш охангдошлиги күйидеги шаклда юзага келган:

- 1-мисра: *и-и-и*
- 2-мисра: *ў-ў-ў*
- 3-мисра: *қ-қ-қ*
- 4-мисра: *с-с-з-з*

Миртемир шеъриятида, жумладан, тўртликларида фольклор тилига хос хусусиятнинг таъсири сезиларли равишда кузатилади. Шоир “Кунинг келипти-да...” тўртлигига ҳалқ донолигининг ифодаси бўлған мақол ва иборалардан унумли фойдаланган. Бунда шоир ахлоқий меъёрларга таянган ҳолда фалсафий хulosалар чиқарган. Санамай саккиз дегувчи, ўз даври келиб бирор билан хисоблашмай қолган кишиларни аччиқ киноя остига олган. Шеърдаги товушлар тақрори, биринчидан, ҳалқона охангни юзага келтирган бўлса, иккинчидан, шеър мусиқийлигини таъминлаб, таъсирчанликни оширган. Шунингдек, ҳар бир мисрада алоҳида бир тушунчага ургу берилган, ҳар бир мисрада алоҳида бир фикр, ғоя илгари сурилган.

Умуман олганда, Миртемир ўз шеъриятида аллитерациядан унумли фойдаланиб, турли шакларни юзага келтирган ва уларнинг ҳар бирига услубий вазифа юклай олган. Шоир шеърларида, асосан, *с, қ, м, иш, к, ч, ж, б, з, з* каби ундош товушлар тақрор кўлланиб, ўзига хос услубий вазифа бажариб келган. Айниқса, *с* ва *қ*

ундошлари тақорлари кўплаб учрайди. С товуши билан боғлиқ тақорларда севги, сўлим, соч, сунбул, сокин, сабо, салқин, сен, силаган, сулув, саҳар каби сўзлардан фойдаланган бўлса, қ товуши билан боғлиқ тақорларда, асосан, турли шакллардаги от ва феъл сўз туркумларидағи сўзларни кўллаган.

## 1.2. Геминация

*Геминация* – поэтик нутқда кенг қўлланадиган фонетик усуллардан бири бўлиб, кўш ундошлиқ деб ҳам юритилади. Кўш ундошлиқ икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши ҳисобланади<sup>1</sup>. Ушбу ҳодиса манбаларда “кўш ундошлиқ”<sup>2</sup>, “геминация”<sup>3</sup>, “ундошларни қаватлаш”<sup>4</sup>, “кўшоқланиш” ёки “иккиланган ундош”<sup>5</sup> каби турли номлар билан юритилган. Бунда шеърдаги мисралардан бирида маълум бир товуш атайн ортиқча қўлланади. Яъни нутқимизда сўздаги ундош товушни иккилантириш – геминация ҳодисаси ҳам бадий тасвирий восита ҳисобланаб, бадий асарда мақсадли кўлланади. Ундош товушнинг бундай иккилантирилиши қаватланиш деб ҳам юритилиб, у сўз маъносини кучайтиришга, нуткнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласди.

Ҳ.Неъматов ўзбек тилининг тарихий фонетикасига оид асарида кўшоқланишнинг фақат икки унли орасидаги якка ундошда содир бўла олиши билан фонетик ўзгаришларга ўхшашини, бу усул, асосан, икки унли орасида келган *к*, *қ*, *т*, *л* товушларининг кўшалоқ қўлланиши натижасида содир бўлишини, шунингдек, қадимда 2, 7, 8, 9, 30, 50саноқ сонларини номлашда ҳам содир бўлганлигини, чунки тарихда бу сонларни бир ундош билан ҳам, иккиланган ундош билан ҳам талафуз этиш мумкин бўлганлигини таъкидлайди<sup>6</sup>.

Ҳар қандай икки унли ўртасидаги кўш ундош геминацияни вужудга келтирмайди. Чунки тилимиздаги баъзи сўзларда ундошларнинг кўшалоқ қўлланиши меъёрий ҳолат бўлиб, бирор кўшимча маъно оттёнкасига эга бўлмайди. М.Йўлдошев ундошларнинг қаватланиши ҳақида фикр билдириб, шундай ёзади: “Ундош-

ларнинг қаватланиши алоҳида услубий воситадир. Дуч келган товушни қаватлаб кўллаб бўлмаганидек, сўзда турли сабаблар билан ёнма-ён келган барча ундошлар ҳам лингвопоэтик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлавермайди”<sup>7</sup>.

Ундош товушни иккилантириш усули Миртемирнинг “Гўдаклигим”, “Асо” шеърларида кўлланган:

*Гўдаклигим тутди бугун  
Коратогнинг этагида,  
Ҳаққим бор-да тупроғида,  
Булогида, чечагида:  
Ҳаққим қолмиши қаймозида,  
Қовунида, гўжасида,  
Ҳаққим қолмиши эртак мисол  
Битта пари чеҳрасида.*

(“Гўдаклигим”. II. 105)

Ёки:

*Негаки мен ҳамиша  
Халқимга ишонгандим.  
Халқимга ва инсоний  
Ҳаққимга ишонгандим.*

(“Асо”. II. 349)

Ушбу шеърларнинг ҳар иккаласида ҳақ сўзи охирида келган қ товушнинг қаватланиши мавжуд. Ўзаро қиёслаб кўрадиган бўлсак, бу шеърларнинг ҳар иккаласида ҳам ҳақ сўзига -им биринчи шахс эгалик кўшимчасини кўшиш натижасида ҳақим сўзи ўрнига ҳаққим сўзи кўлланган. Бунда қ товушнинг мақсадли кўлланганини ва шеър мазмунига қандайдир қатъийлик, ўзига ишонч хиссини кириптганини кўрамиз. Ҳаққим сўзи иккала шеърда икки хил услубий вазифа бажарган. “Гўдаклигим” шеърида бу сўз инсон ёшлиги ўтган жой, ёшлик хотиралари киши учун ажралмас бир бутунлик эканлигини таъкидлаб кўрсатган ва она-Ватан, қадрдан элга боғланиш, унинг ҳаққоний, қонуний фарзанди эканини таъкидлашга хизмат қиласди. “Асо” шеърида бу тақрор ўз ҳалқига бўлган меҳни, унинг бир бўлаги сифатидаги эътиқодни ҳамда ғуурни ифодалашга хизмат қиласди. Ҳар иккала ҳолда фикрдаги қатъийлик, кўтаринкилик, таъсирчанлик мавжуд. “Миртемир қатъийлик, ўзига хослиги унинг ажойиб сербезак, ҳар сафар оригинал эшитиладиган ҳалқчил поэтик тилига ҳам боғлиқ. Бу гоҳо жиндак дангал, қишлоқироқ, лекин ҳамма вакт безакли, гоҳо

<sup>1</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изохли лугати. – Т.: ЎзМЭ, 2002. – Б. 143.

<sup>2</sup> Ҳожиев А. Келтирилган аср. – Б. 143.

<sup>3</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: “Фан”, 2007. – Б. 47.

<sup>4</sup> Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликни ифодаланиши. – Т.: “Фан”, 1983. – Б. 88.

<sup>5</sup> Неъматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992. – Б. 86.

<sup>6</sup> Неъматов Ҳ. Келтирилган аср. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992. – Б. 86.

<sup>7</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: “Фан”, 2007. – Б. 48.

Қоратоғ этакларидан шарқираб тушган Туркистан сойлари эпкинидек сарин, ҳамма вакт ширали, тежамли тиник бир тил<sup>1</sup>!

Хуллас, геминация алоҳида услубий восита сифатида Миртемир шеъриятида қ товуши асосида ҳосил қилинган. Бунда қ товушининг каватланиши асосида мантикий урғу шу сўзга тушган ва сўз маъносини таъкидлаб, экспрессивликни юзага келтирган.

### 1.3. Ассонанс

Миртемир шеъриятида товуш такори, жумладан, ассонанс (унли товушлар) такори услубий восита сифатида кўлланган. Ассонанс – унлилар оҳангдошлиги. “Ассонанс” (лот. Assonare – оҳангдошлик сўзидан) – гапда, мисра ва бандда бир хил унли товушларнинг қайтарилиши<sup>2</sup>.

О.С.Ахманова ассонанс турғун бирималарда учрашини ва услубий восита эканини ёзди<sup>3</sup>.

Ассонанснинг асосий хусусиятларидан бири шеърда қофияни юзага келтиришдир. Бу ҳақда баъзи ишларда “Ассонанс поэзияда қофия имкониятларини кенгайтиради”, дейилган. Ассонанс такори ҳозирги замон ўзбек шеъриятида жуда кўп учрайди.

Ассонансга берилган таърифлар орасида қуйидаги таъриф ҳақиқатта яқинроқ ва ушбу ҳодисанинг услубий вазифасини тўғри белгилайди: “Ассонанс – айнан ёки яқин унлиларнинг такорланиши натижасида юзага келадиган оҳангдошлик”<sup>5</sup>. Манбаларда нутқ товушлари системасида экспрессивликни ифодалаш жиҳатидан унли товушларнинг имконияти катта эканлиги ҳам таъкидланган<sup>6</sup>.

Миртемир шеърларида ассонансдан унумли фойдаланган. Ассонансда унли товушларнинг такори тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади. Щунга кўра, унинг икки хил турини фарқлаш мумкин: а) бир хил унли товушларнинг такорланиши; б) турли унли товуш тўлиқ такорланмасдан ўзаро ҳамоҳанг бўлиб келиши.

<sup>1</sup> Аскад Мухтор. Устознинг табаррук ўрни / Миртемир замондошлари хотирасида. – Т.: Фан, 1982. – Б. 32-33.  
<sup>2</sup> Адабиётшуносик терминлари лугати / Тузувчилар: Ҳ.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. – Т.: “Ўқитувчи”, 1967. – Б. 34.

<sup>3</sup> Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. – М.: “Наука”, 1969. – С. 58.  
<sup>4</sup> Адебиётшуносик терминларнинг русча-ўзбекча изоҳи лугати / Н.Хотамов, Б.Саримсоков. – Т.: “Ўқитувчи”, 1979. – Б. 36.

<sup>5</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: “Фан”, 2007. – Б. 97.

<sup>6</sup> Абдузазов А. Фоностилistik воситаларнинг ўрганилышига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – 2-сон. – Б. 27.

Миртемир шеъриятида унлилар такорининг ҳар иккала турини ҳам учратамиз. Улар шеърнинг турли қисмларида такор келади. Жумладан, унли товушлар маълум бир мисрада такор келади. Бундай такорларни шоирнинг “Тортиқ”, “Куз қўшиғи”, “Олис Фарғонадан”, “Яёв улок” каби шеърларида учратамиз. Шоирнинг “Тортиқ” шеърида *a* ва *o* унлилари такорлари мавжуд:

Ойнакўл-ку, ойнадай тоза,  
Мўлдир-мўлдир ўта тиник сув,  
Цунё бўйлаб мундоқ овоза –  
Ёзда муздек, қишида илиқ сув...

(II. 34)

Аввало шеърнинг ёзилиш тарихи ҳақида: 1962 йилда ўзбек адабиёти ҳафталиги қатнашчиларидан бир гурухи Кўкчаторга боришади. Кўкчаторда Эркеш деган шоир йигит Зулфияхонимга Ойнакўлни “тортиқ қиласи”. Мана шу таассуротлар асосида Миртемир “Тортиқ” шеърини ёзган. Аниқроғи, ушбу “тортиқ”ка жавоб сифатида ёзилган. Шеърда Ойнакўлнинг тиниқлиги, унинг тортиқ қилинishi арзигулик табиат мўъжизаси эканлиги тасвирланган. Шеърдаги оҳангдошлик *Ойнакўл-ку ойнадай тоза* мисрасида ифодаланган. Мисрадаги товуш оҳангдошлиги сўзлар оҳангдошлигини таъминлаган. Ойнакўлнинг тиниқлиги, тозалиги унинг номига кўчган ва ойнага қиёс қилинган. Банддаги *мўлдир-мўлдир* таъорий сўз эса фикрни ривожлантирган. Чунки бу оддий ҳаракат эмас, балки нафис бир тўлқинланишидир. Сув сўзининг сифатловчиси бўлиб келган *мўлдир-мўлдир* сўзи сувнинг мўллигини, кўлнинг тўла эканлигини ва айни пайтда сувнинг ҳолатини ифодалашга хизмат қилган. Сўзнинг бир пайтнинг ўзида икки хил услубий маъно касб этиши (1-маънода равиш, 2-маънода тақлид сўз) натижасида банднинг бадий салмоғи ошган. Бунда, айниқса, сўзнинг таъор ҳолда қўлланиши муҳим аҳамиятга эга. Иккиласми маъно айнан лексик таъор натижасида рўёбга чиқкан ҳамда тажнис санъатини юзага келтирган.

Бандда *ойнакўл* ва *ойнадай* сўзлари доирасида оҳангдошлик мавжуд бўлиб, улар тазмин-и муздаваҳ жонишини юзага келтирган. Бу сўзлардаги оҳангдошликни *ойна* сўзи таъминлаган. *Ойнадай* сўзидаги -дай ўхшатиш воситаси ташбих санъатини юзага келтирган.

Миртемир лирикасининг асосий хусусияти шундаки, унда халқона содда рух, ўйноки ва кишини эркаловчи майин оҳанглар уйғунлашиб кетади ҳамда мисралар силлиқ, майин ўқилади.

Оҳангдаги ана шу ўзига хослик шоирнинг товушлар уйғунлиги ва мутаносиблигини яхши хис қилишини, товуш такрорларига муносиб бадий-услубий вазифа юклай олишини намойиш қиласи. Худди шундай товуш такрорини “Куз күшиғи” шеърида ҳам кўришимиз мумкин:

*Оппоқ-оппоқ... Ойдин сийна, оқ сийна.  
Чўқиқларга гўё парқу, оқ зина.  
Адир-адир пурмавж, порлоқ ганжина,  
Ёргу уммон келяпти.*

(II. 245)

Ушбу шеърда *о* ва *а* унли товушлари, шунингдек, ундош товушлар ҳамда сўзлар такрорлари мавжуд. Бу такрорлар банднинг биринчи мисрасида кўлланган бўлиб, шеърда такрор билан ўхшатишнинг уйғунлиги мавжуд. Бунда такрорий сўзнинг оппоқ-оппоқ шаклида кўлланниши ҳам маънони кучайтиришга хизмат қиласи. Шеърнинг номидан маълумки, “Куз күшиғи” – бу йигим-терим, ҳосил кўшиғи. Шеърда пахта йигим-терими билан боғлиқ ҳолатларни ифода этувчи сўзлар кўлланган. Ушбу бандда оқ олтин хирмонининг кўкка бўй чўзиши, унинг ранги, мўллиги, киши дикқатини жалб этувчи пурмавжлиги, хирмонларнинг оппоқ зинага ўхшаши товуш, сўз такрорлари, ўхшатиш, муболаға каби воситалар орқали бадий тасвирланган. Айниқса, биринчи мисрадаги *о*, *а*, *и*, *қ* товушлари такрори ва улар асосида келиб чиқсан сўз такрорлари маънони поэтик талаб ва мезонларга мос равишда таъсирили ифодалашга хизмат қиласи. Мисраларда ўзига хос кўтаринкилик изчил, мусикий оҳанг орқали мохирона тасвирланган.

Мана шундай бир ҳолат Ҳамид Олимжон ижодида ҳам учрайди. Унда градация усулидан фойдаланган ҳолда меҳнат мадҳ қилинган:

*Уйда, оиласда, далада, қирда,  
Оппоқ пахта битган серунум ерда,  
Озод меҳнат зўр жсадал билан  
Ҳар минут сен ўзинг биз билан бирга!*

(Х.Олимжон. “Махорат”. I. 160)

Ушбу банднинг биринчи мисрасида *а* товуши такрори мавжуд. Бу эса банднинг дастлабки мисрасида кўтаринки рухни ҳосил қиласи, мазмунни кучайтириб, китобхон дикқатини шу мисрага тортиган.

Миртемирнинг баъзи шеърларида мисралар бошида унли товушлар такрори мавжуд бўлиб, бундай такрорлар мисралар

38

бошидаги кўтаринки оҳангни юзага келтирган ва анафора такрори билан уйғуллашган:

*Хирмонлар уюми – кўзлар қувончи...  
Очил, ҳа, гўзалар, партираб ён-чи!  
Очил, оппоқ тонглар алангасидай,  
Очил, ҳайрон бўлсин кўкда сомончи.*

(II. 37)

Ушбу бандда товуш такрори сўз такрори билан уйғуллашиб, маънони кучайтиришга хизмат қиласи. Китобхон дикқатини жалб этган. Мисралар бошидаги кўтаринкиликни таъминлаган.

Шоир шеърларининг баъзи бандларида мисралар охирида унлилар такрори юзага келган. Адабнинг “Соз”, “Фасли баҳор...”, “Элу юрт мақтоби”, “Пахтакор тилидан” каби шеърларида шундай такрорлар мавжуд. “Соз” шеърида унли товуш такрори куйидагича ҳосил қилинган:

*Чал тўлзона-тўлзона,  
Соз сехрига чулгона.  
Тинглайн ёна-ёна,  
Ташнадай қона-қона.*

(II. 122)

Халқона услубда ёзилган ушбу шеърда мисралар охирида а товуши такрори юзага келган. Натижада қофиядош сўзларнинг янада оҳангдош бўлишига хизмат қиласи.

Шоир шеърларида қофияда сўз ўйини воситасида турли маънони ифодаловчи омоним сўзлар кўллаш натижасида унлилар оҳангдошлиги ҳосил қилинган:

*Жонларнинг озиги – сўзнинг ётиги,  
Сўзим бўлса элнинг қўшиқ ё тиги,  
Кўнглимни титратмас асло ёт йиги,  
Доим хушвақт даврон қучолсам, дейман.*

(II. 47)

Шоир “Устозга атаганим” номли ушбу шеърида шаклан якин, аммо турли маъно ифодаловчи омоним сўзлар (ётиги, ё тиги, ёт йиги) ёрдамида шеър маъносини ўзига хос бир усуlda баён этган. Бу сўзларда, асосан, *о* унлиси такрори оҳангдошлигни, бадий таъсиричанликни таъминлаган.

Умуман олганда, юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Миртемир шеъриятида ассонанснинг *а* ва *о* товушлар такрори кўпроқ учрайди. Шоир бу такрорлардан мохирона фойдаланиб, ҳар бирига ўзига хос услубий маъно ва вазифа юклаган.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

Миртемир шеъриятида күлланган фонетик тақрорларнинг маъновий-услубий хусусиятлари юзасидан юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин.

1. Фонетик тақрорлар бадий асарнинг шаклий ўзига хослиги бўлиб, асарнинг бадииятини ошириш, айниқса, шеърий тилда мисраларнинг оҳангдошлигини таъминлаш, ифодавий таъсирчаник, соддалик ва равонликни оширишга хизмат қилган. Шоир шеърларидағи товуш ва бўғинлар тақорори шеър мисраларига мантиқан мос тарзда асосий маънони бўрттириб ифодалашга қаратилган.

2. Шоир лирикасида фонетик-услубий усул сифатида аллитерациянинг турли кўринишлари учрайди. Ундош товушларнинг тақрорланиши бадий нутқда товушларнинг талафузда яқин ва уйғунлигини юзага келтирган, бу эса тасвирланаётган нарса-ходисаларга ўкувчининг дикқатини жалб қилиб, мисраларнинг бадий-эстетик таъсири кучини оширган. Аллитерация тасвирий воситаси сифатида маълум тушунчаларни таъкидлаш, ажратиб кўрсатишга хизмат қилган ва фикрнинг мантиқий ҳамда услубий юкини оширган.

3. Миртемир шеъриятида унлилар уйғунлиги ва тақорори орқали маълум бир сўз ёки товушга, улар ташувчи мазмунга ургу берилган.

4. Унлилар тақорори маълум ритмни юзага келтирган. Сўз бўғинларидағи чўзиқ ёки қисқаликни таъминловчи, мусиқийликни юзага келтирувчи асосий воситалардан бири бўлган унли товушлар шоир шеърларида оҳангдошлиқ ва мусиқийликни таъминлаган.

## II БОБ

### МИРТЕМИР ШЕЪРИЯТИДА ГРАММАТИК ТАҚРОРЛАР

Бадий матннадаги грамматик тақорор деганда бирор кўшимча, сўз бирикмаси, гап, шеърий мисра ёки банднинг матнда ёки шеър мисраларида ижодкор томонидан мақсадли тақрорланиши тушунилади. Бундай тақорор кўлланиш кўшимча маъно оттенкасига эга бўлиб, турли услубий вазифа бажаришга хизмат қиласи. Грамматик тақорор тушунчаси кенг қарновли тушунча бўлиб, морфологик ва синтактик тақрорларни ўз ичига олади. Морфологик тақорорда, асосан, кўшимчаларнинг у ёки бу шаклда тақорор келиши ёки оҳангдошлиги юзага келса, синтактик тақорорда, асосан, сўз бирикмаси, гап ёки гап шакллари, шеърий мисра ёки банд тақрорлари хосил бўлади. “Бадий асар муаллифлари тасвирланаётган воқеа-ходисага ўкувчининг дикқатини тортиш, уни бўрттириб кўрсатиш учун бадий асарларда товуш ва товушлар, сўз ва сўзлар йигиндинсини, гапларни тақорор кўллаб, ургуни кучайтиради, нутқка кескинлик киригади”<sup>1</sup>.

Миртемир шеърияти учун грамматик тақрорларнинг ташобхул-атроф, ҳалқа, тарди акс, мисра ва банд тақорори каби турлари характерли бўлиб, шоир бу тақорор усусларидан унумли фойдаланган. Шунингдек, грамматик тақрорнинг бошқа турлари ҳам шоир шеъриятида кўлланган.

Грамматик тақрорларнинг, айниқса, синтактик тақрорларнинг бошқа турларидан фарки шундаки, бундай тақрорларда гап, мисра ёки банд тўлиғича тақрорланиб, фикрни кенгроқ ва батафсилоқ ифодалашга, тасвирни атрофлича ёритишга қаратилган бўлади. Чунки бундай бирликлар фонетик ёки лексик бирликларга нисбатан кенгроқ тушунча ифодалашга хизмат қиласи. Қуйида грамматик тақорор турларидан шоир шеърияти учун характерли бўлган ташобхул-атроф, ҳалқа, тарди акс, мисра ва банд тақрорларининг кўлланиши, лингвопоэтик маъно англишиши ва бу орқали асар тилининг жонли, таъсирчан ҳамда жозибали рух касб этиши ҳақида тўхталиб ўтамиз.

<sup>1</sup> Лапласов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – Б. 48.

## 2.1. Ташобеҳул-атроф

“Ташобеҳул-атроф – арабча *тарафларнинг ўҳшашлиги* сўзидан олинган бўлиб, ёзувчи ўзи тузган гапнинг охиридаги сўзларини ёки мисра охиридаги бўлакни бошқа (кейинги) жумла ёхуд мисра бошида айнан келтириш (такрорлаш) йўли билан тарафларнинг ўҳшашлигига эришиш усули”<sup>1</sup>. Бу усул тарихий поэтикага оид манбаларда *тасбиз* санъати деб юритилган. Ташобеҳул-атроф мисра билан мисрани, байт билан байтни бир-бирига боғлашга хизмат қиласди. Адабиётшунос Ёкубжон Исҳоқов унинг хусусиятларини батафсил ёритиб берган<sup>2</sup>.

*Ташобеҳул-атроф* шеърий матнда қатъий қўлланиш ўрнига эга бўлган такрор ҳисобланади. Байт доирасида қўлланганда биринчи мисранинг охирида қўлланган сўз ёки сўз бирикмаси иккинчи мисра бошида такрор келади. Банд доирасида қўлланганда биринчи байт охиридаги сўз ёки сўз бирикмаси иккинчи байт бошида такрорланади. Шунингдек, у бандлар ўргасидаги боғлиқликни ҳам таъминлайди. Яъни бирор банд охиридаги сўз ёки бирикма кейинги банд бошида такрор қўлланади.

Миртемир такрорнинг бу туридан унумли фойдаланган. Адаб иборат. Бу бирликлар шеърдаги мисраларни, бандларни бир-бирига боғлаган. Ташобеҳул-атроф, асосан, мисралар ўргасидаги боғлиқликни таъминлаб келган бўлса, байтлар ўргасидаги, шунингдек, бандлар доирасидаги боғлиқликни таъминловчи такрорларнинг қўлланиши тарихий поэтикада мусалсал (учма-уч улаш) деб ҳам юритилган. “Мусалсал (арабча занжирсимон, яъни ҳалқа-ҳалқа қилиб улаш) шеър банд (байт)ларини бадиий такрорлар воситасида бир-бирига ҳалқа-ҳалқа қилиб боғлаш усули. Бу усул хозирги шеършуносликда учма-уч улаш (стик ёки симплока) деб ҳам юритилади. Мусалсал санъатининг ўзига хослиги шундаки, шеър банди (байти)нинг сўнгти сўзи галдаги банд (байт)нинг илк сўзи ўрнида айнан такрорланиб келаверади. Шу тариқа, шеър композициясида бадиий яхлитлик вужудга келади. Бу усул кичик лирик жанрдаги асарларда ҳам, йирик ҳажмли эпик асарларда ҳам ишлатилаверади”<sup>3</sup>. “Учма-уч улаш (стик ёки симплока) – бадиий такрорларнинг бир тури бўлиб, бир жумла ёхуд бир мисра

охиридаги сўз ёки сўз бирикмаси бошқа жумла ёки мисранинг бош қисмида такрорланиб келиши”<sup>1</sup>. Мусалсал ёки учма-уч улаш такрори ҳам ташобеҳул-атроф такрори сингари мисралар ўргасидаги боғлиқликни таъминлайди. Бунда бирор мисранинг охиридаги сўз ёки бирикма кейинги мисрада такрор келади.

Қайд қилинган ҳолатларни ҳисобга олиб, Миртемир шеъриятида мавжуд мусалсал такрорини ҳам ташобеҳул-атроф такрори доирасида тадқиқ этишини лозим топдик. Шоир шеъриятидаги такрорлар мисра ва бандлар ўргасидаги боғлиқликни таъминлаш билан бирга ўзига хос таъсирчанликни юзага келтиради. *Ташобеҳул-атроф* – мисралар, байтлар ёки бандлар ўргасидаги боғлиқликни таъминлайди, шеърда композицион бутунликни юзага келтиради, маълум бир сўз ёки сўз бирикмасининг алоҳида ажрапиб туришини таъминлайди. Миртемирнинг “Жилга бўйида”, “Салом ҳат”, “Дўстимнинг умр йўлдоши”, “Балиқ ови”, “Дорилфунун хиёбонида”, “Салқин сахар, дарё бўйи...”, “Тупроқ тўғрисида” каби шеърларида *ташобеҳул-атроф* такрорининг гўзал намуналарини учратишимииз мумкин. Жумладан, “Балиқ ови” шеърида бундай такрорлар қўйидагича юзага келган:

*Бизнинг қишлоқ төг бағрида,*

*Төг бағрида – боз бағрида,*

*Этагида чопқиллар сой.*

*Ёзда тиник,*

*Кузда тиник,*

*Сувда қуёш юз бир синик.* (II. 19)

Шеърда шоирнинг болалик хотиралари муҳрланган Қоратоғ этаклари, сойлари ва бу сойларда балиқ тутаётган бола ҳолати тасвирланган. Шеърнинг дастлабки банди биринчи мисрасидаги *төг бағрида* бирикмаси иккинчи мисра бошида такрор қўлланган. Шеърнинг дастлабки бандиданоқ мантикий ургу ушбу бирикмага тушади. Китобхон дикқати шу такрор бирикмага қаратилади. Қишлоқнинг төг бағрида жойлашганлиги, бу қишлоқ табиатининг ўзига хос эканлиги ушбу такрорий бирликлар воситасида поэтик бўёқларда акс этган. Шеърда қишлоқ тасвиридаги воқеалар давомида балиқ ови билан боғлиқ ҳолатлар жонли ифодаланган. Буни шоир шеърнинг сўнгти бандида қўйидагича тасвирлаган:

*Балли, дерди, укувимга...*

*Илинмайди лекин ҳозир.*

<sup>1</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Т.: ТДГУ, 2001. – Б. 100.

<sup>2</sup> Каранг. Исҳоқов Ё. Ташобеҳул-атроф // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 1-сон. – Б. 90-92.

<sup>3</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Келтирилган асар. – Б. 102-103.

*Бундан кейин түр ташлайман,  
Ташласам ҳам зүр ташлайман,  
Күлгэ тушар бари охир.*

(II. 19)

Ушбу банддаги охангдош сўзлар балиқ туваётган боланинг ҳолатини тасвирилашда асосий восита бўлиб хизмат қилган. Бунда *ташламоқ* сўзи билан боғлиқ охангдошлик мавжуд бўлиб, бу сўзлар охангдошлиги ташобеҳул-атроф такорри (учинчи мисра охиридаги сўзниң тўртингчи мисра бошида такрорланиши) асосида юзага келган. Банд мазмунидан маълумки, лирик қаҳрамон ёки балиқчи бола учун балиқ тутишдан кўра, балиқ ованинг гашти марокли. Боланинг балиқ тўрини завқ билан ташлаши такорр сўзлар воситасида янада таъсирироқ ифодаланган.

Шунга ўхшашиб такорни Ҳамид Олимжон шеъриятида ҳам учратамиш. Шоирниң “Одам ҳакида” шеърида дунёнинг гўзаллиги инсон эканлиги тасвириланган. Шеърда дунё гўзаллиги инсон туфайли эканлиги акс этган:

*Дунё гўзал, нечунким унда,  
Сенинг билан биз бормиз доим.  
Унда одам қолмаган кунда,  
Бошланажак “қиёмат қойим”.*

\* \* \*

*Гўзал этмиши дунёни одам,  
Одам билан гўзалдир ул ҳам.*

(Х.Олимжон. I. 207)

Шеърдаги *ташобеҳул-атроф* такорини унда ва одам сўзлари ташкил қилган. Шоирниң умумий гояси ҳам шу сўзларга сингдирилган.

Миртемирниң “Тупрок тўғрисида” шеърида ҳам *ташобеҳул-атроф* такорининг ўзига хос кўриниши юзага келганини кўрамиз. Шеър мисралари такорр услубий воситаси асосига курилган. Унда такоррниң бир қанча турларини учратамиш. Шеърда ҳалқа такорри ҳам ҳосил қилинган. Шеърниң дастлабки мисраси *Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!* шаклида бўлиб, бу мисра шеърниң ўртасида ва охирида такрорланади. Кўриниб турибдики, шеърда дастлаб *тупроқда ҳикмат кўп, тупроқда маъно кўп*, дея тезис фикр айтилган. Кейинги мисраларда шу фикр ривожлантирилади, мукаммаллашади. Такорр мисралар шеърда маъно умумийлигини таъкидлайди. У ҳам бўлса, бу саъй-харакатларниң барчаси шу она тупрок учун, яъни шу она-Ватан учун эканлиги поэтик тасвириланган:

*Ҳабибийнинг булбулдек ўша мастилиги,  
Мастилиги, машраблиги, ҳақпарастлиги,  
Асқаднинг бурролиги ва чандастлиги –  
Шу тупроқ илҳомидан.*

(II. 157)

Ушбу бандда *мастилиги* сўзи *ташобеҳул-атроф* такорини юзага келтирган. Бу сўз кўчма маънода кўлланиб, мамнуниятилиги, ғурури маъноларини берган. Шеърда кўлланган *тупроқ* сўзи ҳам *Ватан, юрт, она ер* маъноларини билдириб, кенг қамровли маънога эга. Шеърдаги *тупроқ, ирмоқ, қирвоқ, яйлоқ* каби такоррлар шу она заминнинг, шу юртнинг бетакорр тасвиридир.

*Ташобеҳул-атроф* такорри шеърий матнда маълум бир аниқ кўлланиш ўрнига эга бўлган такорр турларидан биридир. Бу такоррда мисра ёки бандлар ўртасида боғлиқлик юзага келади. Шеърдаги бирор мисра охиридаги сўз кейинги мисра бошида такорр келади. Бу мумтоз адабиётимизда кенг қўлланган *қайтариши* такоррининг бир шаклидир. *Қайтариши* такорри мисра ёки байт доирасида юзага келади. Қайтариши “Бир хил маънодаги ёки шаклдош икки сўзни байтнинг турли ўринларида келтириш санъатидир”.<sup>1</sup> Бу санъат поэтикага оид манбаларда турлича номланган. Адабиётшунос Ё.Исҳоқов таъкидлашича: “Бадий санъатлар ичидаги энг мумтоз ва мақбулларидан бири (Рашидиддин Вотвот) ҳисобланган бу усул классик поэтикага доир асарларнинг аксариятида раддул-ажуз ил-ас-садр, баъзиларида мутобиқа, айримларида эса тасдир деб аталаған”<sup>2</sup>. Санъатшунос Атоулоҳ Ҳусайний бу санъатни *радду-л-ъажз мина-с-садр* деб номлайди ва ёзади: “Бу санъат насрда жамиъ араб фусаҳосиу ажам шуароси назидаги андоқ бўлурким, бир лафзни биринчи жумлада келтиргайлар ва яна ўшул лафзни ўшул маънода ул жумланинг охирида зикр эткайлар ёки орасида ё тажнис, ё шибҳ-и иштиқоқ бўлган икки лафзнинг бирин жумла бошида ва иккичисин охирида кёлтирурлар”<sup>3</sup>. Адабиётшунос Анвар Ҳожиахмедов бу санъат ҳакида фикр билдирав экан, уни радд-ул-ажуз ал-ас-садр деб атайди. Ушбу санъат номининг «бир хил ёки шаклдош икки сўзни байт боши ва охирида келтириш» маъносини билдиришини айтади<sup>4</sup>. Ёкубжон Исҳоқов эса унинг адабий

<sup>1</sup> Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 85.

<sup>2</sup> Исҳоқов Ё. Қайтариш санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 2-сон. – Б. 83.

<sup>3</sup> Ҳусайний А. Бадойиу-с-санъый / Форсчадан А. Рустамов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – Б. 52.

<sup>4</sup> Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 85.

манбалардаги номи бу санъатнинг моҳиятини тўлиқ ёритиб бермаслигини таъкидлайди: “Классик поэтикам доир адабиётларда берилган бу санъатнинг номи унинг моҳиятини тўла ифодалай олмайди. Чунки радд ул-ажуз ил-ас-садр (байгдаги ажузнинг садр бўлиб тақорланиши) қайтариш санъатининг хилма-хил кўринишларидан биригина, холос”<sup>1</sup>.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда байт қисмлари алоҳида номланган. Байтнинг биринчи мисраси боши садр, иккинчи мисраси боши ибтидо, байт мисраларининг ўрта қисмлари ҳашв, биринчи мисранинг охири арўз, иккинчи мисранинг охири ажуз ёки зарб деб юритилган. Агар радд ул-ажуз ил-ас-садр тақорини олиб қарайдиган бўлсак, байт охиридаги сўзнинг кейинги байт бошида қайтарилиши ёки ажузнинг садрда қайтарилиши маъносини беради. Бу ушбу санъатнинг турларидан бири. Демак, Ёкубжон Исҳоқов тўғри таъкидлаганидек, ушбу санъатнинг номини “қайтариш санъати” деб атасак, кенгроқ маъно ифодалайди. Қайтариш санъати байтда ёки, умуман, шеърда турли хил тақорларни ҳосил қиласди. А.Хожиахмедов ўз асарида унинг тармоқлари эллиқдан ошиши ҳақида маълумотлар берган<sup>2</sup>. Ё.Исҳоқов эса унинг тармоқлари эллиқдан ошиши ҳақида маълумотлар берган<sup>3</sup>. Бу санъат, асосан, мумтоз адабиётимиз учун хос бўлиб, кўпроқ аруз вазнида кўлланган. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятида ҳам қайтариш тақори мавжуд. Бу тақорнинг шакллари анафора, эпифора, ташобехул-атроф, тақрир каби бир қанча тақор шакллари билан монанд бўлганлиги ва қайтариш тақорининг, асосан, аруз вазни учун хослигини хисобга олиб бу ҳақда алоҳида тўхтамадик.

## 2.2. Ҳалқа

Шеъриятимизда кўп кўлланадиган бадий тақорлардан бири ҳалқа тақоридир. Бу тақорда шеърнинг бошида келган мисра ёки банд шеърнинг охирида тақорланади ва матнда ҳалқа ҳосил қиласди. Унинг номланиши ҳам шундан келиб чиқсан.

Ё.Исҳоқов бу санъатнинг ўзбек адабиётидаги шаклланиши ҳамда тараққиёти Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди<sup>4</sup>. Арабча “матлаънинг қайтарилиши, тақорланиши”

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Келтирилган иш. – Б. 83.

<sup>2</sup> Хожиахмедов А. Мумтоз бадний малоҳати. – Т.: «Шарқ», 1999. – Б. 86.

<sup>3</sup> Исҳоқов Ё. Қайтариш санъати// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 2-сон. – Б. 87.

<sup>4</sup> Исҳоқов Ё. Радд ул-матлаъ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – 1-сон. – Б. 77.

маъноларини билдирувчи *радд* ул-матлаъ тақори мумтоз адабиётимизда, асосан, ғазал ва қасида жанрларида кўпроқ кўлланган. А.Хожиахмедов бу ҳақда фикр билдириб, унинг “*радди матлаъ*” деб номланишини қайд қиласди ҳамда ғазалнинг биринчи мисраси тақори назарда тутилишини куйидагича ифодалайди: “Бу санъат мумтоз шеъриятимизда радди матлаъ деб юритилган. “Радди матлаъ”, асосан, “матлаъни тақорорлаш” деган маънони ифодалайди. Лекин ушбу санъат кўпинча ғазалнинг биринчи мисрасини асар охирида тақорорлашни назарда тутади”<sup>1</sup>. Бундан унинг номида маълум шартлилик мавжуд эканлиги намоён бўлади, яъни у матлаънинг қайтарилиши, тақорланиши деб аталса-да, аслида матлаънинг бир мисраси – ярми тақорорланади<sup>2</sup>.

*Радди матлаъ* тақорининг мумтоз адабиётимизда мисра, байт тақорлари, асосан, қасида ва ғазалга хос бўлиб, ҳозирги замон ўзбек адабиётида, жумладан, бармоқ вазнида мисра ёки банд шаклидаги тақорлар ҳалқа номи билан юритилади. Ҳалқа тақори шеър бошидаги мисра, байт, банднинг шеър охирида тақор келиб ҳалқа ҳосил қилишидан иборат. Бунда ҳалқа мисра, байт, банд шаклида тақорорланади. Ҳалқанинг бошқа тақорлардан фарқи шундаки, у шеърнинг яхлитлигини таъминлади. Шеър бошида берилган фикр шеър давомида ривожланиб боради ва унинг охирида умумлаштирилади. “Ҳалқа, биринчидан, шеър ғоясини кўрсатса, иккинчидан, шеърнинг бошқа бандларини ўз доирасига қамраб олади – шеърнинг композицион бир бутунлигини вужудга келтиради”<sup>3</sup>.

Миртемир шеърларида ҳалқа тақори ўзига хос шаклда маҳорат билан кўлланган. Шоир шеъриятида ҳалқа тақорининг икки хил: мисра ва банд шаклидаги тақорлари мавжуд, яъни шеър бошида келган мисра ёки банд шеър охирида тақор кўлланган. Бундай тақорлар оддий қайтариклар бўлмай, услубий вазифа бажаришга хизмат қилган.

Шоирнинг “Нурхонни йўқлаб...”, “Богимнинг чечаклари”, “Байрам кўшиклари”, “Денгиз тинчимади – биз тинчимадик”, “Пушкин уйида”, “Шундогам севаманки...”, “Ҳаттоқи”, “Тупроқ тўғрисида”, “Чимилдиқ”, “Бу ўша...” каби шеърларида мисра тақорлари; “Опоки”, “Шароб”, “Мен сени ...”, “Розиман, ризоман,

<sup>1</sup> Хожиахмедов А. Мумтоз бадний малоҳати. – Т.: «Шарқ», 1999. – Б. 109.

<sup>2</sup> Исҳоқов Ё. Келтирилган макола. – Б. 77.

<sup>3</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. – Т.: ТДГУ, 2001. – Б. 98.

манбалардаги номи бу санъатнинг моҳиятини тўлиқ ёритиб бермаслигини таъкидлайди: “Классик поэтикага доир адабиётларда берилган бу санъатнинг номи унинг моҳиятини тӯла ифодалай олмайди. Чунки радд ул-ажуз ил-ас-садр (байтдаги ажузнинг садр бўлиб тақорланиши) қайтариш санъатининг хилма-хил кўринишларидан биригина, холос”<sup>1</sup>.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда байт қисмлари алоҳида номланган. Байтнинг биринчи мисраси боши садр, иккинчи мисраси боши ибтидо, байт мисраларининг ўрта қисмлари ҳашв, биринчи мисранинг охири арўз, иккинчи мисранинг охири ажуз ёки зарб деб юритилган. Агар радд ул-ажуз ил-ас-садр тақорорини олиб қарайдиган бўлсак, байт охиридаги сўзнинг кейинги байт бошида қайтарилиши ёки ажузнинг садрда қайтарилиши маъносини беради. Бу ушбу санъатнинг турларидан бири. Демак, Ёқубжон Исҳоқов тўғри таъкидлаганидек, ушбу санъатнинг номини “қайтариш санъати” деб атасак, кенгроқ маъно ифодалайди. Қайтариш санъати байтда ёки, умуман, шеърда турли хил тақорорларни ҳосил қиласди. А.Хожиахмедов ўз асарида унинг йигирмага яқин тури борлигини қайд қилган<sup>2</sup>. Ё.Исҳоқов эса унинг тармоқлари эллиқдан ошиши ҳақида маълумотлар берган<sup>3</sup>. Бу санъат, асосан, мумтоз адабиётимиз учун хос бўлиб, кўпроқ аруз вазнида қўлланган. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятида ҳам қайтариш тақорори мавжуд. Бу тақорорнинг шакллари анафора, эпифора, ташобехул-атроф, тақрир каби бир қанча тақорор шакллари билан монанд бўлганлиги ва қайтариш тақорорининг, асосан, аруз вазни учун хослигини хисобга олиб бу ҳақда алоҳида тўхталмадик.

## 2.2. Ҳалқа

Шеъриятимизда кўп қўлланадиган бадиий тақорорлардан бири ҳалқа тақоридир. Бу тақорорда шеърнинг бошида келган мисра ёки банд шеърнинг охирида тақорорланади ва матнда ҳалқа ҳосил қиласди. Унинг номланиши ҳам шундан келиб чиққан.

Ё.Исҳоқов бу санъатнинг ўзбек адабиётидаги шаклланиши ҳамда тараққиёти Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди<sup>4</sup>. Арабча “матлаънинг қайтарилиши, тақорорланиши”

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Келтирилган иш. – Б. 83.

<sup>2</sup> Хожиахмедов А. Мумтоз бадиинят малоҳати. – Т.: «Шарқ», 1999. – Б. 86.

<sup>3</sup> Исҳоқов Ё. Қайтариш санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 2-сон. – Б. 87.

<sup>4</sup> Исҳоқов Ё. Радд ул-матлаъ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – 1-сон. – Б. 77.

маъноларини билдирувчи *радд* ул-матлаъ тақорори мумтоз адабиётимизда, асосан, ғазал ва қасида жанрларида кўпроқ қўлланган. А.Хожиахмедов бу ҳақда фикр билдириб, унинг “*радди матлаъ*” деб номланишини қайд қиласди ҳамда ғазалнинг биринчи мисраси тақорори назарда тутилишини қўйидагича ифодалайди: “Бу санъат мумтоз шеъриятимизда радди матлаъ деб юритилган. “Радди матлаъ”, асосан, “матлаъни тақорорлаш” деган маънони ифодалайди. Лекин ушбу санъат кўпинча ғазалнинг биринчи мисрасини асар охирида тақорорлашни назарда тутади”<sup>1</sup>. Бундан унинг номида маълум шартлилик мавжуд эканлиги намоён бўлади, яъни у матлаънинг қайтарилиши, тақорорланиши деб аталса-да, аслида матлаънинг бир мисраси – ярми тақорорланади<sup>2</sup>.

*Радди матлаъ* тақорорининг мумтоз адабиётимизда мисра, байт тақорорлари, асосан, қасида ва ғазалга хос бўлиб, ҳозирги замон ўзбек адабиётида, жумладан, бармоқ вазнида мисра ёки банд шаклидаги тақорорлар ҳалқа номи билан юритилади. Ҳалқа тақорори шеър бошидаги мисра, байт, банднинг шеър охирида тақорор келиб ҳалқа ҳосил қилишидан иборат. Бунда ҳалқа мисра, байт, банд шаклида тақорорланади. Ҳалқанинг бошқа тақорорлардан фарқи шундаки, у шеърнинг яхлитлигини таъминлайди. Шеър бошида берилган фикр шеър давомида ривожланиб боради ва унинг охирида умумлаштирилади. “Ҳалқа, биринчидан, шеър гоясини кўрсатса, иккинчидан, шеърнинг бошқа бандларини ўз доирасига қамраб олади – шеърнинг композицион бир бутунлигини вужудга келтиради”<sup>3</sup>.

Миртемир шеърларида ҳалқа тақорори ўзига хос шаклда маҳорат билан қўлланган. Шоир шеъриятида ҳалқа тақорорининг иккى хил: мисра ва банд шаклидаги тақорорлари мавжуд, яъни шеър бошида келган мисра ёки банд шеър охирида тақорор қўлланган. Бундай тақорорлар оддий қайтаришлар бўлмай, услубий вазифа бажаришга хизмат қилган.

Шоирнинг “Нурхонни йўқлаб...”, “Богимнинг чечаклари”, “Байрам қўшиклари”, “Денгиз тинчимади – биз тинчимадик”, “Пушкин уйида”, “Шундоғам севаманки...”, “Хаттоки”, “Тупроқ тўғрисида”, “Чимилдик”, “Бу ўша...” каби шеърларида мисра тақорорлари; “Опоқи”, “Шароб”, “Мен сени ...”, “Розиман, ризоман,

<sup>1</sup> Хожиахмедов А. Мумтоз бадиинят малоҳати. – Т.: «Шарқ», 1999. – Б. 109.

<sup>2</sup> Исҳоқов Ё. Келтирилган мақола. – Б. 77.

<sup>3</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Т.: ТДПУ, 2001. – Б. 98.

ўла-ўлгунча”, “Ўтпаст сингари ...”, “Ана боғлар”, “Кўл бўйида” каби шеърларида банд тақорлари ҳалқани юзага келтирган.

Миртемир “Тупроқ тўғрисида” шеъри дастлабки мисрасини ҳалқа тақори сифатида шеърнинг ўргасида ва хирида тақорор кўллади.

Дастлабки банд:

*Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!*  
\* \* \*

*Не-не одам шу тупроқда ётибди беном,  
Навоий ҳам шу тупроқда олмоқда ором.  
Тенгсиз бир мамлакатнинг энг ардоқлиги,  
Тенгсиз бир мамлакатнинг вақти чоғлиги,  
Наинки мамлакат, юз ажоддод фахри,  
На ажоддод, на авлод, одамзод фахри.* (II. 156)

Охирги банд:

*Зангладиму сог қолдим  
Ва асримдан баҳтим улушин олдим.  
Аслида темир ҳам тупроқдан-да,  
Темирдаги шу жён сир ҳам тупроқдан-да!*  
\* \* \*

*Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!* (II. 157)

Бунда тақорланувчи мисра *Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!* мисраси бўлиб, бу шеър бошида тезис фикр сифатида алоҳида ажратиб берилган ва шеър ўргасида ҳамда охирида тақорор келиб, шеърнинг бир бутунлигини таъминлаган. Бу эса шу тупроқнинг, она заминнинг бебаҳолигини, шу она-Ватаннинг муқаддаслигини ифодаловчи ҳикмат. Шоир шеър гоясини шу мисрага сингирган. Бунда *тупроқ* сўзи кенг маънода кўлланиб, бадиий концепт даражасига кўтаришган. Шеър мисраларида она-юрт, она-Ватан маъноларини ифодалаган. Мисранинг шеър охиридаги тақори мисралардаги фикрларни таъкидлайди. Шунингдек, шеърда анафора, ассонанс, аллитерация каби бир қанча тақорор усуслари маҳорат билан кўлланиб, шеърга ўзгача рух бахш этган.

Шунга ўхшаш тақорор шоирнинг “Шундогам севаманки...” шеърида ҳам мавжуд. Шоир *Шундогам севаманки...* мисрасини ҳалқа тақори сифатида кўллаган. Шеърда лирик қаҳрамоннинг Фарғонага бўлган муҳаббати улуғланган. Беш банддан иборат шеърнинг ҳар бир банди *Шундогам севаманки сени, Фарғонагинам!*

мисраси билан бошланган ҳамда шеър охирида тақорор кўлланиб, ҳалқа тақорорини юзага келтирган. Бу эса Ватанга бўлган муҳаббатни ҳар бир бандда қайта-қайта таъкидлашдан иборат ва шеърдаги асосий “юк”ни ушбу тақорорланувчи мисра ташиёди.

Дастлабки банд: *Шундогам севаманки,  
Сени, Фарғонагинам!*

*Не билай, борми ўзи  
Бў оламда ўҳшашинг?*

*Асл тупроқ, қуттулуг юрт-  
Сўлим, дилрабо, шинам,  
Жондай азиз, азалдан,  
Ардоқли меҳнаткашинг...* (II. 145)

Охирги банд: *Шундогам севаманки,  
Сени, Фарғонагинам!*

*Сен замонлар қалбида  
Шўх қўшиқ, жаранг нидо.*

*Етти иқлим тоғида  
Эй гавҳар донагинам,  
Кўзим қарогидасан,  
Не жон – жонлар ҳам фидо...* (II. 146)

\* \* \*

*Шундогам севаманки...*

Ҳар бир бандда ифодаланган фикр шеър охирида умумлаштирилган. Шеър охиридаги “Шундогам севаманки...” мисрасининг алоҳида ҳолда тақорор келиши уларнинг бир бутунлигини таъминлаган.

Миртемир шеърларида ҳар бир элемент ўз ўрнида кўлланган. Унинг баъзи шеърларида мисралар охирида турли хил лексик ва аффиксал элементлар кўшилиб келади. Бу ҳам шеърнинг ўзига хос оҳанги билан юзага келган. Ушбу шеърда ҳам мисра тақорор билан бирга -гина кўшимчасининг тақорор келиши кузатиладики, бу ўзига хос шаклда кўлланиб, услубий вазифа бажарган ҳамда мисра тақорорига кўшимча услубий маъно юклаган:

*Шундогам севаманки,  
Сени, Фарғонагинам  
Баҳор баҳра олгудай  
Тансиқ, ўтлуг нафасинг.*

*Паридай тиниққинам,  
Тенгсиз жононагинам  
Тонгги тушдай фусункор  
Сен түкимши атласинг...* (II. 145)

Шоирнинг Фарғонага бўлган муҳаббати, меҳри тақрор мисраларда тақрор-тақрор таъкидланган. Бунда *Фарғонагинам* сўзида -*гина* кўшимчаси билан боғлиқ ўзгача услубий маъно мавжуд. *Фарғона* номи ва унинг таркибидағи -*гина* кўшимчаси илиқ меҳни, яқинликни, дилдан чиқадиган эъзозни тақрор-тақрор таъкидлаган. Шунингдек, -*гина*, ҳамда 1-шахс эгалик кўшимчаси *тиниққинам*, *жононагинам* сўзларида ҳам ўзига хос шаклда қўлланиб, маъненинг янада таъсири ифодаланишига хизмат қилган. Бу кўшимчага “Ўзбек тили грамматикаси”да куйидагича таъриф берилган: “-гина (-қина, -қина) юкламаси: а) мустакил сўзлар (от, сифат, олмош, сон, феъл, равиш ва айрим феъл формалари ҳамда айрим кўмакчилар) билан, туфайли, учун ва шу кабилардан сўнг келиб, айриб кўрсатиш, чегаралаш маъноларини билдиради; б) предмет ёки ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлардан сўнг келиб, предмет ёки ҳаракат белгисини айриб кўрсатиш билан бирга, ўша белгида камликни, кучсизликни ҳам ифодалайди”.<sup>1</sup> Шеърдаги *Фарғонагинам*, *жононагинам* сўзларида эркалаш кўшимчаси бўлиб келган бўлса, *тиниққинам* сўзида сифатнинг озайтирма даражаси шаклида қўлланган.

Миртемир ўз шеърларида ҳалқа тақрори сифатида шеър охирида байт ва бандларни тақрор қўллаб, уларга маълум услубий маъно юклаган. Шоирнинг “Опоқи” шеърида ҳам шундай тақрорлардан бири кузатилади. Бунда шеърнинг дастлабки икки мисраси шеър охирида тақрор келган. Шеърнинг биринчи банди куйидаги икки мисрадан иборат:

*Ха, қайтиб келмасин у оғир палла,  
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла... (II. 51)*

Шеърнинг асосий ғояси шу икки мисрага сингдирилган. Унда бир қишлоқ ўсмирининг бошидан кечирганлари тасвирланган. Шеър охирида дастлабки мисраларнинг тақрорланиши байт маъносининг янада таъсиранроқ бўлишига хизмат қилган, яъни шоирнинг тилга олинаётган ҳолатнинг яна тақрорланмаслиги ҳақидаги истаги тақрор воситасида таъкидлаб кўрсатилган:

*Ха, қайтиб келмасин бадбахт у палла,  
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла. (II. 53)*

Ушбу тақрорий бандга эътибор қилсан, шеър бошидаги бандда уруш йиллари оғир палла деб тилга олинган бўлса, шеър охиридаги тақрорда *бадбахт палла* деб ифодаланган. Албатта, бунда *оғир* сўзига нисбатан *бадбахт* сўзи кучли салбий бўёқдорликка ва таъсиранликка эга эканлигини кўришимиз мумкин. Дастлабки бандда қўлланган *оғир* сўзи кўчма маънода қўлланиб, *машақатли*, *уқубатли*, *азобли* маъноларини ифодалаган бўлса, шеър охирида қўлланган байтдаги *бадбахт* сўзи уруш йилларини энг баҳтсиз йиллар сифатида изохлаган. Бу сўз тақрор қўлланган охирги байтнинг таъсиранлик кучини оширишга хизмат қилган.

Миртемир шеъриятида шеър бошида келган банднинг шеър охирида тақрорланиб келиши ҳам кўплаб кузатилади. Маълумки, банд тақрорида мисра ёки байт тақрорига нисбатан кенгроқ маъно ифодаланади. Жумладан, “Ўтпарат сингари...” шеърида шундай тақрор қўлланган.

Дастлабки банд:

*Қўклам, ёшлигимдай ардоқлим, шўхим,  
Ҳар йили, ҳар йили интизорингман.  
Лоладан аланга, гуллардан чўгим,  
Ўтпарат сингари бекарорингман. (II. 15)*

Охиригни банд:

*Қўклам, ёшлик каби тансигим, шўхим,  
Ҳар йили ошику интизорингман.  
Лоладан аланга, гуллардан чўгим,  
Ўтпарат сингари бекарорингман. (II. 15)*

Шеърда баҳорнинг келиши инсон ёшлигига қиёс қилинган. Бу фикр кейинги мисраларда ривожлантирилиб, шеър охирида дастлабки банд тақрори асосида умумлаштирилган. Тақрорий бандда лирик қаҳрамон баҳорни ҳар йили соғиниб кутиши, *ўтпарат* (ўтни худо деб билувчи, ўтга сигинувчи) сингари бекарорлиги таъкидланган. Шоир шеъриятида шеър бошидаги мисра ёки банднинг шеър охирида ўзгариб тақрорланиши ҳам кузатилади. Бу эса тақрорланувчи бирликнинг дастлабки қўлланишига нисбатан кучлироқ таъсиранликка эга бўлади. Жумладан, адабининг *Розиман, ризоман, ўла-ўлгунча* мисраси билан бошланувчи шеърида ҳалқани банд тақрори хосил қилган бўлиб, дастлабки банд шеър

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси: 2 жилли / F. Абдураҳмонов, Ш. Шовабдураҳмонов, А. Ҳожиевлар таҳрири остида. - Т.: “Фан”, 1975. - 1-жилд. - Б. 580.

охирида ўзгариб тақрорланган. Бу банд шеър бошида қуйидаги шаклда келган:

*Розиман, ризоман, ўла-ўлгунча  
Халқим деб ўлдим.*

*Халқим нима бўлса, мен ўша бўлдим,  
Юрагим, бўғима, ўртанима бунч!*

(II. 369)

Шеърда лирик қаҳрамоннинг халқ дарди билан яшаши, халқи учун ўлимга ҳам тайёр эканлиги ифодаланган. Бу фикрлар шеър бошидаги дастлабки банддаёқ ўз ифодасини топган. Ушбу банд шеър охирида ўзгарган ҳолда тақрорланган. Охирги бандда маъно таъсирчанлиги кучлироқ бўлиб, дастлабки банддаги фикрлар таъкидланган ва хуласаланган:

*Халқим етагида етдим вояга,  
Халқ билан кулдим.*

*Бардошим сўз бермас, дейман, қояга...  
Розиман, ўлгунча халқим деб ўлдим.*

(II. 369)

Ушбу тақрор бандда нафақат халқ дарди билан яшаш, балки халқнинг ғамхўрлиги, етагида улғайиб-ўсиш, халқ билан қисмати яқдиллиги, халқидан миннатдорлик хисси ҳам мавжуд.

Кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, Миртемир халқа тақрорининг икки хил туридан фойдаланган: 1) шеър бошида келган мисра ёки банд шеър охирида қайтирилган; 2) шеър бошида келган мисра ёки банд шеър ўргасида бир ёки бир неча ўринда ва охирида қайтирилган ҳамда қуйидагича услубий вазифа бажарган:

— Миртемир шеърларида халқа шеър бошида айтилган фикрни матнда бир бутунлик тарзида ўраб ифодалаган;

— халқа усулида матн ўргасидаги биринчи тақрор мисра ўзидан аввалги мисраларни ўзига тортади, жалб қиласи, ўзидан олдинги мисралар маъносининг ҳосиласи тарзида намоён бўлади, матн ўргасидаги иккинчи тақрор эса ўзидан кейинги мисраларни мазмун жиҳатдан ўзига тортиб уюштиради. Шоир шеърларида халқа тақрори бошқа тақрорлардан фарқли равишда шеърдаги ҳизмат умумий гояни, маънони бир бутунликда ифодалашга кильган;

— биринчи ва иккинчи тақрор оралиғидаги мисралар ҳар иккала тақрор мисралар томонидан қуршовга олинган ва матний бутунликни таъминлаган;

— халқа тақорида товуш ёки сўз тақорига нисбатан кенгроқ маъно ифодаланган. Шеърнинг дастлабки мисраларида шоир

айтмоқчи бўлган фикр шеър охирида таъкидланган, янада таъсирила ва теранроқ намоён бўлган;

— шеър бошида бирор фикр айтилиб, ҳалқа тақрори воситасида шу фикр ривожлантирилган, шеър охирида яна шу фикрга қайтилган;

— ҳалқа тақрори шоир шеърларида ўзгармасдан, яни шеър бошида қандай бўлса шундайлигича ва ўзгариб тақрорланган. Ҳалқа тақрорининг ўзгариб тақрорланишида шеър бошидаги мисра ёки банднинг шеър охирида маълум сўз ва сўз бирималарида ўзгариш юзага келган бўлиб, бу муайян маъновий-услубий вазифани бажариш мақсадида амалга оширилган.

### 2.3. Тарди акс

Тақрорнинг кўринишларидан бири тарди аксdir. Бу тақрор бадиий санъатларга оид манбаларда *акс*, *табдил*, *тарду акс* каби номлар билан ҳам юритилган. Ё.Исҳоков мумтоз поэтикага доир қўлланмаларнинг кўлчилигига бу санъатнинг номи *акс* шаклида учрашини, А.Навоий уни *тарди акс* деб атаганини, “Фиёс-ул лугат”да *акс ва тард* деб аталишини, айрим манбаларда эса *табдил* деб номланганини таъкидлайди<sup>1</sup>. Атоуллоҳ Ҳусайнини бу тақрор ҳакида фикр билдирав экан: “Ани “табдил” ҳам дерлар, баъзилар “тарду акс” дерлар. Ул андин ибораттурким, каломнинг бир бўлагин иккинчи бир бўлагининг олдига кўярлар, сўнгра анинг аксин килурлар, биринчи бўлакнинг ўрнини иккинчисини билан алмаштирурлар”<sup>2</sup>, дейди.

Тарди аксни Атоуллоҳ Ҳусайнини акс санъати деб номлаган. Бу тақрор буғунги кунда поэтикага доир манбаларда *тарди акс* ва *тарду акс* каби икки хил номланиб, *тарди акс* изофали шакл бўлиб, *тарду акс* эса *тард ва акс* маъносини беради. Демак, бу икки хил номланишдан, бизнингча, изофали қўлланиш маъкул бўлиб, бунда *тескари алмаштириш* маъноси аникроқ акс этади. Манбаларда *Тарди акс* тақрорининг номланиши қуйидагича акс этган: “Табдил” – алмаштириш. “Тард” Атоуллоҳ Ҳусайнининг таърифига кўра, лугатта юрутмоқ, кувмоктур ва акс тескари

<sup>1</sup> Исҳоков Ё. Тарди акс // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – 6-сон. – Б. 81.

<sup>2</sup> Ҳусайн Атоуллоҳ. Бадойиъ-с-саноий / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – Б. 76.

құлмоктур. Бу санъатта каломни ўзига хос бир тартибда юрутуб, яна тескари қылғанлари учун анга тарду акс деб ном берилгүрлар”<sup>1</sup>.

Ёкubжон Исхоков бу санъатни *тарди акс*<sup>2</sup> деб номлаган. Т.Бобоев, З.Бобоевалар хамда А.Хожиахмедов *тарду акс*<sup>3</sup> деб юритишни лозим топғанлар. Кўриниб турибдики, бу такрорнинг номланиши турлича бўлиб, бу номланишларнинг барчаси бир тушунчага қаратилган бўлса-да, улар ўргасида фарқли томонлар мавжуд.

*Тарди акс* арабчада қайтариш, алмаштириш, ўзгартириш маъноларини билдиради. У сўз ёки сўз бирикмасининг шу мисранинг ўзида, байтда ёки бандда тескари такрорлаш санъатидир. Буни Ё.Исхоковнинг қуйидаги фикрларида яққол кўришимиз мумкин: “Биз бу тасвирий воситани тушунтиришда Навоий фойдаланган истилоҳни кўллаш тарафдоримиз. Чунки ана шу термин зикр этилаётган санъат моҳиятини тўлиқроқ ифода этади: “акс” умуман “тескари, чапта” деган маънени билдирса, “тарди акс” сўзларни, уларнинг тартибини ўзгартирган ҳолда қайтариш, такрорлаш демакдир”<sup>4</sup>.

Поэтикага оид манбаларнинг кўпчилигига *тарди акс* такрори ўзбек мумтоз шеърияти мисолида таҳлил қилинган. Ваҳоланки, бу поэтик восита ҳозирги замон шеъриятида ҳам фаол қўлланиб, турли маъно оттенкаларини ифодалаб келмокда. Бу ҳақда Ё.Исхоков шундай ёзади: “Тарди акс шеърда муайян мақсадни образли-эмоционал ифодалаш ва ранг-баранг маъно оттенкалари ҳосил қилиш учун қулай имкониятлар яратувчи поэтик воситалардан биридир. Бинобарин, бу санъатнинг мумтоз поэтикага доир асарларда фақат “лафзий санъатлар” доирасига киритилиши адолатдан эмас. Бизнингча, тарди акс ҳам лафзий (мутаҳодий қисми), ҳам маънавий (мужхрий қисми) санъатларга дахлдор бўлиб, ўзбек замонавий шеъриятида ҳам ўз функциясини адо этиши мумкин”<sup>5</sup>.

*Тарди акс* такрорнинг бошқа турларидан алоҳида ажralиб туради. Ўзига хос мураккабликка эга. Чунки бунда такрор тўғридан-тўғри эмас, балки, талабга кўра текари ҳолда такрорниши керак. Бунда баъзан маъно бўрттирилиб, кучайтирилиб ёки таъкидланиб келса, баъзан янги маъно ифодаланади.

<sup>1</sup> Хусайний Атоуллоҳ. Ўша асар. – Б. 79.

<sup>2</sup> Исхоков Е. Тарди акс // Ўзбек тили ва адабиёти. – Ташкент, 1971. – 6-сон. – Б. 82-83.

<sup>3</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. – Т.: ТДГУ, 2004. – Б. 98-100; Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадийят малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 89-93.

<sup>4</sup> Исхоков Е. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: “Зарқалым”, 2006. – Б. 77.

<sup>5</sup> Исхоков Е. Ўша асар. – Б. 80.

Бу санъат ҳақида В.Рахмонов фикр билдирадар экан: “Бу санъатнинг нозик томони шундаки, шоир деярли бир-бирига даҳлдор икки сўзни икки мисрада, икки комбинацияга солиб, на тақрорни сездиради, на маънони кучсизлантиради”<sup>1</sup>, – дейди.

*Тарди акс* тақрорини мисра ёки бандда тақрор келиши, маъносининг ўзгариб тақрорланиши, адо этаётган услубий вазифасига кўра турлича гурухлаш мумкин. Бу каби хусусиятлар талантли шоир Миртемир шеъриятидаги *тарди аксга* ҳам тааллуклидир.

Миртемир шеъриятида *тарди акс* тақрори турли тил бирликлари асосида юзага келган:

1. Тарди акс тақрорини ҳосил қилувчи лисоний бирликлар, асосан, сўз шаклида бўлиб, бундай тақрорларни шоирнинг “Кўзи”, “Кўнглим”, “Сув ва сулув”, “Қарқаралик”, “Қор кўмсан”, “Наҳан”, “Тарсаки” каби кўплаб шеърларида учратамиз. Бу шеърларда бирор сўзниң тескари тақрори асосида тарди акс юзага келган. Масалан, шоирнинг “Сув ва сулув” шеърида сув ва сулув сўзлари тарди аксни ҳосил қилган:

Ташналаб гўза шув-шув  
Барг силкиб, тичирлашар,  
Бир-бирига иноқ-ку,  
Имлашар ва сирлашар:  
Сув – сулувдан сулувроқ,  
Сулув – сувдан сулувроқ ...

(П. 87)

Шеър икки банд (ҳар бир банди 18 мисра)дан иборат бўлиб, ҳар иккала банд охирида Сув – сулувдан сулувроқ, Сулув – сувдан сулувроқ мисралари тақрор келган. Бу тақрор мисраларда сув ва сулув сўзлари *тарди акс* шаклида тақрорланган. Шеърдаги нақарот мисралар шоир томонидан ижод қилинган нафис бадиий топилма дейиш мумкин.

Бу мисралар шеърда икки марта нақарот бўлиб келган. Уларда товуш ва сўз тақрорлари, ўҳшатиш ўзига хос шаклда қўлланган. Шунингдек, мисралардаги тўлиқ оҳангдошлиқ тарсий санъатини ҳам юзага келтирган. Шеърнинг асосий мазмуни шу мисраларга юқлатилган. Пахтазор даланинг жаннатдай барқ уриши сув ва сулувга боғлик. Сув ва сулув бир-биридан гўзал. Бу гўзаллик сувнинг ҳаёт рамзи эканлиги бўлса, сулувнинг меҳнатидир.

<sup>1</sup> Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Лениннобод, 1972. – Б. 99.

Сувга чанқоқ бўлган пахтазор дала тупроғи учун сувчи қиз билан бу тупроқ чанқогини қондирувчи сув бир хилда сулувдир. Шоир такрорни кўллашда қиёсий ифодалаш усулидан фойдаланган. Шеърдаги бундай қиёсий ифодалаш бу сўзлардаги услубий маънони кучайтирган. Бундай такрордан шу нарса аёнки, бепоён далани экинзорга айлантирган қиз – сулув, гўзал. Шу билан бирга, бу экинзор учун сув ҳам сулув, ҳатто қиздан ҳам сулув. Чунки пахтазор сувга чанқоқ, муштоқ, шунингдек, сув эгаси – сувчи қиз сулув бўлган сувдан ҳам сулувроқ.

Аммо бундай қиёсий алмаштириш орқали сув ҳам, сувчи қиз ҳам гўзал, сулувдир, деган фикр олдинга сурилади. Шоир сувчи қиз таърифида чиройли, гўзал, гулоз каби сўзлардан фойдаланиши мумкин эди. Бунга икки ҳолат йўл қўймаган: 1) унда тарди акснинг бузилиши; 2) с товушининг такроридан юзага келган фонетик уйғунлик. Демак, мисралардаги гўзал ва нафис тасвир икки бадий санъатнинг баравар кўлланишидан юзага келган.

2. Миртемир шеъриятида *тарди акс* сўз ва сўз биримларининг ўзаро қайтарилиши асосида ҳам юзага келган. Шоирнинг “Тонг таронаси”, “Бахт” каби сочма шеърларида шундай такрорлар мавжуд. “Тонг таронаси” сочмасида шоир буни қўйидагича ифодалайди:

Энди у даврлар йўқ!

Манхус йиллар битди!..

Коронзи кечалар ботди йўқлиққа!

Ботди – коронзи кечалар, қора йиллар!.. чиндан отди тонг –  
мангу у! (I.29)

Бандда ботди сўзи билан қоронзи кечалар сўз биримаси *тарди аксни* ҳосил қилган. Шунингдек, бу сўзлар истиорани ҳам шакллантирган. Қоронзи кечалар – бу зулмга асосланган ўтмиш. Ўтмишдаги маълум бир ноҳақликлар хукм сурган давр. Унинг юзага келтирган бирликлар кўчма маънода кўлланган. Яъни қоронзи кечалар халқнинг маълум тазийкларга дуч келган даври бўлса, ботиш унинг барҳам топишидир.

Миртемирнинг “Қимиз” шеърида *тарди акс* поэтик усули қуйидагича мураккаброқ кўринишда юзага келган:

Гап ўша қизда эмас, гап анави қимизда,

Ўн саккиз яшаримда илк бор ўтгандай мастман.

*Гап ўша қимиздами, йўқ, ўша сулув қизда,  
Наинки маст, дев каби норгулман, забардастман. (II. 28)*

Шеърда қимиз ва қиз образлари яратилган ва бу образлар қиёсий ифодаланган. Қаҳрамонни маст қилган қимиз ва мафтун килган сулув қиз. Банднинг биринчи мисрасида келган ўша қиз ва анави қимиз сўз биримларни учинчи мисрада ўша қимиздами, ўша сулув қизда шаклида тарди акснинг ўзгариб такрорланишини ҳосил қилган.

Миртемир шеъриятида тарди аксни юзага келтирувчи бирликлар турлича бўлиши билан бирга, уларнинг шеър мисраларида такрорланиш ўрни ҳам ҳар хил. Шоир шеъриятида тарди акс бир мисрада ва мисраларро юзага келган. Шоирнинг “Ҳам посевной ҳам васл” шеърида тарди акс бир мисрада юзага келган бўлса, “Қимиз”, “Наҳанг”, “Тонг таронаси”, “Қўзи”, “Тарсаки”, “Қор қўмсанш”, “Қарқаралик”, “Қўнгил”, “Сув ва сулув” шеърларида бундай такрорлар мисраларро кўлланган.

Шоирнинг “Тарсаки” шеърида босар баъзан тошдай зил жимлик жумласи харсанг тошдай жимлик босар шаклида такрор кўлланган:

*Тирик етим... Қандай оғир тирик етимлик!*

*Балки бундоқ ўксимасди онаси бўлса,*

*Шу сабабдан босар баъзан тошдай зил жимлик*

*Харсанг тошдай жимлик босар, лекин бу – ўтмиш...*

(II. 54)

Кўриниб турибдик, такрор кўлланишда маъно таъсирчанлиги кучлироқ ифодаланган. Бола учун етимлик жуда оғир. Унинг кўнгли ёришмайди. Буни келтирилган банднинг учинчи мисрасида тошдай зил жимлик босиши билан ифодалаган бўлса, тўртингчи мисрада тошдай зил жимлик тушунчasi харсанг тошдай жимлик эмас, шаклида акс этган. Яъни, бу одатдаги тошнинг оғирлиги эмас, харсанг – энг катта ва энг оғир тошнинг босишидек сукунат. Демак, такрор кўлланишда образли-эмоционал ифода юзага келган. Бунда эса такрорланувчи бирликлар, одатдагидек, икки сўздан иборат бўлмай, иккidan ортиқ кўлланиши ҳам маъно таъсирчанлигининг ошишини таъминлаган.

Тарди акс такрорини ҳосил қилувчи бирликлар, одатда, ёндош сўз ёки биримларнинг ўрин алмасиб келиши асосида ҳосил бўлади. Шунингдек, баъзан мисранинг турли ўринларида сўзлар тарди акс такрорини ҳам ҳосил қилиши мумкин. Бу эса

ижодкорнинг сўзни кўллай олиш маҳоратидан келиб чиккан ҳолда амалга ошади. В.Рахмонов анъанавий тарди акслар ҳамиша ёндош сўзларнинг ўрин алмашиби жараёни билан характерланса, кейинчалик бу талабга ижодий ёндашган муаллифлар тарди акс кўрсаткичлари ўрнини мисрада эркин қилиб кўйишни одат тусига киритишиганини таъкидлади<sup>1</sup>.

*Тарди акс тақорорида тақорорланувчи бирликлар ўзгариб тақорорланиши ёки ўзгармасдан тақорорланиши мумкин. Тарди акс томм (тўлиқ акс), ўзгарган ҳолда тақорорланиши эса акси ноқис (нуксонли акс) дейилади. Миртемирнинг “Тонг таронаси”, “Бахт”, “Кўзи”, “Наҳанг” шеърларида акси томм тақорор мавжуд бўлса, “Тарсаки”, “Сув ва сулув”, “Қарқаралик”, “Кўнгил”, “Қимиз”, “Қор кўмсанш” шеърларида акси ноқис тақорор учрайди. Шоирнинг “Кўнглим” шеърида жийдаш ва кўнгил сўзлари билан боғлик тақорор мавжуд бўлиб, бу сўзлар тақорор кўлланганда ўзгарган ҳолда кўлланиб, акси ноқис тақорорини юзага келтирган:*

Селдан кейин ҳар гал ўша камалак,  
Селдан кейин ҳар гал ярқирар фалак,  
Селдан кейин ҳар гал тушади тогдан  
Сочлари жингалак, ўша шўх малак..  
Тогдан тушимай қолса, ёнаман гашда,  
Жийдаш кўнглимдадир,

*Кўнглим Жийдаша...* (II. 91)

Тўрт банддан иборат “Кўнглим” шеърида тақорорнинг бир неча шакллари мавжуд бўлиб, ҳар бир банд охирида қайд этилган Жийдаш кўнглимдадир бирикмаси тарди акс тақорорини юзага келтирган. Бу содда гап шаклида бўлиб, унинг тақорор кўлланишида ҳам шундай шакл сакланган. Тақорор восита лирик қаҳрамон қалбининг Жийдашга боғлиқлигини таъсирили ифодалаган. Шунингдек, ушбу тақорор бир мисранинг ўзида ҳосил бўлган. Бу эса шеърдаги асосий фикр шу мисрага сингдирилганлигидан далолатдир. Тақорор бирикманинг ҳар бир банд охирида қайта-қайта тилга олининиши лирик қаҳрамон туйгуларининг қатъийлиги, мазмун экспрессивлигини янада оширган.

Хулоса қилиб айтганда, Миртемир шеъриятида тарди акс бир мисрада ёки мисралараро қайтарилган ҳамда ўзгармаган ҳолда ва

ўзгариб тақорорланган. Шоир шеърларида тарди акс ёндош ва мисранинг турли қисмларида тақорор ҳосил қилиб, маънени таъкидлаб келган, аввалги фикрга сездиrmай қайтиш жараёнида мушоҳадани сезгилаштириш каби муҳим вазифаларни бажарган.

#### 2.4. Мисра ва банд тақорори

Н.Афокова: “Абдулла Орипов шеърларида энг кўп учрайдиган яна бир бадиий санъат мисра тақороридир. Худди ана шу ходисага мос тушадиган “радду-л матлаъ” истилохи факат ғазал ва қасидага хослиги ва Абдулла Орипов шеърларида учрайдиган ҳамма мисра тақорорлари ҳам ушбу истилоҳ таърифига тўла мос келмаслигини ҳисобга олиб, биз русча “рефрен” деб аталган ходисани “мисра тақорори” деб атадик”<sup>1</sup>, – деб ёzádi. Дарҳақиқат, бу тақорор замонавий шоирларнинг шеърларида кўплаб учрайди. Бундай тақорорлар ҳалқа тақороридан фарқ қилиб, шеърнинг турли қисмларида тақорор келиши мумкин. Ҳалқа тақорорида эса, албатта, шеър бошидаги мисра ёки банд шеър охирида тақорорланиши лозим, шунингдек, шеърнинг бошқа қисмларида тақорор келиши мумкин. Шунинг учун шеърнинг турли ўринларида тақорор келувчи мисра ва банд тақорорларини ҳалқа тақороридан фарқлаб, алоҳида ўрганишини лозим топдик. Бунга нақаротлар, рефрен мисралар, шеърнинг турли қисмларида мисра ва бандларнинг тақорорланиши киради. “Ўзбек қисмларида мисра ва бандларнинг тақорорланиши киради. “Ўзбек тилида сўзларнинг, шунингдек, сўздан кўра каттароқ структура ва мазмунга эга бўлган бирликларнинг тақорор ҳолда кўлланиши жуда кўп учрайдиган ходиса. Лекин бундай тақорорлар ифодалайдиган маънолар, улар бажарадиган вазифалар бир хил эмас”<sup>2</sup>.

Тақорорнинг мисра ва банд ҳолидаги қайтарилиши Миртемир шеъриятида ҳам жуда кўплаб учрайди. Миртемир бундай тақорор-шеъриятида ҳам жуда кўплаб учрайди.

<sup>1</sup> Афокова Н.М. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 12.

<sup>2</sup> Абдураҳмонов Х. Макол ва маталларда тақорор компонентларнинг кўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – З-сон. – Б. 60.

<sup>1</sup> Рахмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, – 1972. – Б. 100.

ижодкорнинг сўзни кўллай олиш маҳоратидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошади. В.Раҳмонов анъанавий тарди акслар ҳамиша ёндош сўзларнинг ўрин алмашиши жараёни билан характерланса, кейинчалик бу талабга ижодий ёндашган муаллифлар тарди акс кўрсаткичлари ўрнини мисрада эркин қилиб кўйишни одат тусига киритишганини таъкидлайди<sup>1</sup>.

*Тарди акс* такоррида такорланувчи бирликлар ўзгариб такорланиши ёки ўзгармасдан такорланиши мумкин. Тарди акс такоррида бундай бирликларнинг ўзгармай такорланиши *акси томм* (тўлик акс), ўзгарган ҳолда такорланиши эса *акси ноқис* (нуксонли акс) дейилади. Миртемирнинг “Тонг таронаси”, “Бахт”, “Қўзи”, “Наҳанг” шеърларида *акси томм* такорри мавжуд бўлса, “Тарсаки”, “Сув ва сулув”, “Қарқаралик”, “Қўнгил”, “Қимиз”, “Қор кўмсанш” шеърларида *акси ноқис* такорри учрайди. Шоирнинг “Кўнглим” шеърида *жийдаш* ва *кўнгил* сўzlари билан боғлиқ такор мавжуд бўлиб, бу сўzlар такорор кўлланганда ўзгарган ҳолда кўлланиб, *акси ноқис* такорини юзага келтирган:

Селдан кейин ҳар гал ўша камалак,  
Селдан кейин ҳар гал ярқирар фалак,  
Селдан кейин ҳар гал тушади тоздан  
Сочлари жиснгалақ, ўша шўх малак...  
Тоздан тушмай қолса, ёнаман гашда,  
Жийдаш кўнглимдадир,

*Кўнглим Жийдашда...* (II. 91)

Тўрт банддан иборат “Кўнглим” шеърида такорнинг бир неча шакллари мавжуд бўлиб, ҳар бир банд охирида қайд этилган *Жийдаш* кўнглимдадир бирикмаси тарди акс такорини юзага келтирган. Бу содда гап шаклида бўлиб, унинг такорор кўлланишида ҳам шундай шакл сакланган. Такорор восита лирик қаҳрамон қалбининг Жийдашга боғлиқлигини таъсирили ифодалаган. Шунингдек, ушбу такорор бир мисранинг ўзида ҳосил бўлган. Бу эса шеърдаги асосий фикр шу мисрага сингдирилганлигидан далолатdir. Такорор бирикманинг ҳар бир банд охирида қайта-қайта тилга олиниши лирик қаҳрамон туйгуларининг қатъийлиги, событлигини таъкидлашга хизмат қилиб, шеър мисраларидағи мазмун экспрессивлигини янада оширган.

Хулоса қилиб айтганда, Миртемир шеъриятида тарди акс бир мисрада ёки мисралараро қайтарилган ҳамда ўзгармаган ҳолда ва

ўзгариб такорланган. Шоир шеърларида тарди акс ёндош ва мисранинг турли қисмларида такорор ҳосил қилиб, маънони таъкидлаб келган, аввалги фикрга сездирмай қайтиш жараёнида мушоҳадани сезгираштириш каби муҳим вазифаларни бажарган.

## 2.4. Мисра ва банд такорори

Н.Афоқова: “Абдулла Орипов шеърларида энг кўп учрайдиган яна бир бадиий санъат мисра такороридир. Худди ана шу ҳодисага мос тушадиган “радду-л матлаъ” истилоҳи фақат ғазал ва қасидага ҳослиги ва Абдулла Орипов шеърларида учрайдиган ҳамма мисра такорорлари ҳам ушбу истилоҳ таърифига тўла мос келмаслигини ҳисобга олиб, биз русча “рефрен” деб аталган ҳодисани “мисра такорори” деб атадик”<sup>1</sup>, – деб ёзди. Дарҳақиқат, бу такорор замонавий шоирларнинг шеърларида кўплаб учрайди. Бундай такорорлар ҳалқа такороридан фарқ қилиб, шеърнинг турли қисмларида такорор келиши мумкин. Ҳалқа такорорида эса, албатта, шеър бошидаги мисра ёки банд шеър охирида такорланиши лозим, шунингдек, шеърнинг бошқа қисмларида такорор келиши мумкин. Шунинг учун шеърнинг турли ўринларида такорор келувчи мисра ва банд такорорларини ҳалқа такороридан фарқлаб, алоҳида ўрганишни лозим топдик. Бунга нақаротлар, рефрен мисралар, шеърнинг турли қисмларида мисра ва бандларнинг такорланиши киради. “Ўзбек тилида сўзларнинг, шунингдек, сўздан кўра каттароқ структура ва мазмунга эга бўлган бирликларнинг такорор ҳолда кўлланиши жуда кўп учрайдиган ҳодиса. Лекин бундай такорорлар ифодалайдиган маънолар, улар бажарадиган вазифалар бир хил эмас”<sup>2</sup>.

Такорорнинг мисра ва банд ҳолидаги қайтарилиши Миртемир шеъриятида ҳам жуда кўплаб учрайди. Миртемир бундай такорорларни “Қуёш ҳақида”, “Кўзларим йўли устида...”, “Саҳарларда”, “Мард йигит, ёринг бўлай!”, “Кўзларим йўлингда”, “Хамшира”, “Жонон”, “Ёдгор”, “Ёрим бору ёрим бор”, “Қалдирғоч”, “Йўлинг узун”, “Шундоғам севаманки”, “Бу – мен туғилган тупрок”, “Дунё бир соз кўшиқдан завқ ололсайди”, “Ўзбекистонсан”, “Бетоблигимда”, “Саратонда соябонинг бўлайин...”, “Қайдада?” каби ўнлаб

<sup>1</sup> Афоқова Н.М. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 12.

<sup>2</sup> Абдураҳмонов Х. Мақол ва маталларда такорор компонентларнинг кўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – З-сон. – Б. 60.

шөйрларида күллайди. Шоир шеъриятидаги бу каби тақрорлар эркин ҳолда ёки тизимли тақрорлар ҳосил қылган.

Миртемир шеъриятида мисра тақрорининг қуйидаги шаклари мавжуд:

- бирор банд бошидаги мисранинг шеър охирида тақрорланиши;
- бирор банд охиридаги мисранинг шеър охирида тақрорланиши;
- шеър бандининг кетма-кет икки мисраси ўзаро тақрор келиши;
- шеър бандидаги биринчи ва учинчи мисралар тақорори;
- шеър бандидаги иккинчи ва тўртинчи мисралар тақорори;
- бирор мисранинг бандлар бошида тақрор келиши;
- бирор мисранинг бандлар охирида тақрор келиши;
- бирор бандининг иккинчи мисраси банд охирида (бешинчи мисра шаклида) тақрор келиши;
- бирор банд бошидаги икки мисранинг бошқа бандлар охирида тақрор келиши;
- бирор банд охиридаги икки мисранинг бошқа банд охирида тақрор келиши;
- бирор банд охиридаги икки мисранинг шеър охирида тақрор келиши;
- шеърнинг бирор банди (асосан, тўрт мисра) шеърнинг бошқа қисмida тақрор келиши;
- шеър бирор бандининг шеър охирида тақрорланиши.

Шоир шеъриятида мисра тақорори ўзига хос услубий вазифа бажаришга хизмат қылган. Миртемир шеърияти сербўёқ, мантиқан мукаммал образли тасвирларга бой. Шоирнинг “Қалдирғоч” шеърида жуфт мисралар тақорори асосида табиат тасвири ўзгача тасвирланган. Бу шеър пейзаж лирикаси бўлиб, унда шоир кечинмалари табиат тасвири билан уйғунлашиб кетган. Шеърда баҳор фасли, кўклам тасвири ифодаланган:

Чекиз кўк токларида қалдироқ қарсиллаши...  
Қалдирғоч қайтиби-да.  
Кўклам қулоқларида кенг олам лорсиллаши...  
Қалдирғоч қайтиби-да. (II. 92)

Ушбу шеър 16 мисрадан иборат бўлиб, иккинчи мисраси тўртинчи мисра шаклида; олтинчи мисра саккизинчи мисра шаклида; ўнинчи мисра ўн иккинчи мисра шаклида; ўн тўртинчи

мисра ўн олгинчи мисра шаклида тақрор кўлланган. Шунингдек, барча тақрор мисралар ўзаро оҳангдош. Шеърда қалдирғоч қайтиши билан боғлик ҳолатлар ифодаланган. Мисралардаги мазмунни қалдирғоч қайтиши ва қалдирғоч қўшиги асослайди. Шоир баҳор келганидан хурсанд. Қалдирғоч қўшиги шоирнинг ёшлигини эслатади. Тақрор мисралар маънони таъкидлаб, шеърга умумий бир майин оҳанг багишлаган. Шеърда мисралар тақорори воситасида, биринчидан, баҳорнинг келишига ишора бўлса, иккинчидан, рамзий маъно юклаб, инсон умрининг кўклам чоги – ёшлигидан хабар бериши, ёшлигини эсга солиши назарда тутилган. Бундай фалсафий мазмун, рамзий фикр тақрор (рефрен) мисралар воситасида умумлашма ҳолда тўлақонли очиб берилган:

Эсга тушар гўдаклик – умримнинг кўклам чоги,

Қалдирғоч қўшигидан.

Эсга тушар шўхлигим – тўпалон сой қирғози,

Қалдирғоч қўшигидан.

(II. 92)

Шоирнинг “Бетоблигимда” шеъри уч банд (12 мисра)дан иборат бўлиб, ҳар бир банднинг биринчи ва учинчи мисраси Мажнунтол тагига ўтқазинг мени шаклида қайтилиб, шеър давомида олти марта тақрорланган. Бу тақрор мисралар воситасида мажнунтол образи яратилган:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Қоврилмай гашлик алангасида,

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Нафасимни ростлай кўланкасида.

(II. 228)

Миртемир ушбу шеърда мисра тақорори воситасида, биринчидан, мажнунтол образини яратган, иккинчидан, шеърнинг ғоявий мазмуни билан унинг ўқилиши ўргасида мусикий муштараклик ва ҳамоҳанглигни кашф этган. “Чинакам санъат асари ижодкорнинг шахси, тарқоқ маънода айтсак, албатта, таржимаи ҳоли билан чамбарчас боғлиқдир”<sup>1</sup>. Шеър Миртемир бетоблиги пайтларида ёзилган. Шеърда шоирнинг қалб изтироблари маҳорат билан ёритилган. Шоирнинг мажнунтол образига мурожаат этиши ҳам бежиз эмас, албатта. Мажнунтол – новдалари пастга эгилиб ўсадиган толнинг бир тури. Мажнунтол образида ғамхўр, меҳрибон, ҳамдард, саховатпеша инсонлар образини кўришимиз мумкин. Чунки шоир мажнунтол тагига ўтқазишдек эъзозга лойик бўлган.

<sup>1</sup> Халилов Т. Миртемир маҳорати. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1980. – Б. 47.

шөйрларида күллайди. Шоир шеъриятидаги бу каби такрорлар эркин ҳолда ёки тизимли такрорлар ҳосил қылган.

Миртемир шеъриятида мисра такрорининг қуйидаги шакллари мавжуд:

- бирор банд бошидаги мисранинг шеър охирида такрорланиши;
- бирор банд охиридаги мисранинг шеър охирида такрорланиши;
- шеър бандининг кетма-кет икки мисраси ўзаро такрор келиши;
- шеър бандидаги биринчи ва учинчи мисралар такрори;
- шеър бандидаги иккинчи ва тўргинчи мисралар такрори;
- бирор мисранинг бандлар бошида такрор келиши;
- бирор мисранинг бандлар охирида такрор келиши;
- бирор бандининг иккинчи мисраси банд охирида (бешинчи мисра шаклида) такрор келиши;
- бирор банд бошидаги икки мисранинг бошқа бандлар охирида такрор келиши;
- бирор банд охиридаги икки мисранинг бошқа банд охирида такрор келиши;
- бирор банд охиридаги икки мисранинг шеър охирида такрор келиши;
- шеърнинг бирор банди (асосан, тўрт мисра) шеърнинг бошқа қисмida такрор келиши;
- шеър бирор бандининг шеър охирида такрорланиши.

Шоир шеъриятида мисра такрори ўзига хос услубий вазифа бажаришга хизмат қылган. Миртемир шеърияти сербўёқ, мантиқан мукаммал образли тасвирларга бой. Шоирнинг “Қалдиғроч” шеърида жуфт мисралар такрори асосида табиат тасвири ўзгача тасвирланган. Бу шеър пейзаж лирикаси бўлиб, унда шоир кечинмалари табиат тасвири билан уйғунлашиб кетган. Шеърда баҳор фасли, кўклам тасвири ифодаланган:

Чекиз кўк тоқларидә қалдироқ қарсиллаши...

Қалдиғроч қайтибди-да.

Кўклам қучоқларидә кенг олам лорсиллаши...

Қалдиғроч қайтибди-да.

(II. 92)

Ушбу шеър 16 мисрадан иборат бўлиб, иккинчи мисраси тўргинчи мисра шаклида; олтинчи мисра саккизинчи мисра шаклида; ўнинчи мисра ўн иккинчи мисра шаклида; ўн тўргинчи

мисра ўн олгинчи мисра шаклида такрор кўлланган. Шунингдек, барча такрор мисралар ўзаро оҳангдош. Шеърда қалдиғроч қайтиши билан боғлик ҳолатлар ифодаланган. Мисралардаги мазмунни қалдиғроч қайтиши ва қалдиғроч қўшиги асослайди. Шоир баҳор келганидан хурсанд. Қалдиғроч қўшиғи шоирнинг ёшлигини эслатади. Такрор мисралар маънони таъкидлаб, шеърга умумий бир майин оҳанг бағишилаган. Шеърда мисралар такрори воситасида, биринчидан, баҳорнинг келишига ишора бўлса, иккинчидан, рамзий маъною клаб, инсон умрининг кўклам чоги – ёшлигидан хабар бериши, ёшлигини эсга солиши назарда тутилган. Бундай фалсафий мазмун, рамзий фикр такрор (рефрен) мисралар воситасида умумлашма ҳолда тўлақонли очиб берилган:

Эсга тушар гўдаклик – умримнинг кўклам чоги,  
Қалдиғроч қўшигидан.

Эсга тушар шўхлигим – тўталон сой қирғози,  
Қалдиғроч қўшигидан.

(II. 92)

Шоирнинг “Бетоблигимда” шеъри уч банд (12 мисра)дан иборат бўлиб, ҳар бир бандининг биринчи ва учинчи мисраси *Мажнунтол тагига ўтқазинг мени* шаклида қайтарилиб, шеър давомида олти марта такрорланган. Бу такрор мисралар воситасида мажнунтол образи яратилган:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қовришмай гашлик алангасида,  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Нафасимни ростлай кўлангасида.

(II. 228)

Миртемир ушбу шеърда мисра такрори воситасида, биринчидан, мажнунтол образини яратган, иккинчидан, шеърнинг ғоявий мазмуни билан унинг ўқилиши ўртасида мусиқий муштараклик ва ҳамоҳанглигни кашф этган. “Чинакам санъат асари ижодкорнинг шахси, тарқоқ маънода айтсак, албатта, таржимаи ҳоли билан чамбарчас боғлиқдир”<sup>1</sup>. Шеър Миртемир бетоблиги пайтларида ёзилган. Шеърда шоирнинг қалб изтироблари маҳорат билан ёритилган. Шоирнинг мажнунтол образига мурожаат этиши ҳам бежиз эмас, албатта. Мажнунтол – новдалари пастга эгилиб ўсадиган толнинг бир тури. Мажнунтол образида ғамхўр, меҳрибон, ҳамдард, саховатпеша инсонлар образини кўришимиз мумкин. Чунки шоир мажнунтол тагига ўтқазишдек эъзозга лойик бўлган.

<sup>1</sup> Халилов Т. Миртемир маҳорати. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1980. – Б. 47.

Миртемирнинг “Ўзим биламан...” шеърида ҳам мисра тақорори мавжуд. Бу *Битта ўзим биламан* мисраси тақороридан иборат бўлиб, тўрт банд (16 мисра)дан иборат шеърнинг ҳар бир бандининг охирида рефрен мисра шаклида тақорорланиб келган ва шеърда 4 марта тақорорланган:

*Куломидга янгар доим бир нидо,  
Хўрсинаман, кўз ёшиимни силаман.  
Шу нидога не сабабдан жон фидо –  
Битта ўзим биламан.*

\* \* \*

*Юрагимда ёнар бир ўт бетутун.  
Гўёки дер: қовураман, тиламан.  
Дош бераман нечун ҳануз мен беун –  
Битта ўзим биламан.* (II. 264)

Шеърда шоир ифодаламокчи бўлган фикр *Битта ўзим биламан* мисраси тақорорида таъкидланган. Бу мисра замирида қандайдир сир бордек. Бу сир – шоир юрагида ёнаётган ўт, туғён. Бу оловли туғёнлар сабаби шоирнинг ўзигагина маълум.

Миртемир “Навоий кўчасида” шеърида *Кулоқ сол* бу кўча саргузашига мисраси тақороридан моҳирона фойдаланган:

*Кулоқ сол бу кўча саргузашига:  
Ҳирот қалъасидан бошланур боши,  
У ёзи уланур Ироқ дашибига,  
Беш аср ёши.  
Кулоқ сол бу кўча саргузашига:  
Қўпраксиз бир ҳатлаб Жайхун белидан,  
Қовжироқ кунларнинг боқмай шаштига,  
Мареви шоҳижсаҳон – туркман элидан.* (II. 129)

Тақорор мисралар китобхон диққатини маълум бир ҳолатта торгади. Бу поёни йўқ *Навоий кўчаси*. Бу кўча саргузаши икки хил маънода кўлланган. Биринчидан, Тошкент шаҳрининг бир ёнида *уша ойнаи жсаҳон*, бир ёнида янги *Санъат саройи* жойлашган марказий кўчаларидан бири маъноси ифодаланган. Бу кўча, бу йўл бир қанча кўчалар билан тулашиб, шахримиз чиройига чирой, кўркига кўрк кўшиб турибди. Иккинчидан, *Навоий кўчаси* мажозий маънода кўлланган. Бу кўча беш асрдан келди шу замонга, у яна давом этади. Беш юз асрларга кетгуси шу тарз. Бу кўчанинг ибтидоси Ҳиротдан бошланниб қолмай, бошқа кўчалар билан ҳам туташган. Шоир у ёзи уланур Ироқ дашибига, деб, бу шеърият

кўчасининг Фузулийга уланиб кеттанига ишора қилган. *Бу кўча саргузаши* шундай улкан тарихга эга:

*Ёнлатиб ўтади кўлдан бу кўча...  
Тошкент қучогида ястанур охир,  
Бир ёнида ўша ойнаи жсаҳон,  
Кунма-кун кўркига кўрк кўшиб ҳозир,  
Ярқирап, кўчалар ичида жонон...  
Бир ёнида янги Санъат Саройи,  
Шу кўчада гўё чўнг фан, илм кучи.* (II. 129)

Шоирнинг “Сен она...” шеърида *Сен* – она мисраси тақорор кўлланиб, шу мисралар воситасида она образи яратилган. *Навоий ва Бобурларни вояга етказган, доҳийлар бешигини бедор тебратган*, ягона ўғлини ҳам жангга кузатган она тимсоли ёритилган. Онанинг Ватанга бўлган муҳаббати, садоқати ҳар нарсадан устун эканлиги ушбу тақорор мисраларда қайта-қайта таъкидланган:

*Алишерга алла айтуб ухлатган  
Сен – она.  
Огушида Бобур камолга етган  
Сен – она.  
Торобийни оғир жангга жўнатган  
Сен – она.  
Оламни нурида мунаввар этган  
Сен – она.* (I. 250)

Шоирнинг “Бу – мен тугилган тупроқ” шеърида ҳам мисра тақорори мавжуд бўлиб, шеър тўрт банд (32 мисра)дан иборат. Тақорор мисралар ушбу шеър бандларининг бошида, ўртасида, охирида кўлланган:

*Бу – мен тугилган тупроқ Ҳа, мен тугилган тупроқ  
Тоғлар, қўм-қўк адирлар, даралар, чексиз қумлоқ.  
Бўронлар қамчиласар, ёмғирлар томчиласар,  
Қишида қалин қордан оқ, кузда-чи, пахтадан оқ.  
Тақвадордай чўк тушиб, пешонамни қўяман.  
Онам каби ўтаман, қалб меҳрига тўяман.  
Кайхисрав қиличидан кесикбош бобом хоки,  
Ким нохос оёқ қўйса, ҳақоратга йўяман.  
Бу – мен тугилган тупроқ, Бу – мен йўзрилган тупроқ.  
Кўклам гоҳи сержала, ёз қурумсоқ ва кургок.  
Терак бўйи жарлардан сув тортар бобо дехқон,  
Бугдой ҳам, жуввари ҳам бўлиқ, қўм-қўк, сербошоқ.*

*Тақвадордай чўк тушиб, пешонамни қўяман,  
Сүйгулимдай қучаман, жамолига тўяман.  
Чингиз ўқига учмиши олис бобом хоки бу,  
Ким кўзга илмай боқса, камчиликка йўяман.*

**(II.206)**

Ҳар бир бандда ифодаланган она тупроқ хислатларининг маълум бир қирраси шу тақрор мисраларда таъкидлангандек. Ҳар бир банд бошида тақрорланган *Бу – мен тугилган тупроқ. Ҳа, мен тугилган тупроқ* мисрасининг ўзгариб тақрорланиши ҳам маъно таъсиричанлигини оширишга хизмат қилган. Дастребки банд биринчи мисрасининг иккинчи ярмида кўлланган *Ҳа, мен тугилган тупроқ* тақори 2-бандда *Бу – мен ўзгилган тупроқ*, 3-бандда *Бу – мен улгайган тупроқ*, 4-бандда *Мен бобо бўлган тупроқ* шаклида тақрор келган. Кўриниб турибдики, мисраларда муайян ўзгаришлар туфайли маънодаги таъсиричанлик ортиб борган. Бу она замин лирик қаҳрамоннинг фақат тугилган тупроғи бўлмай, унинг шу она тупроқда, шу Ватанда туғилиб, улгайланлиги ва етукликка эришганлигига ишора. Бу эса бандлар ўргасидаги тақрор мисраларда янада таъсиричан ифодаланган. *Тақвадордай чўк тушиб, пешонамни қўяман* мисраларининг тақори шу она замин тупроғининг муқаддаслигини, шоирнинг юртига чексиз садоқатини кўрсатади. Ҳар бир банд охиридаги тақрор мисра шу банддаги фикрни умумлаштиради, хулосалайди. Шеърнинг асосий ғояси ҳам мана шу тақрор мисраларда намоён бўлган.

Миртемир шеъриятида банд тақори ҳам гўзал тарзда кўлланган. Бундай тақрорлар шеърда нақаротни шакллантирган, оҳангдошлини таъминлаган.

Миртемирнинг “Мард йигит, ёринг бўлай” номли шеърида уруш йиллари воқеалари тасвирланган. Бунда фронт ортида меҳнат қилаётган маъшуқа образининг руҳий ҳолати ифодаланган. У фронтда қаҳрамонлик кўрсатаётган ёрига мададкор бўлади, унга тасалли беради, ғалабага ундаиди:

*Мард йигит, ёринг бўлай,  
Ҳам вафодоринг бўлай.  
Сен ёвга қарши отлан,  
Мен жисловдоринг бўлай.  
Мард йигит, ёринг бўлай,  
Ҳам вафодоринг бўлай.  
Сен ёвга қарши отлан,  
Мен мададкоринг бўлай.*

**(I. 248)**

Шоир шеърларида ҳалқ оғзаки ижоди таъсири яққол кўринади. “Ҳаёт бадиий адабиётда образлар воситасида акс этар экан, кенг маънода объектив воқеаликнинг барча унсурлари билан инсон тафаккурида у ёки бу тарзда инъикос этиши образнинг асосини ташкил қиласди. Ўзбек шеъриятининг бой анъаналарини ўзида мужассамлаштирган Миртемир ижоди, ундаги образлар силсиласи бадиий муқаммаллиги, ғоявий ва шаклий ранг-бараглиги билан, ҳалқ оғзаки ижодидаги етакчи тамойилларни илгари сурғанлиги билан ажралиб туради”<sup>1</sup>.

Шеърда банд тақори ва оҳангдошлиги мавжуд. Шеър фольклор таъсирида ёзилган бўлиб, унда ҳалқ қўшикларига хос тақрорлар кўлланган. Бундай тақрорлар шеър ғоясини, асосий фикрни таъкидлаб кўрсатган. Маъшуқанинг жангчи ёрига берган далдаси ҳам шу мисраларда таъкидланган. Шеърдаги ҳалқ қўшикларига мос тақрор ва оҳангдошликлар мазмунни бойитишга, мусикийликни таъминлашга хизмат қилган.

Шунга ўхшашиб тақрорни “Ёдгор” шеърида ҳам учратамиз. Шеърда уруш манзаралари билан боғлиқ ҳолат ёритилган. Бу манзара тақрор мисраларда янада таъсирили намоён бўлган:

*Қора ўрмон, қалин ўрмон,  
Олис диёр...  
Сўнгиз ёбон, совуқ ёбон,  
Тиззадан қор...  
Юз хатар бор, жсангчи билмас,  
Бало тайёр... кўзга илмас!*

**(I. 300)**

Шеърда *Қора ўрмон, қалин ўрмон, Олис диёр...* мисралари ҳар бир банд бошида тақрорланиб келган. Бу тақрорлар чексиз дала-даги, яъни сўнгиз ёбондаги уруш даҳшатини таъсиричан ифодалаган. Тақрор мисралардаги ҳар бир сўз ёки бирикма умумлашма хусусиятга эга. Уларнинг ҳар бири салмоқдор мазмунни ифодалайди. Тақрор бирликлар ўкувчи дикқатини уруш манзараси ҳолатига жалб этади. Китобхонда бепоён далаларни тўпларнинг даҳшатларига нисбатан нафрат уйготади.

Шоирнинг “Жонажон” шеърида бандлар охиридаги икки мисранинг тақрор кўлланиши кузатилади. Ҳар бир банди саккиз

<sup>1</sup> Ходжамкулов У. Миртемир лирикасида сўз ва образ: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 14.

мисрадан иборат ушбу тўрт бандлик шеърнинг дастлабки банд охиридаги иккиси мисраси ҳар бир банд охирида такрор кўлланади:

Оқшомга ҳали узок,  
Кездим далада кўп чоқ.  
Мен излаган ёрга ошна  
Пахтазорда ҳар япроқ.  
Куч тўкар фасли баҳор,  
Аёж олмоқда пахтазор.  
Далада юрар жонон қиз,  
Кўзларига мен хумор.

(I. 288)

Шеърда меҳнат ва муҳаббат уйғунлиги берилган. Ошиқнинг даладаги меҳнати унинг ёрга бўлган муҳаббати сингари.

Умуман олганда, Миртемир шеъриятида мисра ва банд тақорори ҳам тақорорнинг бошқа турлари сингари ўзига хос услубий вазифа бажаришга хизмат қилган. Шунингдек, мисра ва банд тақорорида бошқа тақорорлардан фарқ килувчи қўйидагича ўзига хосликлар кузатилади:

- мисра ва банд тақорорлари шеър мисраларида қатъий қўлланиш ўрнига эга эмас;
- мисра ва банд тақорорлари бошқа тақорорларга нисбатан йирикроқ тил бирлиги бўлиб, бу бирликларда ифодаланган маъно кенгроқ тушунчани англатади;
- мисра ва банд тақорорлари шеърнинг асосий ғоясини ўзида мужассам этади.

Хуллас, Миртемир ўз шеърларида грамматик тақорорнинг асосан, синтактик тақорор шаклидан кўпроқ фойдаланган. Бунда ҳалқа ҳамда мисра ва банд тақорорлари асосий услубий восита бўлиб хизмат қилган ва асар бадииятининг талаб даражасида бўлишига хизмат қилган. Ўзбек тили синтактик курилиши ва синтактик тақорорлардаги ўзига хосликлар, синтактик бирликлар тузилишидаги ранг-баранглик шоир шеъриятида тўла-тўқис намоён бўлган.

## ҚИСКА ХУЛОСАЛАР

1. Миртемир шеърияти учун грамматик тақорорнинг ташобехул-атроф, ҳалқа, тарди акс, мисра ва банд тақорор каби турлари характерли бўлиб, шоир бу каби тақорор усувларидан унумли фойдаланган.

2. Шоир Миртемир бадий тақорорнинг ташобехул-атроф усулини кенг кўллаган бўлиб, унинг асосини шеърий мисрада сўз сўз бирикмаси тақорори ташкил қилган. Шоир шеърларида бу усул мисра ва бандлар ўргасидаги узвий боғлиқликни юзага келтирган.

3. Миртемир шеърларида ҳалқа тақорори кўп учрайди. Ҳалқа тақорорида шеър бошида келган мисра ёки банд шеър охирида тақорорланади ва матнда ҳалқа хосил қиласди. Бу усул Миртемир шеърларида моҳирлик билан кўлланган ҳамда маълум услубий вазифа бажарган, яъни шеърнинг умумий ғоясини бир бутунлик тарзида ўраб, мантиқий яхлитликни таъминлаган. Бу биринчи тақорор мисранинг ўзидан олдинги мисраларни ўзига тортиши, жалб килиши, ўзидан олдинги мисралар маъносининг умумлашмаси, хосиласи тарзида намоён бўлган.

4. Шоир шеърларининг таъсирчанлиги ва эмоционаллигини таъминлаш мақсадида тарди акс санъати тақорордан ҳам унумли фойдаланган. Тақорорнинг мисра ва банд ҳолидаги қайтарилиши Миртемир шеърларида кўп учрайди. Бизнинг кузатишимиз тадқиқда тортилган шеърларда ушбу усулининг 13 дан ортиқ кўриниши мавжудлигини кўрсатди ва улар шеърий мисраларга таъсирчанлик, фикран қатъийлик, мантиқий ургу берган. Шоир таъсирчанлик, фикран қатъийлик, мантиқий ургу берган. Шоир таъсирчанлик, фикрининг мазмуний ўзагини таъкидлашга хизмат қилган.

5. Адид шеърларида мисра ва банд тақорори тақорорнинг бошқа турларидан матнда қатъий қўлланиш ўрнига эгалиги, асар ғоясини ўзида мужассам этиши билан фарқланиб туради.

6. Миртемир шеърларида бадий тақорорларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатди, шоир шеърларида синтактик тақорор усули кўпроқ бўлиб, у асар мазмуни ва ғоясининг ўкувчи онгига талаб даражасида етиб боришига хизмат қилган.



бўлиб, сўз ёки сўз бирикмаларининг шеърий мисралар бошида такрорланишидир”<sup>1</sup>, дейилади.

Шундай килиб, анафора мисралар бошидаги ёки насрий асарларда жумлалар олдираги товуш, сўз ва сўз бирикмаси такоридир. У.Тўйчиев анафора (бошланғич сўз такорори)нинг фонетик, лексик, синтактиқ, строфик турларини фарқлайди<sup>2</sup>. Ушбу таҳлиллар қаторини яна қуийдаги талқин билан тўлдириш мумкин: “Анафора (гр. anaphora-юқорига чиқариш сўзидан) – стилистик фигуralардан бири бўлиб, мисраларининг бошида ёки прозаик бадий асарлардаги гапларнинг олдида бир хил жаранглаган товуш, оҳангдош сўз ёки ибораларнинг такрорланиб келиши”<sup>3</sup>.

Анафора қатъий тизимли такрорлардан биридир. Чунки анафорада қандай бирлик такрорланишидан қатъи назар, шеърията мисралар бошида, насрда гаплар бошида такрор келади.

Миртемир шеъриятида такрорнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, анафора такорори бадий-услубий усууллардан биридир. Шоир шеъриятида анафорани ҳосил қилувчи бирликлар – товуш, сўз ва сўз бирикмаси бўлиб, бундай такрорлар маълум бир бандда, умуман, шеърда юзага келган. Банд доирасидаги анафораларда банднинг турли мисралари бошида такрорлар мавжуд бўлса, шеърнинг турли қисмларида қайтарилган бирликлар шеър миқёсидаги анафорани ҳосил қилган. Г.Рихсиева “Анафора мисрада қайд этилган фикрнинг энг кескин, таъкидланган нуқтасини ифода этар экан, у албатта, мантикий ургу билан боғлик бўлади. Мантикий ургу гапнинг янгилиги (ёки янгилик ўрами)да акс этади”<sup>4</sup>, – дейди.

Миртемир ўз шеърларида анафора такорордан моҳирона фойдаланган. Бундай шеърлар сирасига шоирнинг “Кўшиқларим, сиз учун ҳижолатлик эмасман...”, “Холниёзга бағишлиганим”, “Сұхбат”, “Салом ҳат”, “Ҳамشاҳар”, “Боғ кўча”, “Кенжатой”, “Киприкларим”, “Қор кўмсан”, “Обой-бобой”, “Кўнглим”, “Тупроқ тўғрисида”, “Кўзларингдан ўргулай, караб кўй қиё...”, “Тагин тупроқ тўғрисида”, “Ёдгорлик”, “Қайда?”, “Йил боши орзулари” каби ўнлаб шеърларини киритишимиз мумкин.

<sup>1</sup> Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – Б. 51.

<sup>2</sup> Тўйчиев У. Ўзбек адабиётидаги бадийлик мезонлари ва уларнинг маромати. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011. – Б. 93.

<sup>3</sup> Адабиётшунослик терминлари лугати / Тузувчилар: Ҳ.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. – Т.: “Ўқитувчи”, 1967. – Б. 25.

<sup>4</sup> Рихсиева Г. Шеъриятгаги гапларнинг актуал бўлинишида анафоралар ўрни: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1999. – Б. 22.

Миртемир “Кўшиқларим, сиз учун ҳижолатлик эмасман...” шеърида сиз анафорасини кўллаган. Анафора такорори апострофа асосида юзага келган. Чунки шоир мурожаат қилаётган сиз – жонлантиришнинг бир кўриниши бўлиб, жонсиз нарса ёхуд – оғиш) жонлантиришнинг бир кўриниши бўлиб, жонсиз нарса-ходисалардек мурожаат қилинади ҳодисаларга худди жонли нарса-ходисалардек мурожаат қилинади ёки ўзи йўқ шахсга худди бордек қаралади”<sup>1</sup>. Уч банд (12 мисра)дан иборат шеърда сиз сўзи етти марта кўлланиб, шундан олтигаси анафора шаклида такрорланган. Ҳар бир такрорда, яъни такрордан такрорга бу сўзниң қимматий маъноси кенгайиб, мисраларнинг таъсирчанлиги ортиб борган:

*Кўшиқларим, сиз учун ҳижолатлик эмасман,*

*Сиз ўтган йўлларимсиз, кечган дарёларимсиз,*

*Сизни мен олтинга ҳам, кумушига ҳам бермасман,*

*Сиз менинг тансиқ газнам, эзгу дунёларимсиз.*

*Менинг дардим-дардошим, илинжим, кўнгил тинчим,*

*Сиз билан тирикман-да, менинг қалб чўзим сиз-ку!*

*Менинг олтмиши беш ёшим – гуссаларим, севинчим,*

*Энг ёргу хаёлларим, менинг бор-йўзим сиз-ку!*

*Сиз менинг қалқонимсиз. Таянчим, тоз бардошим.*

*Сиз борсиз – чўчутолгай на дўзах ва на аёз.*

*Фақат, фақат ҳалимга эгилур магрур бошим,*

*Халқимнинг ўзи бермии соз ахир, бу жарарнг соз... (I. 8)*

Шеърнинг биринчи банди уч (иккинчи, учинчи, тўртинчи) мисрада, иккинчи банди бир (иккинчи) мисрада, учинчи банди икки (биринчи ва иккинчи) мисрада сиз сўзи анафора такрорини ҳосил (биринчи ва иккинчи) мисрада, шеърдаги бу анафора таъсирчанликни ошириб, жамлаш, қилган. Шеърдаги бу анафора таъсирчанликни ошириб, жамлаш, умумлаштириш маъноларини ифодалаган. Лирик қаҳрамоннинг бутун борлиги, гуссаси, севинчи, ўтган йўли, кечган дарёси, тансиқ, вазнаси, эзгу дунёлари, дарди, илинжи, кўнгил тинчи, тириклиги, шеърларидан иборат.

Кўриниб турибдики, шеърдаги асосий ғоя сиз воситасида амалга ошган. Шеърият шоир ҳаётининг мазмунига айланиб бўлган. У шеърларини баҳти деб билган. Шоир шеърларига бўлган. У шеърларини баҳти деб билган. Шоир шеърларига

<sup>1</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. – Т.: ТДГУ, 2001. – Б. 13.

нисбатан сиз деб мурожаат қилиши ҳам унинг шеъриятга бўлган хурмати ва юксак даражада қадрлашидан далолат беради.

Шоирнинг шеърлари қалб қўридан яралган. Уларнинг ҳар бири шоир ҳәётининг маълум бир бўлаги. Миртемир уларга ички түғенини сингдирган Жумладан, “Тағин тупроқ тўғрисида” шеърида розиман шу, ҳали мен, шу тупроқ анафоралари кўлланган. Шеърнинг дастлабки бандида лирик қаҳрамоннинг шу тупроқ, шу юрт фарзанди эканлигиндан ризолик аломати кузатилади. Юрт – бу энг аввало шоир тугилиб ўсган тупроқ, она замин. Бу анафора такори орқали таъкидланган:

Розиман шу юртда түгилганимдан,  
Она тупрогимда-да! Ҳа, она тупроқ,  
Етти иқлим интиқ, жонона тупроқ,  
Розиман шу лойда йўғилганимдан. (II. 208)

“Тупроқ тўғрисида” деб номланувчи шеърни олдинги бобларда таҳлил қилган эдик. Шоирнинг “Тағин тупроқ тўғрисида” шеъри ҳам маъно жихатдан олдинги шеърига жуда яқин бўлса-да, ўзгача тасвир мавжуд. Бу эса такорр сўз ва бирикмаларда яққол кўзга ташланади. Шеърнинг учинчи бандидан бошлаб ҳали мен анафораси такорр қўлланиб, кетма-кет беш бандда 15 марта тақоррланган. Бу тақоррлар воситасида шоир ултурмаган ишлари талай эканлигини таъкидлайди:

Ҳали мен минмаган гижинг тулпор мўл,  
Ҳали мен қувмаган оху ҳам анча,  
Ҳали мен чалмаган чолгу ҳам анча,  
Ҳали мен инмаган ўнгир мўл, гор мўл.

Ҳали мени кутар не-не дастурхон,  
Ҳали мен ичмаган қимиз лиммо-лим,  
Ҳали мен кечмаган денгиз лиммо-лим,  
Ҳали мени кутар бутун-бутун нон. (II. 208-209)

Кўриниб турибдики, ҳар иккала бандда ҳали мен анафораси тақоррланиб, мисралардаги маънони умумлаштирган. Бу эса шоирнинг ёзиши керак бўлган шеърларига ишора. Шоир ёзиши керак бўлган асарлари, қилиши керак бўлган ишлари кўп эканлигини таъкидлайди. Шоир учун шу тупроқ қадрли, шу замин муқаддас. Чунки ота-боболари ҳоки ҳам шу тупроқда, ўзи ҳам шу тупроқда ўсиб улғайди. Бу шу тупроқ тақоррида бирма-бир ёритилган. Шу тупроқнинг муқаддаслиги таъкидланган. Бу эса она-

Ватаннинг ягоналиги ҳамда муқаддаслигининг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, шоир Ватаннинг бир парчаси бўлмиш ўзи тугилиб ўсан қишлоғини, аждодлари ҳоки ётган тупрогини тасвирлаган:

Шу тупроқда ўтди гариф гўдаклик,  
Шу тупроқда ўтди шўх ўсмирлигим.  
Шу тупроқ-ла мангу қалбдан бирлигим,  
Ёргу бугунлигу соз келажасаклик.

(II. 209)

Бу каби тақоррлар шу заминни янада улуглайди. Шеър хотимасида она тупроқ мадҳи қуидагича тасвирланган:

Қайларда юрмайин, ягона армон,  
Шу тупроқда қолсин тупровим. (II. 209)

Хотимадаги тупроқ сўзи бадий мантиқни тўла ифодалашга кўмаклашган. Тупроқ – бу қишлоқ, тупроқ – эл-юрт, тупроқ – хотима. Шу сўз, яъни тупроқ образи бу ўринда кўп киррали, шоир жисми. Шу сўз, яъни тупроқ образи бу ўринда кўп киррали, шоир жисми. Шу сўз, яъни тупроқ образи бу ўринда кўп киррали, хотима, очиқ ва тагмаъноли бадий восита. Бу образли тасвир китобхон наздида лирик қаҳрамоннинг бутун ички туйғулари, ҳасрат, армон ва хисларининг ишончга тўла табиий бир поэтик ифодасига айланган. Шоирнинг қатъий иродаси, ҳаётга бўлган юксак оптимизми китобхонда ғурур уйғотади, истиқболга ишонч билан қарашиб хиссини таъкидлайди.

Миртемир шеърларида она юрт мавзуси алоҳида бўртиб туради. Шоирнинг ватанга бўлган мухаббати чексиз. Бу эса шеърларига йўғрилган. Бу унинг уруш йилларида ёзилган шеърларида яққол кўзга ташланади. Миртемир уруш йилларида шеърларида яққол кўзга ташланади. Миртемир уруш йилларида шеърларида яққол кўзга ташланади. Душманга бўлган нафратини, қасосини оқ қўлига курол олмади. Душманга бўлган нафратини, қасосини оқ қофозга туширган шеърлари орқали намойиш ва намоён қилди.

Шоирнинг уруш йилларида ёзган “Салом ҳат” шеърида анафора воситасида душманга бўлган нафрат, Ватанга бўлган садо-қат янада кучайтирилган ва бу мазмун қайта-қайта таъкидланган. Шеърнинг дастлабки мисраларида ундалмалар анафора тақорини ҳосил қилган. Бу шеър жангчилар учун мадад, олқиши, уларнинг душманга бўлган нафратини кучайтирувчи бадий чақириқ эди:

Эй сиз, ўлкамизнинг дов ўғиллари,  
Эй сиз, ботир юртнинг мард бўғинлари,  
Эй сиз, оловларга мардана кириб,

Мўр-малаҳдай душман жазосин бериб... (I. 263)

Шеърда анафора билан ўхшатиш уйғунлашиб кетган. Шоир аскарларга қайта-қайта мурожаат қилиб, Мўр-малаҳдай душман жазосин бергин, дейди. Бунда Ватанга бўлган мухаббат барчанинг

қалбидан бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланган ва душман билан мўр-малаҳдай кўплашиб, ёпирилиб қурашишга чорлайди. (“Мўр-малаҳ (ф. чумоли + чигиртка): мўр-малаҳдай қумурсқа ва чигиртка каби: кўплашиб, ёпирилиб”<sup>1</sup>).)

Миртемирнинг бошқа шеърларида анафора шеърнинг турли қисмларида такрор келган.

1. Банднинг биринчи ва иккинчи мисрасида:

*Мақтаганим – жсангларда қозонилган шон,*  
*Мақтаганим – юртимнинг юлдузлариридир.*  
*Республиканинг донгдор қизи Төжихон,*  
*Хожсарой, Анорбону, Кундузлариридир.*

(I. 163)

2. Банднинг биринчи ва учинчи мисрасида:

*Кўзларингдан ўргулай, қараб қўй қиё,*  
*Ўшандоқ шўх бокшига ўлгунча бормен.*  
*Кўзларингда меҳру ишқ ловуллар аён,*  
*Жилмайгин, жислмаймасанг чеккум озор мен.*

(II. 184)

3. Банднинг биринчи ва тўртинчи мисрасида:

*Сен кечикдинг, тоқат тоқ бўлди,*  
*Аста бордим булоқ бошига,*  
*Кўлоқ солдим қушлар тошига,*  
*Сен кечикдинг, тонгги чоқ бўлди.*

(III. 168)

4. Банднинг иккинчи ва учинчи мисрасида:

*Нижол бўйларингни яшил япроқлар,*  
*Қадрласак сулув қизлардай азиз.*  
*Қадрласак жёшиқин севгидай чексиз,*  
*Чунки, бешигингиз бизнинг тупроқлар ...*

(I. 144)

5. Банднинг иккинчи ва тўртинчи мисрасида:

*Кўллар тиниқдан-тиниқ,*  
*Қандоқ зебо оққувлар,*  
*Кўзлар шаҳло ва қийиқ,*  
*Қандоқ барно охулар.*

(III. 113-114)

6. Банднинг учинчи ва тўртинчи мисрасида:

*Мана олам саҳнаси,*

*Қадим гузаргоҳ.*

*Бир ён – эрк тантанаси,*

*Бир ён – теран чоҳ.*

(I. 196)

7. Банднинг биринчи, иккинчи, учинчи мисраларида:

*Сен бўлмасанг қуриб қолар мингбулоқ,*  
*Сен бўлмасанг қайдада Ўйиқ ва Музбел?*  
*Сен бўлмасанг қайдада сулув Кўккюё,*  
*Барига яшишлик берган лойҳа сел...*

(I. 215)

8. Банднинг биринчи, иккинчи, тўртинчи мисраларида:

*Агар ҳурмат излар бўлсанг, кел йўлчи,*  
*Агар ҳиммат излар бўлсанг, кел йўлчи,*  
*Тўйим тўкин, меҳрим пешкаш, юрт пешкаш,*  
*Агар жсаннат излар бўлсанг, кел йўлчи.*

(II. 286)

9. Банднинг биринчи, учинчи, тўртинчи мисраларида:

*Сувни тўлқинлатиб ўқ каби учар,*  
*Ўзлонни ямламай ютмоқ бўлади.*  
*Сув остига тушиса, йўлини тўсар,*  
*Сув устига қочса, тутмоқ бўлади.*

(I. 187)

10. Банднинг иккинчи, учинчи, тўртинчи мисраларида:

*Майли, кўклардан оишин шўх суронлари,*  
*Булар – менинг ўлкамнинг эркалариридир.*  
*Булар – менинг ўлкамнинг болажонлари,*  
*Булар – менинг ўлкамнинг бекалариридир!*

(I. 315)

11. Банднинг барча мисраларида такрор кўлланishi:

*Ватан! – деб борилса, ҳарб кетмас хато.*  
*Ватан! – деб урилса, зарб кетмас хато.*  
*Ватан! – деб чопилса, тиз кетмас галат.*  
*Ватан! – деб отилса, ўқ ўтмас галат...*

(I. 268)

12. Банднинг биринчи мисрасидаги бирлик тўртинчи мисрада, иккинчи мисрасидаги сўз учинчи мисрада такрорланади:

*Шу тупроқ бехатар нафас олсин деб,*  
*Кечмиши онажону хонумонидан,*  
*Кечмиши жонидан, азиз жонидан,*  
*Шу тупроқ заҳардан омон қолсин деб.*

(II. 303)

13. Банднинг биринчи ва иккинчи мисраларида бир хил такрор, учинчи ва тўртинчи мисраларида ҳам бир хил такрор келади:

*Ўзбек тупрогининг кўркисан, денгиз,*  
*Ўзбек тупрогининг кўрки бўлиб қол.*  
*Элнинг гурурисан, эркисан, денгиз,*  
*Элнинг гурури ҳам эрки бўлиб қол!*

(III. 34)

14. Банднинг биринчи ва учинчи мисраларида алоҳида, иккинчи ва тўртинчи мисраларида алоҳида такрор кўлланади:

<sup>1</sup>Ўзбек тилининг изоҳли лугати: Беш жилдли / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – 2-жилд. – Б. 670.

*Нечун боқишиларингиз мунгли ва сузгин,  
Шумикин ишқ достони – жарангдор севги?  
Нечун бир нафасдаёт ёноқлар сўлгин,  
Шумикин дил тугёни – бекарор севги? (I. 243)*

Анафоранинг бандлар доирасидаги тақорори ҳам турли шаклларда бўлиб, улар кетма-кет икки банднинг биринчи мисрасининг бир хил бирлик билан бошланиши, бирор банднинг сўнгти мисраси кейинги банднинг дастлабки мисраси шаклида тақорор келиши каби бир қанча шаклларда тақорорланган. Бундай тақорор шеър қисмлари – бандлари ўргасидаги боғлиқликни таъминлайди ва турли хил услубий вазифалар бажариб келади.

Миртемир анафорага мажозий маъно юклаган. Шу асосида шеър маъносини кучайтирган. Жумладан, шоирнинг “Киприкларим” шеърида анафора тақорорлари воситасида ўзгача бир ҳолат юзага келтирилган.

Шоир “Киприкларим” шеърини ёш қаламкашларга атайди. Шеърда киприкларим сўзи бир неча марта тақорорланиб, унга кўшимча маънолар юкланган. Киприкларим сўзи шеърда, асосан, анафора шаклида тақорорланган:

*Киприкларим қўнгирмикан ё қора?*

*Киприкларим юзтамикин ёки минг?*

*Киприкларим мунча азиз ва сара,*

*Кўзгинамнинг киприклари...*

*Куюнларда қолганимда, чангга ўралганимда,*

*Оҳангарон тўзонидан занжси қоралганимда,*

*Ёки яхши тимсол излаб, чангдай таралганимда,*

*Ёки бир шеър армонида юз бир кўралганимда,*

*Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим,*

*Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна ютган кўзларим.*

(I.362)

Маълумки, “Анафора усулида шеърий асарда мисралар бошидаги сўз ёки бирикма тақорорланади”<sup>1</sup>. Шоир шеърда киприкларим анафорасини қўллаб, ёш қаламкашларни, шунингдек, шеърларини киприкка қиёс қилган ҳолда киприкларим анафорасини мажозий маънода қўллаган.

Шоир шеърдаги Киприкларим қўнгирмикан ё қора? мисрасида, асосан, шеърларига ишора қилиб, шеърларим яхшимикан ё ёмон?

маъносида қўллаган. Бизга маълумки, қора сўзи адабиётда кўпинча кеча, қоронгилик, ёмон, ёмонлик маъноларини ифодаловчи сўз сифатида қўлланади. Шунингдек, адаб ушбу сўз воситасида ёш ижодкорлар ижодини ҳам назарда тутган. Чунки кўп манбаларда эътироф этилганидек, ҳар бир ёш қаламкаш ижоди Миртемир нигоҳидан четда қолмаган. Шоир уларнинг ижодига ўз муносабатини билдириб борган ҳамда ғамхўрлик қилган. Уларни адабиёт киприклари, адабиёт жонкуярлари, адабиёт қўриқчилари деб атаган:

*Кўзларимга чегарада шай аскардай қўриқчи,  
Кўзларимга олис Бобур гуссасидай йўриқчи,*

*Эй, азиз киприкларим.*

*Сергакликда тирикларнинг сиз-ку энг тириклари...*

*Кипригимдай азизларим, нечоғлиқ ҳам суюксиз.*

(I. 362)

Шеърдаги кўзларимга анафораси бадиий ижодга киёс килинган. Шеърнинг умумий ғояси ҳам мана шу икки сўз – киприк ва кўз сўзларининг анафорик тақорори асосида ёритиб берилган. Шоир шеър охирида Армонимдай буюксиз! деб шеърларига мурожаат қилган. Кўриниб турибдики, шеърдаги анафора тақорорлари, биринчидан, шоирнинг шеърлари ва ижодини мажозий ифодалаган бўлса, иккинчидан, ёш ижодкорлар ва бадиий ижодга қиёс қилинган.

Шоирнинг “Боғ кўча” шеърида бандлар бошидаги мисраларнинг анафора тақорори асосида боғланиши кузатилади. Тўрт бандли шеърнинг уч (биринчи, иккинчи, тўртингчи) бандида анафора тақорори мавжуд. Бу тақорорлар бир хил шаклдаги сўз бирикмасининг тақорори асосида юзага келган:

*Боғ кўчадан ўтаман бўстонимга,  
Ҳар кун салом битаман жононимга,  
Жонон ёзар: жонгинам, кел ёнимга,  
Қизларим, қайдасиз?*

*Боғ кўчадан ўтаман тутзор томон.*

*Тутзорим орқасида гулзор томон,*

*Кўнглим қурғур учади дилдор томон,*

*Қизларюон, қайдасиз? (I.290)*

<sup>1</sup> Каримов С. Бадиий услуг ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994. – Б. 57.

Шеърдаги боз кўчадан ўтаман биримасининг анафора шаклидаги такори бандлар мазмунини боғлаш, умумлаштириш учун хизмат қилган. Шеърдаги анафоранинг жумла шаклида келиши такорнинг маъносини янада аниқлаштириб, таъсиранлигини оширган. Чунки гап сўзга нисбатан кенгроқ маъно ифодалашта хизмат қиласди.

Миртемир “Кенжатой” шеърида болаларга хос фазилатларни, уларга бўлган муносабатини **булар** – менинг ўлкам анафораси орқали гўзал тарзда ёритиб берган. Етти банд (28 мисра)дан иборат ушбу шеърнинг сўнгти бандида анафора такори маҳорат билан кўлланган:

Булар – менинг ўлкам кенжатойлари,  
Булар – менинг ўлкам шўх ёшлиридор.  
Булар – менинг ўлкам юлдуз, ойлари,  
Булар – менинг ўлкам күёшлиридор.

(I.326-327)

Банддаги бундай такорлар болаларга хос хусусиятларни умумлаштириб кўрсатган. Маънони образли, эмоционал ифодалашта хизмат қилган. Шеърнинг сўнгти бандидаги бундай такорлар болаларга хос бўлган ўйинқароқлик, беғуборлик, ишончнинг кўтаринки руҳда акс этишини таъминлаган. Ҳар бир мисрада болаларга хос хусусиятларнинг маълум кирраси таъкидланган. Ҳар бир мисранинг маъноси кенгайиб борган. Анафоранинг гап шаклида ифодаланиши ҳам такорланувчи бирликнинг маъно таъсиранлиги кенгроқ эканлигидан далолат беради.

Шеърдаги бу каби анафоралар мисралар бошидаги кўтаринки оҳангдорликни таъминлади. Китобхон диккатини маълум бир такорланган бирлик маъносига торгади. Шундай қилиб, Миртемир шеъриятидаги анафоралар асарнинг бадиийлиги учун хизмат қилган.

Тахлиллар кўрсатади, анафора ижодкор айтмоқчи бўлган фикрни китобхонга такор-такор уқтиради, мисраларнинг эстетик кучини оширади, уларга оҳангдорлик, мусиқийлик бағишлади. Бу бадиий усулини ўрганган тадқиқотчилар “Микротекст таркибида келган такорнинг матн компонентларининг анафорик чап томон (левосторонний) ва катафорик ўнг томон (правосторонний) алоқага киришиши”ни таъкидлашган<sup>1</sup>. Умуман олганда, анафора усули

нутқقا жозиба киритади, шоир орзу-истакларининг ҳаётйлигини таъминлади. Шунинг учун анафора шеърнинг ташки кўринишигина бўлиб қолмай, балки шеърий нутқнинг мазмунига, тагмаъноларига таъсиранлиқ бахш этувчи восита ҳамдир.

Миртемир шеъриятида энг кўп кўлланган такор тури – анафора усулидир. Шоир шеърларида анафоралар сўз ва сўз анафораси шаклида такорланган. Бу анафоралар асосан, от, феъл, биримаси шаклида такорланган. Бу анафоралар иборат. Олмош сўз туркумларидағи сўzlар ва сўз бирималаридан иборат.

### 3.2. Мукаррар

Мукаррар бадиий санъатларнинг такор усулларидан бири бўлиб, бунда такорий сўзнинг қайтарилиши кузатилади. “Мукаррар сўзи қайта-қайта, уст-устига маъноларини ифодалайди. Шу ном билан аталувчи лафзий санъат эса байтнинг ҳар иккиси мисрасида жуфт сўз кўллашни назарда тутади”<sup>1</sup>. Бу ҳакда Атоуллоҳ Хусайний шундай ёzáди: “Рашид-и Ватвот дептурким, Атоуллоҳ Хусайний шундай ёzáди: “Рашид-и Ватвот дептурким, шуаро мукаррар деб андоқ шеърни айтурларким, бир байтга бир лафзни келтирурлар ва ўзга байтта анинг таъсирида ўшул лафзни яна келтирурлар...”<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, мукаррар такорий сўзнинг мисра, байт ёки бандда такорланишидир. Маълумки, жуфт ва такорий сўзлар алоҳида-алоҳида, фарқли тушунчалардир. Жуфт сўз бир туркумга шаклдаги такорий сўз кўлланиши ҳам мукаррар такорини юзага келтиради. Зоро, бадиий асадраги ҳар қандай такор майлум келтиради. Зоро, бадиий асадраги ҳар қандай такор майлум келтиради. Зоро, бадиий асадраги ҳар қандай такор майлум келтиради. Акс мақсадда кўлланиб, услубий вазифа бажаришга хизмат қиласди. Аслида сўзнинг одатдаги ҳар ҳолда у бадиийликни таъминламайди. Аслида сўзнинг одатдаги ҳар қандай услубда такорий кўлланишида ҳам оддий такор қандай таркибида ташки келади. Аслида сўзнинг одатдаги ҳар қандай услубда таъминламайди. Аслида сўзнинг одатдаги ҳар қандай услубда таъминламайди.

<sup>1</sup> Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиий малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 100.

<sup>2</sup> Хусайний Атоуллоҳ. Бадиийу-санойль / Форсчадан А. Рустамов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – Б. 174.

маънолар) ифодаловчи, лексик ва грамматик жиҳатдан бир бутунликни ташкил қилувчи такрорлар тушунилади”<sup>1</sup>.

Мумтоз адабиётида, шунингдек, ҳозирги замон ўзбек адабиётида мукаррар тақорорининг турли хил шакларини учратамиз. Бу тақороринг Миртемир шеъриятида ўзига хос шаклда намоён бўлган ҳолатлари учрайди. Миртемир мукаррар тақорорини маҳорат билан кўллаб, унинг гўзал намуналарини яратди. Шоир шеъриятидаги бундай тақорорларни қайтарилиш ўрнига кўра икки гурухга ажратиш мумкин: бир мисрада ва мисралардо кўлланган тақорорлар.

1. Миртемир шеъриятида тақорорий сўзлар бир мисрада бирдан ортиқ кўлланиб, услубий вазифа бажариб келган. Бунда маълум бир мисрада тақорорий сўзлар ёнма-ён кўлланиши ёки мисранинг турли ўринларида тақорор келиши мумкин. Шоирнинг “Ёдгорлик”, “Йил боши орзулари”, “Аскардай”, “Ёрти аср қўшикларидан” каби шеърларида мисрадаги тақорорий сўзлар ёнма-ён кўлланган бўлса, “Чўл кечаси”, “Кўш” каби шеърларида мисранинг турли ўринларида тақорорий сўзлар кўлланган. Жумладан, “Йил боши орзулари” шеърида кўлланган тақорорий сўзлар кўпликини билдириши билан бирга маънони кучайтиришга, уни бўрттиришга, ушбу мисранинг кучлироқ оҳанг билан айтилишига хизмат қилган:

Қардош эллар, даврага кел,  
Кўшиқ-кўшиқ, қатор-қатор.  
Ёндоши туриб, жондоши туриб,  
Янгратайлик: алёр! Алёр! (II. 329)

Шоирнинг “Ёрти аср қўшикларидан” шеърида тақорорий сўзлар шаклий ва маъновий тақорорларни юзага келтирган:

Бутун эдим,  
Ночор бўлдим парча-парча, бўлак-бўлак  
Дуркун эдим,  
Юрай десам на йўл қолди, на-да йўлак.  
Сал қолдики,  
Унум бўлса мўл-кўлигим, ўз чеклигим,  
Сал қолдики,  
Унум бўлса ўз йўллигим, ўз беклигим. (II. 287-288)

Бандда кўлланган парча-парча, бўлак-бўлак сўзлари синоним тақорорий сўзлардир. Шеърда лирик қаҳрамоннинг кечаги куни – ўтмишидан норози кайфияти ифодаланган. Тақорорий сўзлар кўчма

маънода кўлланган. Бу инсон қалбининг “парча-парча” бўлишидан иборат. Банднинг Ночор бўлдим парча-парча бирикмасида парча сўзининг тақорорий кўлланиши натижасида кўплик маъноси ифодаланган. Бу тақорорий сўз маъноси маҳозий маъно бўлиб, қалбининг парчаланишига ишора қилган. Ушбу тақорорий сўз синоним шаклининг (бўлак-бўлак) ёнма-ён келиши услубий маъно хосил қилган, тақорорий парча-парча сўзи орқали ифодаланган маънонинг таъсирчанлигини оширган.

Мисранинг турли ўринларида тақорорий сўз кўлланиб, услубий вазифа бажариши “Чўл кечаси” шеърида куйидагича намоён бўлган:

Шундай кун келади, уқдим чироқдан,  
Қалдироқдай довруқ, бонг тарағуси,  
Төв-тоз хирмонларни лак-лак чаноқдан  
Фақат шу кемалар йизиб олгуси! (II. 62)

Кўринадики, бир мисрада икки хил шаклдаги тақорорий сўз кўлланиб, бир-бирининг маъносини тўлдириб келган. Шеърдаги бундай тақорорлар маънони таъкидлаб, юз минглаб чаноқлардан терилиган пахтадан тоғдай хирмонлар яратилганига ишора. Ушбу мисраларда оптимизм мавжуд. Маълумки, пахтани кўлда териш машаққатли, оғир меҳнат. Шоир мана шулар ҳақида қайгуради ҳамда меҳнатни келажакда техника бажариши мумкинлигига комил ишонч хосил қиласи. Демак, бу ўринда тоз-тоз хирмон, лак-лак чаноқ бирикмалари, бир томондан, мўл хосилни англатса, иккинчи томондан, кишиларнинг оғир меҳнатига сабабчи бўлувчи рамзий образдир.

“Кўш” шеъридан олинган куйидаги банднинг иккинчи мисрасидаги тақорорий сўзлар табиатнинг бир ҳолати – пейзажни реал қилиб тасвирилашга имкон берган:

Тонг ҷоги турган эдим – одатим шунақароқ,  
Оқ булут пага-пага, оқ булут бароқ-бароқ  
Ёголоқмас шекилли. Ёгадиган ўшамас,  
Совур салқинида ҳам осмон нечун бўшамас. (II. 311)

Банддаги тақорорий сифатлар (пага-пага, бароқ-бароқ) осмон булут билан қопланганини, булутлар ҳаракати ва шаклининг баҳор фаслида ўзгача, бекиёс кўринишга эга бўлишини тасвирий ифодалаган. Шу билан бирга, бир мисрада икки маротаба тақорорий сўзининг кўлланиши дикқатни бевосита шу мисрага торгади. Мисрада оқ булут бирикмасининг тақорори ҳам юзага келган. Бу

<sup>1</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва тақорорий сўзлар. – Т.: Ўзбекноказнапр, 1963. – Б. 88.

бирикманинг тақрор кўлланиши ҳам тақрорий сўзлар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Бандда табиатнинг тонг пайтидаги тасвири ифодаланган. Бу шеърнинг дастлабки банди бўлиб, шеърнинг кейинги бандларида воқеа ривожланган. Шу тасвирдан келиб чиқсан ҳолда воқелик таъсирчан бир тус олган.

2. Миртемир шеъриятида тақрорий сўзларнинг банд доирасидаги тақорори турли шакл ва кўринишга эга. Бунда, асосан, кетма-кет икки мисра доирасида юзага келган тақрорларнинг кўпроқ кўлланиши кузатилади.

Бундай тақрорларда бир хил тақрорий сўз қайтарилиб, тақрор ҳосил қилиши ҳамда турли тақрорий сўзнинг кўлланиши асосида мукаррар тақорори ҳосил қилиши мавжуд. Улар куйидаги шаклларда кўлланиб, маълум услубий вазифа бажаришга хизмат қилган.

Банднинг кетма-кет икки мисраси бошида мукаррарнинг кўлланиши шоирнинг “Тун”, “Бобожон...”, “Ангиз”, “Юлдуз”, “Бахт қўшиғи”, “Кўл бўйида”, “Шудринг”, “Ёдгор” каби шеърларда, шунингдек, “Сув қизи” достонида мавжуд. Жумладан, “Тун” шеърида бундай тақрорлар қуйидагича ифодаланган:

Тун беун жисламка гўё сизот сув,  
На чумчуқ чиришлар, на кўкда қий-чув.  
Оҳиста-оҳиста улашур ором,  
Оҳиста-оҳиста улашур уйқу. (II. 280)

Бандда дастлабки тақрорий сўзда туннинг секинлик билан қоронғилик оғушига кириши ифодаланса, унинг тақрор кўлланиши воситасида қоронғилик натижасида юзага келган оромнинг кишига осойишталик, уйку бағишлиши ифодаланган. Банддаги тақрорий ифодалар воситасида оҳангдошлиқ юзага келган. Маъно ривожлантирилган ва таъкидланган. “Бобожон” шеъридан олинган куйидаги бандда ҳам шундай тақрор асосида ўзгача бир маъно юзага келган:

Кўринасан нега тажсангрок,  
Қарашинг ҳам нечун сал совуқ?  
Ғарам-ғарам чопдик-ку янтоқ,  
Кучоқ-кучоқ юлдик чирмовуқ. (I. 337)

Банддаги ҳар бир тақрорий сўзда алоҳида миқдорий кўплик маъноси мавжуд бўлса, улар биргаликда меҳнат ҳосиласининг баракасини ифодалаган ва мазмунга экспрессив маъно бағишлини, умумийликни юзага келтирган. Маъно кенгайган. Бу каби тақрорлар кетма-кет икки мисранинг турли ўринларида юзага

келиши мумкин. Бундай тақрор шаклларнинг барчаси Миртемир шеъриятида маълум услубий вазифа бажарган. Чунончи, “Сумалак” шеърида қуйидагича мукаррар тақрорини учратишими мумкин:

Қайга борсанг – сумалак, қайга борсанг – сумалак,

Танглайда лекин ўша сумалак мазаси бор,

Кўнглимда ҳануз-ҳануз онамнинг азаси бор,

Мозорини тополмай ҳануз-ҳануз мен ҳалак. (II. 343)

Тақрорий сўзларнинг қайтарилиши фақат мисра ёки банд доирасида эмас, балки шеърнинг бир неча мисраларида тақрорланиб келиши кузатилади. Бундай тақрорлар шоирнинг “Афросиёб”, “Қиз қўшиғи”, “Уйгон, шоир!”, “Гавҳар”, “Етмиш тўрт”, “Ўзбек йўли”, “Йил боши орзулари”, “Яли-яли”, “Мангу олов”, “Сенга, Республикам!..”, “Тўй”, “Соз” каби ўнлаб шеърларида; “Юз бир”, “Барот”, “Бахшининг айтганлари” каби достонларида мавжуд. Банд доирасидаги тақрорлар бандда уч ва ундан ортиқ мисраларда тақрор келиши ҳам мумкин. Бу “Соз” шеърида қуйидагича ифодаланган:

Чал тўлгона-тўлгона

Соз сеҳрига чулгона.

Тинглайн ёна-ёна,

Ташнадай қона-қона. (II. 122)

Халқона оҳангда ёзилган ушбу шеърдаги тақрорий сўзлар оҳангдошлиқ ва мусиқийликни юзага келтирган. Қофиянинг шаклланишини таъминлаган, маънони тўлдириган ва ҳаракатнинг борган сари кучайиб боришини ривожланишда ифодалаган.

А.Хожиахмедов: “Мукаррар лафз раддул ажуз ал-ассард санъатига ўхшаб байт мисраларининг турли ўринларида кўлланиши мумкин”<sup>1</sup>, – дейди. Миртемир шеъриятида бундай тақрорлар банд, асосан, тўртлик доирасида юзага келган. Шоир шеъриятида бунинг куйидаги кўринишлари учрайди.

1. Бир мисрада кетма-кет кўлланган:

Дону дун ҳам орзумиздай

Тепа-тепа, ғарам-ғарам.

Ўўқинчилк эртакдаги

Беҳиштлардан тўқисроқ, соз. (II. 328)

2. Банднинг кетма-кет икки мисрасида – мисралар бошида, мисралар охирида, бирор мисра бошида ва кейинги мисра ўртасида, бирор мисра бошида ва кейинги мисра охирида, бирор мисра

<sup>1</sup> Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 102.

ўртасида ва кейинги мисра бошида, бирор мисра охирида ва кейинги мисра бошида, мисралар ўртасида тақрорланган:

Эгик бутоқларни силкиб қўяман,  
Шода-шода сачрап асл дур гўё,  
Дурмас, қатра-қатра яшил нур гўё,  
Яшил гўзаликка қачон тўяман? (II. 219)

3. Банднинг биринчи ва учинчи мисраларида қўлланган:

Ясси-ясси дўнглардан  
Ўтаман хаёл чулгаб,  
Ўтаман оғир-оғир  
Боболар замонига. (II. 131)

4. Шеър банднинг биринчи, учинчи, тўртинчи мисраларида қайтарилган:

Оқ булутлар аста-аста  
Тоғдан тушиб келади,  
Карвон тузиб даста-даста,  
Учуб-учиб келади. (I. 360)

5. Шеър банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи мисраларида тақрор келган:

Оламдан хабар ол, хушивақт дил,  
Циллар бор – ранжиди ва чил-чил  
Циллар бор – эрк кутар йилма-йил,  
Йилма-йил қисмати зилдан-зил ... (II. 182)

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Миртемир шеъриятида мукаррар бандда битта тақрорий сўзнинг қайтарилиши ёки турли шаклдаги тақрорий сўзларнинг қўлланishi асосида юзага келган:

Пўлат ўмров саф-саф йўрга азми бу,  
Не чавондоз, саф-саф дарга азми бу,  
Эгачи-ю жисян, тога азми бу,  
Кутлуғ хирмон келяпти. (II. 245)

Чор атроф сабзаларда  
Жимир-жимир кўзмунчоқ,  
Бўй-бўй дилраболарнинг  
Сузук кўзларими ё? (II. 100-101)

Миртемир шеъриятидаги тақрорий сўзлар иккى хил характерга эга. Уларнинг бир гурухи тилда аввалдан мавжуд, одатий тақрорий сўзлар бўлса (*аста-аста*, *чил-чил*, *қучоқ-қучоқ*), бошқа бир гурухи шоирнинг ўзи уюштирган, шакллантирган (*ҳануз-ҳануз*, *ёна-ёна*,

*қона-қона, ғарам-ғарам*) тақрорий сўзлардир. Одатий тақрор сўзлар кундалик нутқда, турли услублар ва жанрларда тез-тез кўлланиб тургани учун улар ифодалайдиган услубий маънолар шоир ўзи шакллантирган тақрорий сўзлар ифода этувчи услубий маънога нисбатан кучли эмас. Чунки ижодкорнинг ўзи яратган тақрорларда окказионаллик хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, китобхон дикқатини ўзига кучлироқ жалб қиласди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳамма гап тақрорий сўздан мақсадга мувофиқ, мохирона ва ўрнини топиб фойдаланишда. Миртемир ижодида кейинги хусусият алоҳида бўртиб намоён бўлган.

Умуман олганда, Миртемир шеъриятида мукаррар тақрори мақсадли қўлланган. Шоир шеъриятида тақрорий сўзларнинг қўлланиши салмоқли бўлиб, буларнинг барчаси бадиийлик учун хизмат қилган. Тақрорий сўз сифатида асосан, от, сифат, феъл сўз туркумидаги сўзлардан кўпроқ фойдаланилган.

### 3.3. Тақрир

Тақрир арабча *тақрор* сўзидан олинган бўлиб, у шеърий асарда сўзнинг турли шаклдаги тақоридан иборат. “Тақрир “тақрорлаш” маъносини ифодаловчи лафзий санъат бўлиб, шеърда у ёки бу сўзни тақрор қўллашни назарда тутади”<sup>1</sup>. Атоуллоҳ Хусайнин ушбу санъат ҳақида фикр билдирад экан: “Ани тақрор ҳам дерлар ва ул маъненинг тақрири, яъни ани мукаррару муҳаққак қилмоқ янглиғ нукта учун лафзни тақрорламактин ибораттур”<sup>2</sup>, – дейди. Аллома Атоуллоҳ Хусайнин тақрирни маънавий санъатларга киригади ва ёзади: “Тибён” соҳиби, бу навъни тардид дерлар, дегтур. Тардиднинг зикри лафзий санъатларда кечти”<sup>3</sup>. Кўриниб турибдики, “тақрир” манбаларда турлича номланган. Жумладан, *тақрор*, *тардид*, *тақрир* каби терминлар билан юритилган. Бу тақрор баъзи манбаларда маънавий санъатларга, баъзи манбаларда лафзий санъатларга киритилган. Бизнинг фикримизча, у лафзий-маънавий санъатлар турига киради. Чунки тақрирда шакл ва маъно тақрори мавжуд бўлади. Бу эса тақрирнинг лафзий ва маънавий санъатлар хусусиятларини ўзида мужассам этишидан далолатдир. Тақрирда сўз тақори ёки, умуман, тил бирлиги тақори маълум

<sup>1</sup> Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиинят малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 100.

<sup>2</sup> Хусайнин Атоуллоҳ. Бадиийзу-санъат / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – Б. 172.

<sup>3</sup> Хусайнин Атоуллоҳ. Ўша асар. – Б. 173.

ўртасида ва кейинги мисра бошида, бирор мисра охирида ва кейинги мисра бошида, мисралар ўртасида тақрорланган:

Эгик бутоқларни силкиб құяман,  
Шода-шода сачрап асл дур гүё,  
Дурмас, қатра-қатра яшил нур гүё,  
Яшил гүзаплика қачон тұяман? (П. 219)

3. Бандынг биринчи ва учинчи мисраларида күлланган:

Ясси-ясси дүңгелардан  
Үтаман хаёл чулғаб,  
Үтаман оғир-оғир  
Боболар замонига. (П. 131)

4. Шеър бандынг биринчи, учинчи, түртінчи мисраларида қайтарылған:

Оқ булатлар аста-аста  
Төзден тушиб келади,  
Карвон тузидаста-даста,  
Учыб-учыб келади. (І. 360)

5. Шеър бандынг иккінчи, учинчи ва түртінчи мисраларида тақрор келған:

Оламдан хабар ол, хушивақт дил,  
Диллар бор – ранжиди ва чил-чил  
Циллар бор – әрк кутар ийлма-ийл,  
Ийлма-ийл қисмати зилдан-зил ... (П. 182)

Яна шуны алохыда тақидлаш керакки, Миртемир шеъриятида мукаррар бандда биттә тақрорий сүздинг қайтарилиши ёки турли шаклдаги тақрорий сүзларнинг күлланышы асосида юзага келған:

Пұлат ўмров саф-саф йүрге азми бу,  
Не чавондоз, саф-саф дарга азми бу,  
Әгачи-ю жиян, тога азми бу,  
Күттүлүг хирмон келяпты. (П. 245)

Чор атроф сабзаларда  
Жимир-жимир күзмунчоқ,  
Бүй-бүй дилраболарнинг  
Сузук күзларими ё? (П. 100-101)

Миртемир шеъриятидаги тақрорий сүзлар иккى хил характерга эга. Уларнинг бир гурухы тилда аввалдан мавжуд, одатай тақрорий сүзлар бўлса (*аста-аста*, *чил-чил*, *қучоқ-қучоқ*), бошқа бир гурухи шоирнинг ўзи уюштирган, шакллантирган (*ҳануз-ҳануз*, *ёна-ёна*,

*қона-қона, гарам-гарам*) тақрорий сүзлардир. Одатай тақрор сүзлар кундалик нутқда, турли услугблар ва жанрларда тез-тез күлланыб турғани учун улар ифодалайдиган услугбий маънолар шоир ўзи шакллантирган тақрорий сүзлар ифода этувчи услугбий маънога нисбатан кучли эмас. Чунки ижодкорнинг ўзи яратган тақрорларда окказионаллик хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, китобхон дикқатини ўзига кучлироқ жалб қиласи. Аммо шуни ҳам тақидлаш лозимки, ҳамма гап тақрорий сўздан мақсадга мувофиқ, мохирона ва ўрнини топиб фойдаланишда. Миртемир ижодида кейинги хусусият алохыда бўртиб намоён бўлган.

Умуман олганда, Миртемир шеъриятида мукаррар тақрори мақсадли күлланған. Шоир шеъриятида тақрорий сўзларнинг күлланышы салмоқли бўлиб, буларнинг барчаси бадиийлик учун хизмат қилған. Тақрорий сўз сифатида асосан, от, сифат, феъл сўз туркумидаги сўзлардан кўпроқ фойдаланилган.

### 3.3. Тақрир

Тақрир арабча *тақрор* сўзидан олинган бўлиб, у шеърий асарда сўзнинг турли шаклдаги тақоридан иборат. “Тақрир “тақрорлаш” маъносини ифодаловчи лафзий санъат бўлиб, шеърда у ёки бу сўзни тақрор кўллашни назарда тутади”<sup>1</sup>. Атоуллоҳ Ҳусайнин ушбу санъат ҳақида фикр билдирад экан: “Ани тақрор ҳам дерлар ва ул маъненинг тақрири, яъни ани мукаррару мұхажққак қилмоқ янглиғ нукта учун лафзни тақрорламактин ибораттур”<sup>2</sup>, – дейди. Аллома Атоуллоҳ Ҳусайнин тақрирни маънавий санъатларга киригади ва ёзади: “Тибён” сохиби, бу навъни тардид дерлар, дептур. Тардиднинг зикри лафзий санъатларда кечти”<sup>3</sup>. Кўриниб турибдики, “тақрир” манбаларда турлича номланған. Жумладан, *тақрор*, *тардид*, *тақрир* каби терминлар билан юритилған. Бу тақрор баъзи манбаларда маънавий санъатларга, баъзи манбаларда лафзий санъатларга киритилған. Бизнинг фикримизча, у лафзий-маънавий санъатлар турига киради. Чунки тақрирда шакл ва маъно тақрори мавжуд бўлади. Бу эса тақрирнинг лафзий ва маънавий санъатлар хусусиятларини ўзида мужассам этишидан далолатдир. Тақрирда сўз тақрори ёки, умуман, тил бирлиги тақрори маълум

<sup>1</sup> Ҳожижхмедов А. Мумтоз бадиинят малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 100.

<sup>2</sup> Ҳусайнин Атоуллоҳ. Бадиийу-с-саноий / Форсочадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – Б. 172.

<sup>3</sup> Ҳусайнин Атоуллоҳ. Ўша асар. – Б. 173.

бир қонуният асосида такрорланмайды, балки такрир мисраларда турли шаклларда такрорланади. Шунингдек, такрирни турли тил бирликлари ҳосил қилиши мүмкін. Бу услугий восита такрорнинг башқа турларига нисбатан көнгроқ күлланиш хусусиятига эга. Шу маънода такрир воситасининг *такрор* деб күлланиши ҳам унинг такрорнинг барча турларига ишора қылғандек бўлади.

Миртемир шеъриятидаги такрорлар ҳам турли шаклларда намоён бўлган. Шоир ўз ижодида такрирдан маҳорат билан фойдаланган. Унинг гўзал намуналарини бадиий-услубий восита сифатида күллай олган. Адибнинг “Ой юзли”, “Соч оқлиги – кўнгил оқлиги”, “Майли...”, “Ҳандалак”, “Баркут”, “Қарқаралик”, “Йиги”, “Отлик аскар”, “Булоқ”, “Чўл кечаси”, “Аттанг!”, “Зебижон”, “Нурхонни йўқлаб”, “Сулув” каби ўнлаб шеърларида такрирнинг гўзал намуналари яратилган. Жумладан, шоир “Ой юзли” шеърида *ой ва ойдин* сўзлари билан боғлиқ такрор, оҳангдошлиқ, тажхисни маҳорат билан кўллаган:

*Кеча ойдин, қўз ойдин!*

*Мен сўрадим сўз ойдин,*

*Ой деди: ой юзлигинг*

*Ойдинроқдир, юз ойдин.*

(I. 199)

Шеърда ёр тавсифи мавжуд бўлиб, бу юқорида берилган дастлабки бандда сўзлар тақори, товушлар уйғунлиги, сўз ўйини воситасида тасвирланган. Бандда *ойдин* сўзи беш марта кўлланиб, тақорни юзага келтирган. Бу тақоррлар фақат бир сўзларнинг тақорлари бўлмай, балки омонимлик ҳолат ҳам юзага келган. Сўз ўйини ҳосил қилинган. “Сўз ўйини – бадиий адабиётда сўзларнинг (ёки айрим ҳарфларнинг) ёзилишидаги ўхшашлиги асосида бир хил ўхшаш шаклда турли маънода кўлланиши”<sup>1</sup>. Банднинг биринчи мисраси *Кеча ойдин, қўз ойдин!* шаклида бўлиб, кеча *ойдин* бирикмасидаги *ойдин* сўзи ёрға сўзига синоним бўлиб, қўз *ойдин* бирикмасида *ойдин* сўзи кўчма маънода аниқ кўриниб, билиниб турган, равшан маъносида кўлланган ва маъно таъсиранлиги ортган. Иккинчи ва тўртинчи мисра охирида қўлланган *ойдин* сўзлари – *ой* сўзининг жўналиш келишигидаги шакли. Бандда *ой ва ойдин* сўзларининг кўлланиши оҳангдошлиқни юзага келтирган. Мусиқийликни таъминлаган. Китобхон дикқати бевосита шу тақорорий сўзларга тортилган. Тақорорий сўзларда маъно

таъсиранлиги ортиб борган. Белги билдирувчи *ойдин* сўзи дастлаб ойдин кеча маъносини ифодалаб келган бўлса, шу мисранинг ўзида тақор келиши кўчма маъно англатиб, маъно таъсиранлигини кучайтирган. Шунингдек, тўртинчи мисрадаги *Ойдинроқдир, юз ойдин* тақорлари эса маънени янада таъсиран ифодалашга хизмат қилган. Шу билан бирга қофиядош сўзлар билан боғлиқ ҳолда кўлланган янада омонимлик ҳолат ҳам борки, бу юз сўзининг учинчи мисрада от, тўртинчи мисрада сон сўз туркуми бўлиб келишини натижасида оҳангдошлиқ янада таъсиран ифодаланган.

Келтирилган матнда суюкли аёлнинг хусну таровати мадҳ қилинган. Унинг хусни ой ва ойдин (*ой ёругига кўмилган кеча*)га қиёслаш орқали тасвирланган. Шоирнинг маъшука чехраси юз ойдан ҳам устун туришини, юз ой сочган нурдан ёргу, жозибали экани ҳакидаги тасвири шеърдаги *о* товуши билан бошланувчи сўзлардаги *о* унлисининг оҳангдошлиги билан уйғунлик ҳосил қилган. Бу уйғунлик мусиқийликни, талаффузда яқинликни таъминлаган ва бу ҳол шеърдаги ўзига хос оҳангни шакллантирган.

Келтирилган миссолларда нозиктаб шоирнинг поэтик маҳоратни намойиш қилувчи фикрлари бор. Булар: *кеча ойдин* (*ёргу*) бўлғач, албатта атроф кўзга аниқ кўринади. Демак, бу ҳолатта табиат ҳодисаси – ойдинлик сабабчи. Шоирнинг ушбу ҳолатни юзага келтираётган ойга мурожаат қилиши ҳам табиий – юз, чехрани ойга қиёслаш анъанавий усул. Бу ўринда атрофни нурга чулғаб, ойдинлик яратиб турган ойнинг маъшука чехрасини юз ойнинг ва унинг нуридан ҳам юқори қўйиши – муболага. Шоир ёргу, ёрғулоқ, юз бор ёргу, нурли, нурағион каби сўзлардан фойдаланиши мумкин эди. Аммо шеърда тасвир қуроли қилиб олинган тақорор зарар кўрган, ўз мукаммаллигига етмай қолган бўлар эди. Шу сабабли тўртинчи мисрада *ойдин* (*ойдинроқ*) сўзидан фойдаланган, натижада *ойдин* сўзи тақорори билан юзага келувчи бадиий санъат ўз мукаммаллигига эришган. Шунингдек, бу тасвир шеърнинг кейинги бандларида янада таъсирили ифодаланган:

*Ойдинда денгиз сулув,*

*Судва ой тенгсиз сулув,*

*Денгиздан ҳам, ойдан ҳам*

*Ой юзли шу қиз сулув.*

(I. 199)

Шоирнинг баъзи шеърларида тақорор бирликларнинг шеър бошидан то охиригача уйғунлигини кўришимиз мумкин. Бу эса бутун шеърнинг тақорор асосига қурилганлигидан далолатдир.

<sup>1</sup> Адабётшунослик терминлари лугати / Тузувчилар: Ҳ.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброхимова. – Т.: “Ўқитувчи”, 1967. – Б. 212.

Жумладан, Миртемир “Қарқаралик” шеърида қарқаралик гўзал образини яратишда товуш, сўз, сўз бирикмаси, мисра такрорларидан маҳорат билан фойдаланган:

Қарқаралик, қайдан келдинг қошимга,  
Қайдаги савдони солдинг бошимга.  
Қайдаги савдони солсанг бошимга,  
Қота кўрма қатрон менинг ошимга! (II. 31)

Бандда *қ*, *с*, *ш* ундошлари такрори аллитерацияни; *а*, *о* унлилари такрори ассонансни юзага келтирган. Айниқса, шеърда қарқара сўзи билан боғлиқ такрорлар шеър ғоявий мазмунининг ифодаланишида алоҳида услубий вазифага эга ва турли маъно товланишларини ифодалаб келган. Биринчи бандда қарқаралик, яни Қарқарада яшовчи маъносидаги кўлланган бўлса, иккинчи бандда бу сўзга оҳангдош қарқара сўзини кўллаган:

Қош устига қўндирибсан қарқара,  
Қора сочинг қора тунда шаршара,  
Тўлқинида кошки ўзим чўмилсан...

Шайдойингман, гар қарама, гар қари! (II. 31)

Кўриниб турибдики, биринчи банддаги қарқаралик Қарқаралида яшовчи гўзал ёрга нисбатан кўлланган. Қарқарали – Қозогистон Республикаси Қарағанда вилоятидаги шаҳар<sup>1</sup>. Иккинчи банддаги қарқара сўзи ёрнинг қош устига ўрнатган тиллақошнинг қарқара күшига қиёс килинишини ифодалайди. “Қарқара – бўйни, тумшуғи ва оёқлари узун, тик қоматли, турнага ўхшаш, оппок, чиройли ботқоқлик куши; қўтонларнинг бир тури”<sup>2</sup>. Шеърда сўз ўйини ва мисралардаги оҳангдош, қофиядош сўзлар ҳам такрор бирликларнинг маъно таъсирчанлигини оширишда асосий восита бўлиб хизмат қилган. Яъни банднинг Шайдойингман, гар қарама, гар қари! мисрасидаги гар қарама, гар қара бирикмаларида ички бир мусиқий оҳанг банднинг дастлабки мисраларидаги қарқара, шаршара сўзлари билан ўзаро оҳангдошлик ҳосил қилган. Кейинги уч банднинг ҳар бири қарқаралик ва қарқара сўзлари такрори билан бошланади. Қарқара такрорининг шеърда ўзига хос шаклда кўлланishi, ҳар бир банднинг маъно таъсирчанлигини оширган.

Шоирнинг “Соч оқлиги – кўнгил оқлиги” шеърида оқ сўзининг ўзига хос маъносига юзага келган:

Соч оқлиги – эмиш – кўнгил оқлиги...

Жумбоқ каби тагин сўрашинг нечун?  
Эй, олтин ёшлигим бебошвоқлиги,  
Эй, сен гойиб кун! (II. 39)

Бандда оқ сўзининг такрор кўлланиси услубий вазифа бажариб келган. соч оқлиги бирикмаси таркибида оқ сўзи белги, ранг билдириб, соч толаларининг оқлигига ишора бўлса, кўнгил оқлиги бирикмасида кўчма маънода кўлланаб, беғуборлик, соф кўнгиллик, росттгўйлик каби инсоний фазилатларни ифодалаб келган.

Миртемирнинг “Майли...” шеърида такрорнинг ўзгачароқ шаклини учратамиз. Шеър бошидан охиригача градацион ўсишдаги такрор воситасида яратилган. Шеърда такрор кўлланган сўзлар мен ва сен сўзларидир. Бу сўзлар қарама-қарши маъноли сўзлар бўлмаса-да, улар матнда зидликни юзага келтирган. Яъни:

Майли, бўлишайлик – боғларни сен ол,  
Чўл менга қолсин.  
Дарёларни сен ол, тоғларни сен ол,  
Кўл менга қолсин. (II. 143)

Шеър мисралари Эркин Воҳидовнинг “Барча шодлик сенга бўлсин” деб номланувчи шеърига ўхшаш бўлиб, бунда устоз-шогирд анъаналари кузатилиди. Бу шеърларда лирик қаҳрамоннинг ички ҳиссиётлари түғёни зиддиятли ҳолатларда акс этган. Чунки ушбу шеърда сўзлар муайян семалари асосида зоҳирлан антонимлик ҳосил қилган. Ҳар иккала шеър ҳам 1967 йилда ёзилган, шундай бўлса-да, иккала ижодкорда икки хил ёндашув ва икки хил тасвир мавжуд.

Миртемирда боз – чўл; дарё, тоз – кўл; кўл – сой; қуёш – ой; ой – юлдуз; оқ тунлар – кундуз; шароб – чой ёки айрон; сарой – четроқ; жой; Самарқанд – Туркестон ёки Сайрам каби сўзлар контекстда жой; Ҳар иккала шеърида антонимлик ҳосил қилган бўлса, Эркин ўзига хос контекстуал антонимлик ҳосил қилган бўлса, Эркин Воҳидов “Барча шодлик сенга бўлсин” номли шеърида шодлик – ситам, дилдорлик – хуиторлик, жон – дард, соглик – беморлик, ҳусн – ишқ, роҳат – азоб, ором – бедорлик, кошона – майхона, ҳушёрлик – хумморлик, кундуз – тун, гулшан – тиканзор, шаҳаншоҳ – қуллик, жафокорлик – вафодорлик, дилозорлик – дилафгорлик, инкорлик – иқорлик каби антоним сўзлардан фойдаланган.

Мұҳаббат мавзуидаги бу шеърларда такрор ва тазод уйғунылигини кузатишими兹 мумкун. Миртемир шеърида мисралар оша маъно ҳам, оҳанг ҳам, интонация ҳам кучайиб борган:

<sup>1</sup> Узбекистон миллий энциклопедияси: 12 жилдли. – Т.: ЎзМЭ, 2005. – 10-жилд. – Б. 612.

<sup>2</sup> Узбек тилининг изоҳи лугати: 5 жилдли / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: ЎзМЭ, 2008. – 5-жилд. – Б. 255.

*Шароб сенга бўлсин, чой менга қолсин,  
Ёки айрони.*

*Сарой сенга, четроқ жсой менга қолсин,  
Сайгоқ, жайрони ...*

*Самарқандни сен ол, Туркистон менга,  
Ё майли, Сайрам.*

*Ўшанинг ўзи ҳам бир жаҳон менга,  
Бир тўй, бир байрам.*

(II. 143)

Эркин Воҳидов шеърида эса куйидагича тасвирланган:

*Бу жаҳоннинг роҳатин ол,*

*Бор азобин менга бер,*

*Сенга бўлсин барча ором,*

*Барча бедорлик менга.*

*Ол ўзинг кошоналарни,*

*Менга қўй майхонани,*

*Барча ҳушёрлик сенга-ю,*

*Барча хумморлик менга<sup>1</sup>.*

Кўриниб турибдики, ҳар иккала ижодкорда икки хил тасвир намоён бўлган. Миртемирда халқона оҳанг, соддалик ва равонлик устунлик қиласа, Эркин Воҳидов шеърида аруз вазнига хос вазминлик етакчилик қиласа. “Эркин Воҳидов ғазалда антитетанинг таъсир кучини ортишишга, ғазалнинг, умуман, антитета асосига қурилганлигини асослашга яна бошқа санъатлар ҳам хизмат қилдирилган. Булар барча, бор, сен, мен, ол, бўлсин, майли каби сўзларни турли шаклларда такрорлашда яққол кўзга ташланиб, такрир лафзий санъати ҳам ҳосил бўлган”<sup>2</sup>. Бу ҳолат Миртемирда ҳам кузатилади. Матндан ташқарида бошқа-бошқа маънога эга бўлган сўзларнинг контекстуал зидлиги шоирнинг ички түғёнини образли ифодалаш, маъно таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилган. Бундай вазифа шеърда такрор қўлланган майли, ол, мен, қолсин сўзлари воситасида намоён бўлган. Контекстдан ташқарида бошқа-бошқа маъно англатувчи бу сўзлар матнда ўзаро зидлик шаклини яратиб, аслида умумлашма маъно ифода этган. Шеър градацион ўсишда берилган. Сўзлар маъноси, айниқса, такрор сўзлар маъноси таъсирчанлиги ортиб борган. Шеърнинг дастлабки мисраларидаги менга қолсин сўз бирикмаси шеърнинг ўрта кисмидаги менга шаклида, охирида эса қўл торт шаклларида

ифодаланган. Бундай семантик-стилистик бўёқдорликнинг ортиб бориши шеър маъносига мос ҳолда намоён бўлган. Бунда лирик қаҳрамон руҳиятидаги кескинлик, норозилик аломатлари ҳам ўз ифодасини топган. Эркин Воҳидов қаҳрамони эса вазмин. Маъшука олдида ўзини айбордердек сезади:

*Сенга шеърни битсин Эркин,  
Йиртиб отмоқ ўз ишинг,  
Касби инкорлик сенга-ю,  
Айбга икrorлик менга<sup>1</sup>.*

Нихоят, Миртемирда муддао айтилади. Яъни:

*Олавер, олавер, барисини ол,  
Ошиқ индамас,  
Барини олгину, менга-чи, Ойхол,  
Ўзинг қолсанг бас.*

(II. 143)

Шоир шеър сўнгидаги ўз мақсадини ифодалашда яна такрорга мурожаат қилган. Олавер, олавер, барисини ол дея таъкидлайдики, бундан келиб чиқадиган хулоса – лирик қаҳрамон ўз севганига етишиш йўлида барча нарсадан воз кечишга тайёр. Бу ерда яна шундай мантиқ мавжуд, яъни севгилиси барча нарсани олади, ўзи эса шоирники бўлса, у олган нарсалар ҳам Ойхол билан қайтиб қиласа. Булар она юрт, унинг сўлим, гўзал табиати неъматларидир.

Миртемир шеъриятида такрир кўп қўллануб, уларда ўзига хос шаклда намоён бўлган ва ҳар бирида қўшимча маъно оттенкасини бажарган.

Миртемирнинг ижодий фаолияти шеърдан шеърга ўсиб, мукаммаллашиб борган бу бадиий тасвирий воситаларининг қўлланishiда ҳам кўзга яққол ташланади. Шоир ижодининг дастлабки йилларида ёзилган баъзи шеърларида, жумладан, “Мехнат”, “Ён”, “Чўл” каби шеърларида такрор усули меъордан ортиқ қўлланган ҳолатлар ҳам кузатилади. Бу шеър гояси ва бадиий тилига маълум даражада салбий таъсир этган:

*Мехнат – шеър, нафосат ва яратгувчи...  
Бахт-саодат чашмалари оқади меҳнат туфайли,  
Ҳақиқат ўз чироқларини ёқади меҳнат туфайли...*

*Мехнат!  
Мен сени қучай!..  
Юксакларга учай!..  
Шеър сочай!..*

<sup>1</sup> Воҳидов Э. Ишқ савдоси: Сайланма: З жилдли. – Т.: Шарқ, 2000. – 1-жилд. – Б. 116.

<sup>2</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитета (Э.Воҳидов шеърияти мисолидаги). Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 14.

## Табиатнинг яширин сирларин очай!

(I. 15)

Шеърда асосий гоя меҳнат сўзига сингдирилмоқчи бўлган ва шеър давомида бу сўз йигирма олти маротаба кўлланган. Шеърдаги бундай номукаммаллик мазмун ва шакл ўртасидаги номутаносибликни келтириб чиқарган. Шундай бўлса-да, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек шоир шеъриятида ижодий ўсип, гоявий мазмундорлик, бадиий тасвирий воситаларнинг кўлланишидаги маҳорат шеърдан шеърга ўтган сари мукаммаллашиб борган.

Умуман олганда, Миртемир шеъриятида энг моҳирона кўлланган лексик бадиий тасвирий воситалардан бири такрирdir. Бу тақрор восигаси орқали шеърдаги маълум ҳолатга, сўзга, умуман, тил бирлигига ургу берилади ва шеър давомида айнан шу тушунчанинг моҳияти ёритилади. Шу асосида шеърда айтилмоқчи бўлган фикр коннотатив мазмун касб этади.

### 3.4. Эпифора

Эпифора – бадиий тақрор турларидан бири. “Эпифора (гр. еpi – сўнг, phoros – олиб борувчи) сўзларидан олинган<sup>1</sup> бўлиб, мисралар охиридаги товуш, сўз ёки сўз биримаси тақроридан иборат. “Эпифора, деб ёзади Ж.Лапасов ўз асарида, – тақрорнинг бир тури бўлиб, товушлар тугалланиши ҳам деб юритилади”<sup>2</sup>. Шунингдек, манбаларнинг яна бирида: “Эпифора – бадиий тил воситаларидан бири бўлган тақрор кўринишларидан бири, шеърий асарда сўзлар ёки мисралар охирида айрим унли ёки ундош товушларнинг тақрорланиб келиши”<sup>3</sup>, – деб қайд этилган.

О.С.Ахманованинг талқинига кўра, эпифора нутқ фигурализдан бири бўлиб, сўз ёки сўз биримаси бир ёки бир неча фраза охирида келади ва шеърий нутқнинг ифодавийлигини кучайтиради<sup>4</sup>. А.Ҳайдаров эпифорани фоностилистик воситалардан бири сифатида талқин қилиган<sup>5</sup>.

У.Тўйчиев эса эпифорага куйидагича таъриф берган: “Коғиясиз мисралар охирида тақрорланган ҳолда келиб, байт ёки

бандларни уюштирувчи ва улар охирини эслатувчи, бу билан ритмик вазифани ҳам бажарувчи, ифодалилик, хушоҳанглик ва мусикийликни орттирувчи, бирон тушунча ё фикрни ажратиб, таъкидлаб кўрсатувчи сўз ва сўзлар охирги сўз тақрори (эпифора) дейилади”<sup>6</sup>.

Эпифора – шеърий мисралар охирида келган товуш, сўз, сўз биримасининг оҳангдошлиги ёки тақрори асосида услубий бўёқдорлик ҳосил қилувчи тақрор усулидир. Эпифора қатъий тизимли тақрор бўлиб, мисрада келиш ўрнига кўра анафорага зиддир. Чунки анафора мисра бошидаги сўз ёки сўз биримаси тақрори бўлса, эпифора – мисра охиридаги тил бирлиги тақрори. Шунингдек, анафорада мисралар бошида оҳангнинг кўтарилиши кузатилса, эпифорада мисралар охирига ургу берилади ёки оҳангнинг кўтарилиши юзага келади. Натижада эпифорада мисра охирига томон оҳангнинг кўтарилиши юзага келиб, мантиқий ургу ҳам шу тақрорланувчи бирликка тушади.

Эпифора тақрорнинг бошқа турлари сингари ҳозирги замон ўзбек шеъриятида кенг кўлланмоқда. Буни Миртемир ижодида яққол кўришимиз мумкин. Миртемир шеъриятида эпифоранинг турли хил шаклларини учратамиз. Улар турлича услубий маъно ифодалаб, шеърий мисраларнинг ўзига хос жозибасини таъминлаган. Шоирнинг “Онагинам” шеърида дастлаб гашлик сўзи эпифора шаклида тақрор кўлланади:

Товонимга чакир тиканакдай ботгувчи – гашлик,

Бедаво сизловиқдай сизлатгувчи – гашлик.

Жигаримни қиймалаб ахён-ахён,

Чучварага чеккувчи – гашлик. (I. 366)

Ёки шеърнинг яна бир ўрнида эпифора куйидагича кўлланган:

Жон берган онамни кўришишмага кўзим етсайди,

Тиззасига бир нафас бош кўшишишмага кўзим етсайди,

Оналик меҳрига обдон тўйишишмага кўзим етсайди,

Оқ сутингни оқлай, дейшишишмага кўзим етсайди. (I. 366)

Менда гашлик нетарди?

Шоир она олдидағи фарзандлик бурчини ўтай олмаган кишининг афсус-надоматларини эпифора тақрорларида образли ифодалаб берган.

<sup>1</sup> Адабиётшунослик терминлари лугати / Тузувчилар: Ҳ.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. – Т.: “Ўқитувчи”, 1967. – Б. 253.

<sup>2</sup> Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: «Ўқитувчи», 1995. – Б. 51.

<sup>3</sup> Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати / Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. – Т.: “Ўқитувчи”, 1979. – Б. 355.

<sup>4</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Наука, 1969. – С. 528.  
<sup>5</sup> Ҳайдаров А. Бадиий тасвирий фоностилистик воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.

<sup>6</sup> Тўйчиев У. Ўзбек адабиётидаги бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011. – Б. 97.

Мана шундай такрорни “Ў” шеърида ҳам учратишими мумкин:

*Фашист қолса, тупроқ ҳаром.  
Фашист теккан сув ҳаром.  
Фашист ичса, товоқ ҳаром.  
Нима бўлса, шу ҳаром!*

(I. 281)

Шеър 1943 йилда ёзилган. Уруш йилларида барча шоирлар сингари Миртемир шеъриятида ҳам Ватанга бўлган муҳаббат, душманга бўлган нафрат ўз ифодасини топган. Шоирнинг “Ў” шеъри ҳам шундай шеърларидан бири. Шеърда шоир жангчила-римизга далда бериб, уларнинг фашистга бўлган нафратини оширад экан, бунда Сен фашистни ўлдирмасанг, Фашист сени ўлдирар мисраларини қайта-қайта кўллади. Шеър бошдан охиригача такрор асосига курилган. Шеърда такрорнинг бир қанча турлари кўлланган. Айниқса, анафора, эпифора, мисра ва банд такрорлари қўпроқ кўлланган бўлиб, ҳар бирига услубий маъно юкланди. Шу билан бирга, бири иккинчисининг маъносини тўлдириб келган. Юқорида келтирилган бандда ҳам анафора, ҳам эпифора такрорлари мавжуд. Бу эса янада таъсирчанликни оширишга хизмат қилган. Ҳар бир мисра охирида такрор кўлланган ҳаром изоҳли лугати<sup>1</sup>да қуидагича таъриф берилган: “Ҳаром (арабча – фойдаланиш, истеъмол этиш шаръян ман этилган нарса; мұқаддас; ноқонуни) 1 дин. Шариат ҳукмига мувоғиқ ейиш, ичишга, фойдаланишга ярамайдиган, ҳалол эмас. 2 Шариат бўйича, анъана ёки тартиб-қоидаларга кўра ман этилган иш, хатти-ҳаракат, шу йўл билан топилган нарса; ҳаётида шундай йўл тутувчи кимса”<sup>2</sup>. Шоир ифодалётган ҳаром сўзи янада кенгрок маъно ифодалаган. Яъни *фашист юрган тупроқ, фашист ичган сув, фашист теккан товоқ – барчаси ҳаром*, дея шоир ўзининг душманга бўлган чексиз нафратини ифодалайди. Бу эса такрорнинг услубий вазифасини янада оширади. “Бадий асарда, барча услубий воситаларда бўлгани каби такрорнинг зиммасига ҳам тил бирликларига эмоционал бўёқ, алоҳида оҳанг, жозиба бериш вазифаси юкланди. Агар имконият бўлса, шу вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда муаллифнинг ёки асар қаҳрамонининг воқеликка субъектив муносабатини ҳам бера олиши керак”<sup>3</sup>. Шунингдек, шеърнинг яна

бир ўрнида эпифоранинг шаклий ва маъновий такрори уйғунлигини кўришимиз мумкин:

*Жарда кўрсанг – жарда ўлдир,  
Кирда кўрсанг – қирда от!  
Кўрқит – ўлдир, алда – ўлдир,  
Тўғри келган ерда от!  
Кундуз ўлдир, тунда ўлдир,  
Саҳар, оқшом демай от!  
Қайда кўрсанг – шунда ўлдир,  
Аста навбат бермай от!*

(I. 279)

Ушбу бандда ўлдир ва от сўзлари мисралар охирида такрор кўлланиб, шаклий-маъновий эпифора такрорини ҳосил қилган. Банддан англанилган асосий маъно ҳам шу сўзларга қаратилган. Шеърнинг қуидаги бандига эътибор қиласи:

*Йўлда кўрсанг – йўлда янчгин,  
Чўлда кўрсанг – чўлда чоп!  
Дарёларда, кўлда санчгин,  
Үнг ёндан ур, сўлдан чоп!*

(I. 279)

Ушбу банднинг биринчи ва учинчи мисралари сўнгидаги кўлланган янчгин, санчгин сўзларидаги товушдошлиқ ҳамда иккинчи ва тўртингчи мисралар сўнгидаги омоним сўзлар эса иккинчи мисрада чоп сўзи душманни чоп, ўлдир маъносига ишора бўлса, тўртингчи мисрада чопмоқ феълининг иккинчи шахс буйруқ майлида келиши сўз ўйини воситасида товуш оҳангдошлигини юзага келтирган. Булар воситасида душманга бўлган нафрат янада таъсирчанроқ ифодаланган. Бу таъсирчанлик шеърдаги такрор мисраларда ўз ифодасини топган.

Кўриниб турибдики, шоир шеърларида такрор бирликларнинг кўлланиши, маъно англатиши ўзига хос шаклда юзага чиқсан.

Миртемир шеъриятида эпифора такрори турли хил шаклларда намоён бўлган, яъни, асосан, банд доирасида такрор ҳосил қилиб, банд (тўртлик)нинг барча мисраларида, дастлабки уч мисрасида, биринчи ва учинчи мисраларида, иккинчи ва тўртингчи мисраларида, иккинчи ва учинчи мисраларида эпифора такрорини ҳосил қилган.

Миртемир эпифора такрорига кўплаб мурожаат қилган. Эпифорада, асосан, сўз такрорланади, шунингдек, сўз бирикмаси шаклида такрор келиши ҳам кузатилади.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 5 жилди / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: ЎзМЭ, 2008. – 5-жилд. – Б. 510.

<sup>2</sup> Каримов С.А. Бадий услуб ва тилининг ифода тасвир воситалари. – Самарканд: СамДУ, 1994. – Б. 54-55.

Миртемир шеъриятида эпифоранинг сўз ва сўз бирикмаси ёрдамида ҳосил қилинган шакллари фаолдир. Шоир сўзларни эпифора вазифасида қўллар экан, кўпроқ от ва феъл сўз туркумларидан фойдаланган. “Сенга, Республика!..” шеърида буни яққол кўришимиз мумкин:

*Кўллари қадоқ ҳалқим,  
Кўзлари чақноқ ҳалқим,  
Йўллари порлоқ ҳалқим,  
Пахтакор Республика!*

(I. 348)

Миртемир шеъриятида олмош ва сифат сўз туркумлари ҳам эпифора шаклида такрорланган. Шоир эпифора сифатида кишилик олмошларидан оқилона фойдаланган. Буни “Севги” шеърида шундай тасвирлайди:

*Ҳар нимадан азизроқ, қадрдоним – сиз,  
Шу куним, келажагим, жонажоним – сиз,  
Кўзларда қорачигдай сақлаганим – сиз,  
Эй ватан, республикам, сулув ёр, севги...*

(I. 244)

Шоир ижодида эпифора сифатида келган сўз бирикмаларини икки хил шаклда учратиш мумкин. Булар содда сўз бирикмалари ва мураккаб сўз бирикмалари шаклида келган. Содда сўз бирикмаси такрорида от-феъл, феъл-от, сифат-от, феъл-феъл, феъл-олмош шакллари кўпроқ учраса; мураккаб сўз бирикмасида, асосан, от-феъл, феъл-олмош-от, олмош-от шаклларидаги такрорларни кўпроқ учратамиз.

Умуман олганда, Миртемир шеъриятида такрорнинг эпифора тури кўплаб қўлланган бўлиб, ҳар бирида маълум услубий вазифа бажарган. Мисралар охиридаги оҳангдошликни таъминлаган.

Лексик такрорлар сўз шаклида намоён бўлар экан, назмий тилда сўзларнинг ташки кўриниши ҳам ички маъно сингари муҳим аҳамиятта эга. Шеърдаги мисраларнинг мантиқан ўзаро сингдирилиши, айрим сўз – фикрларнинг ажратиб берилиши орқали алоҳида таъсирчанликса эришилади. Миртемир шеъриятида сўз такрорлари ўзига ҳос стилистик маъно англатишга хизмат килган. Зоро, ҳар бир такрорий қўлланган сўзнинг якка ҳолда қўлланганига нисбатан маъно кўлами кенгроқ бўлиб, кўшимича услубий маъно отгенкаларига ҳам эга бўлади. Лексик такрорлар Миртемир шеъриятида такрорнинг турли кўринишлари шаклида қўлланган. Шоир анафора, мукаррар, такрир, эпифора каби такрор турлари воситасида лексик такрорларни маҳорат билан қўллаган.

Айниқса, анафора такрори энг кўп қўлланган бўлиб, ҳар бирида ўзига ҳос стилистик бўёқдорликка эга. Бу каби ҳолатлардан кўриниб турибдики, Миртемирнинг кўпчилик шеърларида, айниқса, анафора такрори қўлланган шеърларида мантикий ургу мисраларнинг бошига тушади.

## ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

1. Миртемир шеъриятида анъанавий анафора, мукаррар, такрир, эпифора бадиий усулларидан ҳам кенг фойдаланилган бўлиб, бундай такрорлар шоирнинг турли вақтларда, ҳар хил мавзуларда ёзган шеърларида учрайди.
2. Анафора, яъни мисра бошида келган сўз ва сўз бирикмаларининг такрори фикрни қайта-қайта уқтиришга, шоир ўзи севган образни мадх этишга хизмат қилган.
3. Шоир шеърларида жуфт ёки такрорий сўзнинг қайтарилиши – мукаррар ҳам кузатилади. Мукаррар шеърий матндан функционал ўрни анафорадаги ҳолатларга ўхшайди, аммо унинг услубий вазифалари фарқланади. Бу шеърий нутққа улар баҳш этадиган оҳангдорлик, мусикийликда намоён бўлган. Шеърнинг экспрессивлиги, бадиий бўёғи ортган.
4. Кузатишларимиз шуни кўрсатдикки, Миртемир шеърларида такрир санъатидан ҳам мохирона фойдаланган. Бу усулда таъсиридан ҳам тоғрилоғида оҳангдорлик, мисраларнинг майин талаффузини таъминловчи, таркибида унли товушлар мавжуд бўлган сўзларни мохирлик билан қўллаган.
5. Такрир лафзий санъатлардан бири бўлиб, поэтик бадииятга хизмат қилувчи муҳим бадиий усулдир. Шоир шеърларида учрайдиган такрир санъати бадиий тасвирий воситаларнинг таъсирчан кўринишларидан биридир. Адид такрир воситасида ўзида асосий мазмунни ифода этувчи сўзга ургу берган, шеър давомида ўша тушунчанинг моҳиятини очиб берган ва пировардида шоир айтмоқчи бўлган ғоя юзага чиққан.
6. Миртемир шеърларида қўлланган бадиий воситалардан бири мисра охирида келган сўз ёки сўз бирикмасининг такрори – эпифорадир. Анафорада мисралар бошида келган сўз ёки сўз бирикмасига ургу берилса, эпифорада, аксинча, мисра охирида бирикмасига ургу берилса, эпифорада, аксинча, мисра охирида

келган лисоний бирликлар эпифора тақори орқали таъкидланади ҳамда шеърий нутқнинг ифодавийлигини кучайтиради.

Таҳлиллар Миртемир шеърларида эпифора сўз ва сўз бирикмаси ёрдамида хосил қилинган тақорлардан иборатлигини кўрсатди. Тақорланган сўз маъносининг бадиий таъсиранлиги ва экспрессивлиги ортган. Бу ҳам шеърнинг таъсиранлик даражасини бадиий воситалар билан бир қаторда оширган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Миртемир – XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири. У ўз услугига эга бўлган адаб. Шоир шеърияти халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанг шеърият бўлиб, тақорларга бойлиги, бадиий санъатлар ва услубий воситаларнинг кенг кўлланганлиги билан фарқланаб туради. Айниқса, тақор воситаси шоир шеъриятининг ғоявий пишиқлиги, бадиий мукаммаллиги, ўзига хос сўз кўллай олиш маҳоратини намоён қилган. Аслида тақор лафзий санъат бўлиб, бу санъат билан боғлиқ услубий воситалар нутқ бирликларининг лингвопоэтик жиҳатдан актуаллашишлага хизмат қилган.

Ушбу илмий тадқиқотда Миртемир шеъриятидаги тақор тил бирликларининг кўлланиши, маъно англатиши, услубий вазифаси каби жиҳатларни тадқиқ қилиш қўйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Миртемир асарлари тили услуб нуқтаи назардан, сўз ва тасвирий воситаларни кўллашда халқ оғзаки ижоди ва жонли сўзлашувдаги лисоний воситалардан фойдаланиш жиҳатидан ўзига хос бўлиб, услубий воситаларнинг кенг ва мақсадга мувофиқ кўллангани билан ажralиб туради.

2. Шоир шеърларида бадиий тасвирий воситаларни маҳорат билан кўллаган, айниқса, бадиий тақор мохирона кўлланган бўлиб, уларнинг семантик-стилистик хусусиятлари Миртемир ижодининг ўзига хослигини белгилайди.

3. Миртемир шеъриятидаги бадиий тақорлар фонетик, лексик, морфологик ва синтактик тақорлардан иборат бўлиб, улар бир-бирини тўлдирган ҳамда шоир шеъриятининг бадиийлигини оширишга хизмат қилган.

4. Миртемир шеъриятидаги бадиий тақорлар оҳангдошликни таъминлаган, таъсиранликни оширган, мажозий маъно юклаган, мисра ёки бандлар ўртасидаги боғликларни таъминлаган, тасвирий ифодалилигини оширган, мазмун ва шакл уйғунлигини хосил қилган.

5. Шоир шеъриятида тақорлар таъкид, сўроқ, илтимос маъноларини кучайтирган, тасвири теранлаштирган ва мусиқийликни юзага келтирган.

6. Миртемир фонетик тақорнинг аллитерация, геминация, ассонанс каби турларидан усталик билан фойдаланган. Бунда,

асосан, *a*, *o* унлиларини ҳамда *c*, *и*, *ю*, *м* ундошларини маҳорат билан қўллаб, уларга услубий вазифа юклаган.

7. Миртемир шеъриятида грамматик тақрорнинг, асосан, ташобеҳул-атроф, ҳалқа, тарди акс, мисра ва банд тақрори каби турлари кўпроқ қўлланган. Шоир шеърларидағи ташобеҳул-атроф тақрорининг асосини сўз ва сўз бирикмаси ташкил қилган. Тарди акс эса тескари қўлланиш асосида тақрор ҳосил қилиши билан фарқланниб, бу усул грамматик жиҳатдан ўзгариб ва ўзгармай қўлланиши асосида қайтарилади ва ўзига хос услубий вазифа бажаради.

8. Шоир шеъриятида ҳалқа ҳамда мисра ва банд тақрорлари шеърнинг умумий ғоясини бир бутунлик тарзида ўраб, мантикий яхлитликни таъминлаган. Айниқса, ҳалқа тақрорида шеър охиридаги тақрорланган мисра ёки банд ўзидан олдинги мисралар маъносининг умумлашмаси, ҳосиласи тарзида намоён бўлган.

9. Миртемир лексик ва лексик-сintактик тақрорларнинг анафора, мукаррар, такрир, эпифора каби турларини қўллаган. Шоир шеъриятида мукаррар тақрорини сўзлар юзага келтирган бўлса, анафора, такрир, эпифора тақрорларини сўз ва сўз бирикмалари ҳосил қилган.

10. Миртемир шеъриятида энг кўп учрайдиган тақрор – анафорадир. Шоир шеърларида мисра бошидаги сўз ва сўз бирикмаларининг қайтарилиши айтиладиган фикр, мақсадни қайта қайта уқтиришга хизмат қилган ва у мисрада орқама-кетин, турли мисраларда тақрорланниб келган. Кузатишлар бундай қўлланишининг Миртемир шеъриятида 14 дан ортиқ кўринишини аниқлаш имконини берди. Мисраларда ўрнига кўра анафорага зид бўлган эпифора мисра охиридаги бирликларнинг шеърий нутқдаги ифодавийлигини кучайтирган.

11. Миртемир шеъриятидаги тақрорларни тадқиқ этиш асосида айтиш мумкинки, тақрор шоир шеъриятининг етакчи услубий-маъновий фазилатларидан биридир. Мазкур услубий воситани Миртемир шеърлари асосида ўрганиш фонетик, лексик ҳамда грамматик тақрорлар шоир назмий нутқининг ўзига хослигини таъминловчи, унинг бадиийлигини оширувчи лингвопоэтик восита сифатида юксак маҳорат билан қўлланганини кўрсатди.

## ТАҚРОРГА ОИД ТЕРМИНЛАРИНИГ ҚИСҚАЧА ИЗОХЛИ ЛУҒАТИ

**АКРОМОНОГРАММА** ва унинг кўринишлари анадиплозис, эпаналепсис, эпанафора, эпонострофа кабилар классик адабиётдаги тасбиф санъатига тўғри келади. Акромонограммада бир тўрртлик ёки байт қайси гап билан тугаса, иккинчиси шу бирлик билан бошланади.

*Шошмайин шимирадим, мен-ку ташна эмасдим,  
Қандайдир ташналигим қонгандай эди лекин.  
Жилмайиб тагин корсон тутса ҳам йўқ демасдим.  
Уни ҳам ичар эдим шошмайин, секин-секин.*

*Секин-секин... ва лекин тат-тайёр бўлдим сархуш,  
Аҳён-аҳён жилмаяр, жилмаярди ҳамон қиз.  
Кўзларимда бу олам гўё эртак ва ё туши,  
Ҳа, шундоқ ажисб қимиз.*

**АЛЛИТЕРАЦИЯ** (лат. ad-ga, да; lit(t)era – ҳарф сўзидан) – бадиий нутқни янада ифодалироқ қилиш учун кўпинча шеърларда, баъзан прозада бир хил, оҳангдош товушларни тақрорлаш.

– Жиндак кутинг, – дейди дояси, –  
Бир ўғилки, кўзга тўтиё...  
– Салом, сулув, салом, сумбул соч,  
Гулдастани ол эмас гуноҳ.

**АНАФОРА** (гр. anaphora – юқорига чиқариш сўзидан) – стилистик фигуралардан бири бўлиб, мисраларнинг бошида ёки прозаик бадиий асардаги гапларнинг олдида бир хил жаранглаган товуш, оҳангдош сўз, ибора ёки йирикроқ синтактик бирликларнинг тақрорланиб келиши.

*У созинар денгиз бўйини,  
У созинар онажонини!  
У созинар булбул куйини,  
У созинар еган нонини...*

**АССОНАНС** (лат. assonate – оҳангдошлик сўзидан) – гапда, мисра ва бандда бир хил унли товушларнинг қайтарилиши.

Элдан айрилган бегона ...  
Ёрдан айрилган девона,  
Ёр, ўлгунча мен парвона,  
Ёр севмайман ёр устина.

**АФФИКС ТАКРОРИ** – бирор қўшимчанинг мисралардаги сўзларда такрор қўлланиб, услубий вазифа бажариши аффикс такрори хисобланади.

*Паридай тиниқинам,  
Тенгсиз жононагинам  
Тонгги тушдай фусункор  
Сен тўқимии атласинг...*

**ГЕМИНАЦИЯ.** Кўш ундошлик. Икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши. Бу восита ундошларнинг қаватланиши деб ҳам юритилади. Бунда ижодкорнинг маълум нарса-ҳодисага нисбатан қўшимча маъно оттенкаси сингдирилган бўлади, унга услубий маъно юклайди, тасвир обьектига нисбатан ўз мақсадини ифодалай олади.

*Негаки мен ҳамиша  
Халқимга ишонгандим.  
Халқимга ва инсоний  
Ҳаққимга ишонгандим.*

**МУКАРРАР.** “Мукаррар” сўзи “қайта-қайта, уст-устига” маъноларини ифодалайди. Шу ном билан аталувчи лафзий санъат эса байтнинг ҳар икки мисрасида жуфт сўз қўллашни назарда тутади. Мукаррар лафз радд ул-ажуз ал-ас-садр санъатига ўхшаб байт мисраларининг турли ўринларида қўллашни мумкин.

*Кел, даврага кел, бинокор,  
Соқчи йигит, чарогбон, ҳей,  
Йўллар ошдик мўлжсал-мўлжсал,  
Диёр-диёр, давон-давон.*

**НАҚАРОТ** - кўшик ёки ашула қилиб айтиладиган шеърнинг ҳар бир банди ёки маълум бандларидан сўнг айнан қайтариладиган мисра, банд (байт) такрори.

*Менинг юртим ҳарорати  
Кирқ уч эмиш... баҳор бунда.  
Тоғ бошидан ўрмон анқир  
Сирли тунда, ойдин тунда.  
Баҳор бунда, дengiz кулар,  
Кулиши ҳам бир афсун-да...  
Аёвлигим, нечун сени  
Кўргим келур кунда-кунда.  
Жонларга жон, атри жаҳон  
Тонг чоги ҳам ёдимдасен,*

*Не жононга тўлса денгиз  
Киргоги ҳам, ёдимдасен.  
Дилни жиндер экизиллатса  
Мунг дози ҳам, ёдимдасен,  
Аёвлигим, нечун сени  
Кўргим келур кунда-кунда.*

**ПАРОНОМАЗИЯ** “Парономазия”, - дейди Квинтилиан, - тингловчининг эътиборини сўзларнинг ё оҳангдорлиги, ё мувофиқ келиши ёки қарама-қарши қўйилиши билан уйготадиган ва кучайтирадиган фигурадир. Уни анномация ҳам дейди. У турли йўллар, масалан, сўз ўзининг ёнидаги сўзнинг келишик қўшимчалари ёрдамида турланган ҳолда ёки ҳеч ўзгаришсиз, кучли таъкид мақсадида такрорлаш йўли билан хосил қилинади.

*Она тилим – она жоним тили бу,  
Бешикданоқ сингган жону қулоққа.  
Элу юртим хонумоним тили бу,  
Қадимликдан ўхшар она тупроққа.*

**ПОЛИСИНДЕТОН.** Гапда ёки мисрада айнан бир хил боғловчи воситаларнинг ёзувчи томонидан атайлаб, такрор ва тақрор ишлатилиши. Полисиндетон ходисаси турли боғловчи воситалар (деб, ва, ҳам, -ки, қандай, қачон, қаерда, ким, кимки, негаки, қаердаки, қачонки, агар)нинг атайлаб, қайта-қайта қўллашни орқали ифодаланади.

*Ўз ўрнида ҳар гул товланур,  
Ҳам товланур, ҳам оловланур.*

**ПРОЗАПОДОСИС** - дистант тақрор кўринишларидан бири. Бунда гап ёки мисра бошидаги айрим сўз ва бирикмаларнинг гап ёки мисра охирида тақрорланиши тушунилади.

*Бандага ҳар куни солади тангри!  
Тангри балосини олади тангри! –  
Дебди шоҳ. – Тинч қўйинг, уни тувлатманг,  
Кулогим нолангиз билан гувлатманг.*

**РЕФРЕН** (фр. refrain) – шеърда ҳар қайси банддан кейин қайтариладиган бир хил мисралар.

*Оҳ, менинг боёқши юрагим,  
Қанчага бўлиндинг, қанчага?  
Бир кунми, бир ой, ё анчага?  
Осонми шу зайл юрмагинг?  
Ўзимга не қолди?*

*Ох, менинг бечора юрагим,  
Қанчага бўлиндинг бу элда.  
Оқасан ҳар куни меҳр-сельда,  
Осонми шу зайл юрмагим,  
Ўзимга не қолди?*

**СЎЗ-ЎЗАК ТАКРОРИ** – бадий матнида ёки шеър мисраларида бир хил ўзакли, яъни ўзакдош сўзниңг тақорор кўлланиши.

*Бахтиёр шу тупроқ фарзанди, Аҳмад,  
Шу элнинг камтарин, тугма куйчиси.  
Шу ҳалқ даласида кўттаргандинг қад,  
Қайзурса – қайзудош, тўйда – тўйчиши.*

**ТАЗМИНИ МУЗДАВАЖ** – мумтоз шеъриятимизда кўпроқ кўлланилган бўлиб, шеърда унли ва ундош товушлар тақорорига асосланган бадий санъат. Бу санъат шеър мисраларида унли ёки ундош товушларни ёнма-ён ёки ўзаро яқин тарзда келтириш билан байт талафузини кучайтириш, мусиқийликни оширишни назарда тутади.

*Чечаклар ...  
Чечаклар ўсган қабрлар олдида тўхтадим.  
Сўлмас, сўнмас маънолар сочиб кетган  
улугларни йўқладим ...*

**ТАКРИР** (арабча - тақорор) – муайян мақсадда асар матнида лафз ёхуд маънени тақорорлаш санъати. Бу санъат манбаларда “тақорор”, “тардид”, “тасдир” каби номлар билан юритилган. Шеършунос аллома Атоулоҳ Ҳусайний “Бадойиъу-с-санойиъ” номли асарида мазкур санъатни “такрир” деб юритган.

*Оғир алам...  
Саҳна эркаси  
Мангу, мангу, мангу кетибди...  
Эркалани мангу битибди...  
Қон тошибди қонхўр кўзида...*

**ТАНСИҚ УС-СИФОТ** (арабча – сифатлар тизмаси) – шоир ёки адид бир байтда ёки жумлада, шунингдек кетма-кет бир неча байт ёхуд жумлада тасвир обьекти бўлган битта предмет ёнини шахсга хос бўлган бир неча хусусиятни, сифатларни пайдар-пай санаб кўрсатувчи санъат тури.

*Кўкракка уради ёқимтой салқин,  
Чечаклар товланур – чечакларда ноз,*

*Ҳаммаси, ҳаммаси кўнгилга яқин,  
Ҳаммаси дилрабо, суюк, сўлим, соз ...*

**ТАРДИ АКС** (арабча ҳайдаш, тескари, тескари ҳайдаш, алмаштириш, ўзгартириш) – сўз, ибора, сўз бирикмасининг шу мисранинг ўзида, байтда терс тақорорлаш санъати. Тарди акс тарихий поэтикага оид манбаларда “акс”, “тарду акс”, “табдил” деб ҳам юритилган. Тарди акснинг икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, сўз ёки сўз бирикмалари иккинчи мисрада ҳеч қандай ўзгаришсиз айнан тақорорланса “акси томм” (“тўла акс”) деб, ўзгариб тақорорланса “акси нокис” (“нуқсонли акс”) деб аталади.

*Ўша дам уйготиб қўйди укаси...  
Укаси уйготиб қўйди дағъатан:  
“Туринг, чой ичайлик, туринг тез, ака!  
Бугун имтиҳон бор табишиётдан  
Юринг, кеч қоламиз мактабга!”*

**ТАШОБЕҲУЛ-АТРОФ** (учма-уч улаш) – ёзувчи ўзи тузган гапнинг охиридаги сўзларни ёки мисра охиридаги бўлакни бошка (кейинги) жумла ёхуд мисра бошида айнан келтириш (тақорорлаш) йўли билан тарафларнинг ўхшашлигига эришиш усули. Бу санъат адабиётимиз тарихида сийракроқ бўлса-да учраб турган. Тарихий поэтикага оид айрим асарларда у “тасбен” деб ҳам юритилган.

*Ўнгурда киришар кечаси бир вақт.  
Бўйинларда чилвир, қўллари боғлиқ.  
Ўнгурда гулхану тўрда бир караҳт,  
Караҳт бир аждаҳо ... қўрқинч нечоғлик!*

**ТАЪДИЛ.** “Тўғриламок” маъносидаги бу сўз шеърда содда отларни тартиб билан келтириш санъатини ифодалайди.

*Эсимга тушади оқсоқ Туркистон,  
Нодонлик, сарсонлик, гўллик, сўқирлик.  
Бўюнтуруқ, жувоз, ташналик, ёвzon,  
Култепа, ютоқжар, қора чукурлик*

**УЧМА-УЧ УЛАШ** (стик ёки симплока) – қ. Ташибехул-атроф.

**ЭПИСТРОФА**, яъни классик адабиётдаги тасдир санъатида банд ёки тўртлик бир сўз ёки ибора билан бошланиб, яна шу бирлик билан тугайди.

*Тўхта, ҳей!  
Тўхта, қуёш!  
Эшиш, сўнгра тонг чогидаги шеъриятингга*

*қўшиб сочарсан унинг қўшигини ...*

*Тўхта ел, тонг даракчиси, тўхта!!*

**ЭПИФОРА** (гр. ері – сўнг, phoros – олиб борувчи сўзларидан). Параллел тузилган нутқ парчалари охирида айни бир элементнинг такрорланишидан иборат услубий восита.

*Эй тўлқинлан, оқ ўланим,  
Чакмоқ бўлиб чақ, ўланим,  
Жўр бўл, қолма тоқ, ўланим,  
Кўнгилларни ёқ ўланим.*

**ҲАЛҚА** – ўзбек шеъриятида кенг қўлланилган бадиий такрорлардан бири. Бунда шеърнинг бошида келган мисра ёки банд шеърнинг охирида такрорланади. Ҳалқа, биринчидан, шеърғоясини кўрсатса, иккинчидан, шеърнинг бошқа бандларини ўз доирасига қамраб олади – шеърнинг композицион бир бутунлигини вужуддага келтиради.

*Ҳаттоқи, пучак ҳам тама қилмовдим,  
Кунларим-ку ахир гавҳардан ортиқ.  
Сира ўйламовдим, чама қилмовдим,  
Не кун, ҳар дақиқам қутлуғ бир тортиқ.  
Ҳаттоқи, пучак ҳам тама қилмовдим,*

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонолигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б. 160.
4. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo‘lida xizmat qilish – eng oliv saodatdir. – Т.: “O‘zbekiston”, 2015. – В. 304.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б. 176.
6. Абдиев Э. Язык и стиль произведений Камиля Яшена. – Т.: “Фан”, 1990. – С. 88.
7. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т.: “Фан”, 1983. – Б. 88.
8. Абдуллаева Л. Стилистическая дифференциация лексики узбекской художественной литературы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1980. – С. 22.
9. Абдураҳмонов X., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: “Фан”, 1981. – Б. 59.
10. Абдураҳмонов X. Мақол ва маталларда такрор компонентларнинг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – 3-сон. – Б. 60-63.
11. Абдураҳмонов F. Ёзма нутқ услубларини яратувчи воситалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1994. – 3-сон. – Б. 29-32.
12. Адабиёт назарияси. Абадий асар. Биринчи жилд. – Т.: “Фан”, 1978. – Б. 416.
13. Адабиётшунослик терминлари лугати / Тузувчилар: X.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброхимова. – Т.: “Ўқитувчи”, 1967. – Б. 300.
14. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли лугати / Н.Хотамов, Б.Саримсоқов. – Т.: “Ўқитувчи”, 1979. – Б. 368.
15. Адилов М.И. Система повторов в азербайджанском языке: Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. – Баку, 1968. – С. 46.
16. Азизов Қ. Миртемир. – Т.: Бадиий адабиёт, 1969. – Б. 110.

17. Алиев Б. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1995. – Б. 23.
18. Аристотель. Поэтика / М. Маҳмудов ва У. Тўйчиев таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1980. – Б. 149.
19. Астафаева И.М. Виды синтаксических повторов и стилистическое исследование: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1964. – С. 18.
20. Афокова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 25.
21. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Наука, 1969. – С. 608.
22. Ахметов З.А. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964. – С. 460.
23. Аъламова М. Такрор ва унинг айрим хусусиятлари // Ўзбек филологиясининг актуал масалалари. – Т., 1977. – Б. 169-173.
24. Аҳмедов А. Фурқат поэзиясининг лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1960. – Б. 139.
25. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т.: “Фан”, 1983. – Б. 157.
26. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: “Фан”, 1985. – Б. 200.
27. Бобоева С. Ҳамид Олимжон поэзиясининг лексик хусусиятлари. – Т.: “Фан”, 1989. – Б. 54.
28. Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Т.: ТДПУ, 2001. – Б. 122.
29. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. – Б. 344.
30. Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқики: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – Б. 22.
31. Буранова М. Структурно-семантические особенности редупликативных слов в английском и узбекском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 18.
32. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: Наука, 1959. – С. 248.
33. Виноградов В.В. Стилистика, теория поэтической речи, поэтика. – М., 1963. – С. 206.
34. Воҳидов Э. Ишқ савдоси: Сайланма: Уч жилдли. – Т.: Шарқ, 2000. – 1-жилд. – Б. 416.
35. Глазырина С.А. Стилистические и текстообразующие функции повтора словообразовательных единиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1993. – С. 24.
36. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Т.: “Фан”, 1988. – Б. 208.
37. Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Т.: “Фан”, 1962. – Б. 316.
38. Ефимов А.И. О языке художественных произведений. – М.: Учпедгиз, 1954. – С. 288.
39. Ёриев Б. Язык поэзии М. Шайхзаде: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1979. – Б. 22.
40. Ёрматов И. “Алломиши” достонида сўз такрори шаклларининг кўпланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. – 5-сон. – Б. 53-58.
41. Ёкуббекова М. Ўзбек халқ қўшикларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Т.: “Фан”, 2005. – Б. 162.
42. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т., 1983. – Б. 168.
43. Исҳоқов Ё. Поэтик анъана ва индивидуал услугуб // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – 1-сон. – Б. 33-39.
44. Исҳоқов Ё. Радд ул-матлаъ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – 1-сон. – Б. 77-78.
45. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006. – Б. 128.
46. Исҳоқов Ё. Тарди акс // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – 6-сон. – Б. 81-83.
47. Исҳоқов Ё. Ташибехул-атроф // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 1-сон. – Б. 90-92.
48. Исҳоқов Ё. Қайтариш санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 2-сон. – Б. 83-87.
49. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ, 1982. – Б. 82.
50. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: “Фан”, 2007. – Б. 123.
51. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Т.: “Фан”, 2008. – Б. 160.
52. Йўлдошев М., Ядгаров К. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Т.: ТДПУ, 2007. – Б. 111.

53. Кабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 25.
54. Каримов С. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994. – Б. 72.
55. Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ, 2010. – Б. 192.
56. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – Б. 140.
57. Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1966. – С. 375.
58. Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нутқида антитеза (Э.Воҳидов шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 26.
59. Курбатов Х.Р. Татарская лингвистическая стилистика и поэтика. – М.: Наука, 1978. – С. 218.
60. Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – Б. 88.
61. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: “Ўқитувчи”, 1963. – Б. 496.
62. Мамажонов А. Периоды в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1975. – С. 28.
63. Мамажонов А. Такрор ва унинг синтактик-стилистик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 6-сон. – Б. 59-61.
64. Мамажонов А. Кўшма гап стилистикаси. – Т.: “Фан”, 1990. – Б. 112.
65. Мамажонов С. Услуб жилолари. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1972. – Б. 219.
66. Мамазияев О. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Фарғона, 2004. – Б. 25.
67. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Т.: “Фан”, 1988. – Б. 95.
68. Маҳмудов Н. Абдулла Қахҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. – 4-сон. – Б. 34-36.
69. Маҳмудов Н. Тил. – Т.: Ёзувчи, 1998. – Б. 40.
70. Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1997. – Б. 110.
71. Мирзаев И. Лингвистик поэтика ва унинг филологик таҳлилдаги ўрни // Лингвопоэтика масалалари. – Самарқанд, – 2001. – Б. 72-76.
72. Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста. (На материале современной узбекской поэзии): Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. – Т., 1992. – С. 47.
73. Миртемир. Асарлар: Тўрт жилдли. 1-4-жилдлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980-1983. 1-жилд. 1980. – Б. 384; 2-жилд. 1981. – Б. 376; 3-жилд. 1982 – Б. 240; 4-жилд. 1983. – Б. 240.
74. Миртемир замондошлари хотирасида. – Т.: “Фан”, 1982. – Б. 224.
75. Миртоҷиев М., Тоҳиров З. Сўз маъносининг бўёғи. – Т.: “Ўзбекистон”, 1980. – Б. 23.
76. Миртоҷиев М. Товушлардаги маънолар. – Т.: “Ўзбекистон”, 1982. – Б. 24.
77. Мирхайдаров Х. Рифма и индивидуальный стиль. (На материале узбекской советской поэзии): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1992. – С. 25.
78. Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. – Т.: “Фан”, 1982. – Б. 88.
79. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқики: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25.
80. Мўминов Ф. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. – Т.: “Фан”, 1985. – Б. 128.
81. Назиржонова Ф. Миртемир ижодига хос оригинал иборалар // Тилшунослик масалалари. – Т., 1978. – Б. 199-203.
82. Назиржонова Ф. Миртемир поэзиясида умумтуркӣ лексик қатлам // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – 1-сон. – Б. 70-71.
83. Назиржонова Ф. Миртемир шеъриятида диалектизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. – 1-сон. – Б. 82-84.
84. Назиржонова Ф. Миртемир шеъриятида синонимларнинг кўлланиши// Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Т., 1975. – Б. 168-172.
85. Неъматов X. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: “Ўқитувчи”. 1992. – Б. 136.

86. Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърияти лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2011. – Б. 25.
87. Одинцов В.В. О языке художественной прозы. – Москва: Наука, 1973. – С. 104.
88. Отаёр. Қуёшни кўргали келдим. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 208.
89. Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек шеъриятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1995. – Б. 29.
90. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: “Фан”, 1995. – Б. 155.
91. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, 1972. – Б. 180.
92. Рихсиева Г. Шеъриятдаги гапларнинг актуал бўлинишида анафоралар ўрни: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1999. – Б. 25.
93. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1979. – Б. 216.
94. Рустамов М. Гадоий девони тилининг лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1992. – Б. 141.
95. Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 46.
96. Сайдов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2001. – Б. 24.
97. Самадов К. Ойбек – сўз санъаткори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1965. – Б. 32.
98. Содикова М. Ўзбек тилида кучайтирув воситалар // “Ўзбек тили ва адабиёти”. – Тошкент, 1974. – 1-сон. – Б. 36-40.
99. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1986. – Б. 408.
100. Стеблева И.В. Происхождения и развитие тюркской аллитерационной системы в связи и историческим родством тюркских и монгольских языков // Советская тюркология. – Москва, 1971. – № 6. – С. 80-84.
101. Тимофеев Л.И., Венгрев Н. Краткий словарь литературоведческих терминов. – М.: Учпедгиз, 1958. – С. 188.
102. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – С. 464.
103. Тожибоев М. Мухаммад Шабоний девони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 24.
104. Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. – Л.: Сов. писатель, 1959. – С. 283.
105. Тошалиева С. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1998. – Б. 27.
106. Тухсанов М. Микротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1987. – С. 17.
107. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011. – Б. 507.
108. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: “Фан”, 1985. – Б. 376.
109. Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Раҳмон, А.Ўқтам, И.Мирзо шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 25.
110. Тўрабекова С. Fafur Fулом поэмаларининг тили ва стили ҳакида: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1961. – Б. 175.
111. Тўхтасинова О. Ўзбек тилида лексик окказионализмлар ва уларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 25.
112. Умуркулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Т.: “Фан”, 1993. – Б. 132.
113. Уринбаев З.Б. Лингвистическая природа редупликаций в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 18.
114. Фитрат А. Адабиёт қоидалари / Масъул мухаррир Б. Назаров. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – Б. 112.
115. Халилов Т. Миртемир маҳорати. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1980. – Б. 127.
116. Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ат-тайр” Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 19.
117. Ходжамкулов У. Миртемир лирикасида сўз ва образ: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 25.

118. Ходжамкулов У. Миртемир шеъриятида сўзнинг эстетик таъсир имкониятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – 2-сон. – Б. 60-61.
119. Чориев Б. Гафур Ғулом поэзияси лексикасининг айрим масалалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1972. – Б. 29.
120. Шадиева Д. Мухаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 25.
121. Шарофиддинов О. Миртемир // Замон. Қалб. Поэзия. – Т.: Ўзадабийнашр, 1962. – Б. 232.
122. Шукуров Н. Сўз сехри, шеър меҳри. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – Б. 216.
123. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1973. – Б. 170.
124. Шукуров Р. Синтактик параллелизмнинг услубий вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – 2-сон. – Б. 73-75.
125. Шукуров Р. Синтактик параллелизм – поэтик фигура // Фарғона ДУ илмий хабарлари. – Фарғона, 2004. – 1-сон. – Б. 27-30.
126. Шукуров Р. “Турксиб йўлларида” шеърида бадиий тақрор // Нафис гулім – шоир, ёзувчи ва олим: Илмий-назарий анжуман материаллари. – Фарғона, 2003. – Б. 95-96.
127. Шукуров Р. Ҳ.Олимжон асарларида кўлланган тақрорларнинг услубий хусусиятлари // Экология ва аёл. Илмий анжуман материаллари. – Фарғона, 2003. – Б. 190-191.
128. Юлдашев Б. Стилистический анализ узбекской художественной прозы. – Т.: “Ўқитувчи”, 1989. – С. 136.
129. Якубекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2005. – Б. 48.
130. Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 25.
131. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилди. – Т.: ЎзМЭ, 2005. – 10-жилд. – Б. 612.
132. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати / Ш.Рахматуллаев, Н.Маматов, Р.Шукуров. – Т.: “Ўқитувчи”, 1980. – Б. 231.
133. Ўзбек тили грамматикаси: 2 жилди / F.Абдураҳмонов, Ш.Шоабдураҳмонов, А.Хожиевлар таҳрири остида. – Т.: “Фан”, 1975. – 1-жилд. – Б. 612; – Т.: “Фан”, 1976. – 2-жилд. – Б. 560.
134. Ўзбек тили грамматик қуришиши ва стилистикаси масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 1995. – Б. 107.
135. Ўзбек тили лексикологияси // Масъул мухаррирлар: А.Хожиев, А.Аҳмедов. – Т.: “Фан”, 1981. – Б. 314.
136. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 5 жилди. 1-5-жиллар. – Т.: ЎзМЭ, 2006-2018. 1-жилд. 2006. –Б. 680; 2-жилд. 2006. –Б. 672; 3-жилд. 2007. Б. 688; 4-жилд. 2008. –Б. 608; 5-жилд. 2008. –Б. 592.
137. Ўзбек тилининг қисқа этиологик лугати / Ш.Рахматуллаев, М.Қодиров. – Т.: Университет, 1999. – Б. 142.
138. Ўзбек тили стилистикаси / А.Шомақсұдов, И.Расулов, Р.Қўнгурев, Ҳ.Рустамов. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 248.
139. Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли лугати / Р.Расулов, И.Умиров. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. – Б. 38.
140. Ўринбоев Б. Бадиий текстнинг лингвистик таҳдиди / Б.Ўринбоев, Р.Қўнгурев, Н.Лапасов. – Т.: “Ўқитувчи”, 1990. – Б. 216.
141. Ўринбоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. – Т.: “Фан”, 1992. – Б. 36.
142. Қиличев Б. Ўзбек тилида пантонимия: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 22.
143. Қиличев Э. Бадиий тасвирий лексик воситалари. – Т.: “Фан”, 1982. – Б. 87.
144. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1985. – Б. 102.
145. Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуалигининг лингвистик хусусиятлари. (Тоғай Мурод асарлари мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 24.
- 146.Курбонов Т. Публицистик асарларда тақрорнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. – Самарқанд, 1981. – Б. 60-69.
- 147.Курбонов Т. Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – Б. 132.
- 148.Қўнгурев Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Т.: “Фан”, 1977. – Б. 152.
- 149.Қўнгурев Р. Нутқ маданияти ва услубият асослари / Р.Қўнгурев, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992. – Б. 160.

150. Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Т.: “Фан”, 1977. – Б. 168.

151. Хайдаров А. Бадиий матннинг фоностилистик воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 22.

152. Ҳамид Олимжон. Муқаммал асарлар тўплами: Ўн жилдли: –1-жилд. – Т.: Фан, 1979. – Б. 404; –2-жилд.– Т.: Фан, 1979. –Б. 228.

153. Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 194.

154. Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 240.

155. Ҳожиахмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 160.

156. Ҳожиахмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 96.

157. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: ЎзМЭ, 2002. – Б. 168.

158. Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такорий сўзлар. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1963. – Б. 146.

159. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1974. – Б. 307.

160. Ҳозирги ўзбек адабий тили / Ш. Шоабдураҳмонов, И. Расулов, М. Аскарова, А. Ҳожиев, Ҳ. Дониёров. 1-қисм. – Т.: “Ўқитувчи”, 1980. – Б. 446.

161. Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – Б. 400.

162. Ҳамид Олимжон. Муқаммал асарлар тўплами: Ўн жилдли. – Т.: “Фан”, 1979. – 1-жилд. – Б. 404.

163. Ҳамид Олимжон. Муқаммал асарлар тўплами: Ўн жилдли. – Т.: “Фан”, 1979. – 2-жилд. – Б. 228.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
І БОБ. МИРТЕМИР ШЕЪРИЯТИДА ФОНЕТИК ТАКРОРЛАР	19
.....	23
1. Аллитерация .....	34
1.2. Геминация.....	36
1.3. Ассонанс .....	40
ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР .....	41
ІІ БОБ. МИРТЕМИР ШЕЪРИЯТИДА ГРАММАТИК	42
ТАКРОРЛАР .....	46
2.1. Ташобехул-атроф .....	53
2.2. Ҳалқа .....	59
2.3. Тарди акс .....	66
2.4. Мисра ва банд тақори	68
ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР .....	69
ІІІ БОБ. МИРТЕМИР ШЕЪРИЯТИДА ЛЕКСИК ВА ЛЕКСИК-	79
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАР .....	85
3.1. Анафора.....	92
3.2. Мукаррар .....	97
3.3. Такрир .....	99
3.4. Эпифора .....	101
ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР .....	107
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР .....	
ТАКРОРГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ	
ЛУҒАТИ.....	
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	

ҚАЙДЛАР УЧУН

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

А.М.ШОФКОРОВ

# ЎЗБЕК ТИЛИДА БАДИЙ ТАКРОР

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2019

Мухаррир: Ш.Кушербаева  
Тех. мухаррир: А.Мойдиков  
Мусаввир: Ф.Тишибаев  
Мусаххиха: Ш.Миркосимова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Рахматуллаева

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 71-245-57-63, 71-245-61-61.  
Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рұксат этилди 26.04.2019.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартлы босма табоги 7,25. Нашр босма табоги 7,5.  
Тиражи 100. Буюртма № 69.

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi»** да чоп этилди.  
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.



ISBN 978-9943-5676-8-9

9 789943 567689

**FAN VA  
TEKNOLOGIVALAR**

ISBN 978-9943-5676-8-9



9 789943 567689

A standard barcode representing the ISBN 978-9943-5676-8-9.